

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.512.133'373**

СИНДОРОВ ЛУТФУЛЛА КУРОЛОВИЧ

«ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Абдушукуров Бахтиёр Бўронович,
филология фанлари доктори, профессор**

Жиззах – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ СЕМАНТИК-ТЕМАТИК ГУРУҲЛАРИ	12
1.1-§. Шахс ва шахс фаолияти билан боғлиқ семантик майдон.....	16
1.2-§. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи семантик майдон.....	29
1.3-§. Белги-хусусият билдирувчи семантик майдон.....	31
1.4-§. Макон тушунчасини билдирувчи семантик майдон	34
1.5-§. Ҳайвон номларини билдирувчи семантик майдон.....	36
1.6-§. Ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тушунчаларни билдирувчи семантик майдон	39
Боб бўйича хулосалар	41
II БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	43
2.1-§. Туркий лексик қатлам	45
2.2-§. Ўзлашма лексик қатлам.....	56
Боб бўйича хулосалар	77
III БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	78
3.1-§. Достон лексикасининг полисемантик хусусиятлари	80
3.2-§. Асар луғат таркибидаги парадигматик муносабатлар	95
Боб бўйича хулосалар	107
ХУЛОСА	109
МАНБАЛАР	112
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	115

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида туркий тилларнинг шаклланиши ва тараққиёти, тарихий лексикология ҳамда терминология масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Муайян шоир ёки адибнинг сўз қўллаш маҳоратини диахрон лингвистика талаблари асосида ёритиш ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг асосини ташкил этмоқда. Ушбу муаммони маълум бир ҳудуд адабий муҳитида етакчи ўрин тутган, бу орқали бадиий-эстетик тафаккур ва адабий тил ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар лисоний мероси, уларнинг лингвистик маҳорати сирларини тадқиқ қилиш тилшунослик учун амалий хулосаларга олиб келиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё тилшунослигида лексик материалларни бирламчи манбалар асосида ўрганиш, тарихий лексикологияга бўлган муносабатни давр кесимида туриб баҳолаш, туркий тилларнинг тараққиёти, генезиси ҳамда лисоний алоқалари, уларнинг ўзига хос ва муштарак жиҳатлари сингари муҳим масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Муайян ижодкорлар асарлари мисолида ўша давр учун характерли бўлган сўзлар, шунингдек, ўз ва ўзлашма қатламга доир лексемаларни аниқлаш ҳамда лексик-семантик жараёнларни ёритишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний, маданий омиллар ўрни масаласи ҳануз тилшуносликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда халқимизнинг улкан маънавий мероси, бой тарихини холисона ўрганиш, бебаҳо миллий қадриятларимизни теран англаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келган. Шу тилда буюк маданият

намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»¹. Шу маънода, халқимиз маънавий меросининг ажойиб дурдоналаридан саналган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексикасини ўрганиш туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг кенг имкониятларини ёритишда, ўз ва ўзлашган қатлам муносабатини белгилашда, ҳозирги ўзбек тилида қўлланиш ҳолатини аниқлашда, семантик жараёнларни таҳлил этишда, буюк мутафаккир қарашларини, сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилишда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатдаги нуфузини ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига Давлат тили макоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «Халқ сўзи» 2019 йил, 22 октябрь.

ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туркологияда XIII-XIV аср туркий манбаларнинг тил хусусиятларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш борасида қатор жиддий ишлар амалга оширилганлиги илм аҳлига, айниқса, тил тарихи мутахассисларига яхши маълум. Эски туркий адабий тил, яъни XI-XIV асрларда битилган ёзма манбалар сўз бойлигини атрофлича таҳлил қилишда А.Боровков, С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, А.Нажиб, Э.Фозилов, Қ.Махмудов, Қ.Каримов, Ҳ.Неъматов, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, Б.Абдушукуров² каби турколог олимларнинг роли катта бўлганлиги эътироф этилган. Бу борада тилшунос олим Қозоқбой Махмудов томонидан бажарилган ишлар ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганишда муҳимдир³. У 1964 йилда «Ҳибатул ҳақойиқ» тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари» мавзuida номзодлик ишини ёқлаган. 1972 йилда «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» номли монографиясини эълон қилган. Китобда асарнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан тадқиқ этилиши билан бирга иккинчи нусханинг араб ёзувидаги танқидий матни, транскрипцияси, шарҳ ва луғати берилгани ўзбек тили тарихини ёритишда катта аҳамият касб этди. Шунингдек, С.Камолиддин, Қ.Тоҳиров, А.Шукурова, А.Аҳмедов ва Л.Ахматоваларнинг Адиб Аҳмад биографияси,

² Боровков А. Лексика Среднеазиатского тefsира XII-XIII вв. – М: Изд-во восточной лит-ры, 1963. –367 с.; Махмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. –Т: Фан, Т. I. 1960. –499 б. Т. II. 1961. 427 б. Т. III. 1963. –466 б.; Девону луғотит турк. Индекс-луғат, Ғ.Абдурахмонов ва С.Муталлибов иштироки ва таҳрири остида. – Т: ФАН, 1967; Наджип Э. Тюркоязычный памятник XIV века «Гулистан» Сейфи Сараи и его язык. – Алма-Ата: Наука, 1975. Ч. I. 210 с. Ч. II. –300 с.; Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: по материалам «Хосрау и Ширин» Кутба. –М.: Наука, 1979. –479 с.; Фазылов Э. Староузбекский язык: Хорезмийские памятники XIV века Т. I-II. –Т: Фан, 1966-1971. Т. I. 1966. –652 с. Т. II. 1971. –779 с.; Махмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. –Т.: Фан, 1972. –300 б.; Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тафсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. –Т: Фан, 1971. –786 б.; Нигматов Х. Морфология языка восточнотюркских памятников XII-XIII вв. Автореф. дисс. док. филол. наук. – Баку, 1978. –48 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономические терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.; Содиқов Қ. XI-XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри дисс.-яси. – Т., 1992. –167 б.; Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. Филол. фан. док. дисс. – Т.: 2017. –259 б.

³ Махмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. – Т: ФАН, 1972. –300 б.; Махмудов Қ. Лексико-семантический особенности языка «Хибатул хакаик» // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Т.: Фан, 1994. – С.83-90.

асар сарлавҳалари, боблари, матни ва шарҳлари, композицияси, дostonдаги арабча матнлар ҳамда уларнинг таржималари, тил хусусиятларини ўрганиш хусусидаги мақола ва рисоалари эълон қилинган⁴. Маълум бўладики, «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonи лексикаси махсус тадқиқот объекти бўлгани йўқ.

Биз мазкур илмий изланиш орқали ўзбек адабий тили тарихий лексикасидаги зикр этилган бўшлиқни тўлдиришга ҳамда ёдномада қўлланилган лексик бирликларни мавзуий, генеалогик ва семантик жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Зеро, асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш кўп асрли тарихга эга бўлган туркий тилларнинг, шунингдек, ўзбек адабий тилининг таракқиёт босқичларини аниқлашда бениҳоя қимматлидир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonининг ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш ҳамда асарда қўлланилган сўзларнинг мавзуий, тарихий-этимологик ва лексик-семантик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг ўзбек адабий тили луғат таркиби ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш;

лексик бирликларни турли мавзуий гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ

⁴ Камаллиддин С. К. Биографии Ахмада Йўгнаки // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2005.-№1. – Б. 93-104; Тоҳиров Қ. «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonидаги сарлавҳалар масаласи // Тил ва адабиёт муаммолари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – Б.35-41; «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonидаги боблар ҳақида // Тил ва адабиёт муаммолари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – Б.43-48; «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonидаги арабча матнлар ва уларнинг таржимаси // Зиёкор, 2008. – № 1. – Б.55-63; «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonининг матни ва шарҳлари хусусида // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2008. – №6. – Б.22-25; Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» дoston: матн, тадқиқ ва таҳлил. – Самарқанд: СамДУ, 2009. – 96 б.; Шукурова А. «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonининг композициясига доир мулоҳазалар // Сўз санъати (Илмий мақолалар тўплами). 3-китоб. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2015. – Б. 5-11; Аҳмедов А., Аҳмадова Л. «Ҳибатул ҳақойиқ» асари тил хусусиятларини ўрганиш бўйича бир тажриба // Республика ўзбек тили доимий анжумани 12-ййғини материаллари. – Тошкент, 2011 йил. 14-15 апрель. –Б. 246-247.

этиш орқали лексемаларнинг тарихий тараққиётини очиб бериш;

асар лексикасини генеалогик жиҳатдан ўрганиш натижасида давр учун характерли бўлган сўзларни аниқлаш ҳамда ўз ва ўзлашма қатламга доир лексемаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

достонда қайд этилган лексик бирликлар билан турли даврларда яратилган туркий манбалардаги сўзларни қиёсий тадқиқ қилиш;

асар луғат фондида содир бўлган лексик-семантик жараёнларни ўша даврдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний, маданий омиллар билан боғлиқ ҳолда очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари танланди. Мисоллар Қозоқбой Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

Тадқиқотнинг предметини Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари луғат таркибида қўлланилган лексик бирликларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш орқали ўзбек адабий тилининг XII-XIII асрлардаги ўзига хос хусусиятларини ёритиш, достоннинг ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-назарий, тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик, статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий лексикологиянинг назарий қоидаларига таянган ҳолда достондаги ижтимоий-сиёсий *bozun* – «халқ», *māllīq* – «моллик, мулкдор», *hadiya* – «ҳадя», иқтисодий (*uʻcuz* – «арзон», *dinar* – «динор» (пул бирлиги), диний (*yazuq* – «гуноҳ», *savāb*, *insāf*, *halāl*), маиший (*azuq* – «егулик», *asal*, *aʻ* – «овқат», *ʃarāb*), жуғрофий (*tüz* – «текислик», *köl* – «кўл»), дипломатик (*bek*, *yağī* – «душман») ва касб-ҳунарга оид лексик бирликларнинг қўлланиш доираси мисоллар асосида далилланган;

«Ҳибатул ҳақойиқ» достонидаги сўз бойлигининг семантик хусусиятлари ва асар матнида қўлланилган лексик (ačĩġ – «аччиқ», asĩġ – «фойда», arqĩš – «карвон», emġā – «заҳмат чекмоқ», eš – «ўртоқ», yawuq – «якин»; yaġĩ – «душман», yaġan – «фил», uwtan – «уялмоқ», učuz – «арзон», čĩġau – «камбағал», qaravaš – «чўри, хизматкор») бирликларнинг генезиси исботланган;

достонда қўлланилган arslan, bek – «бек, амир», qaravaš – «чўри, хизматкор», tawar – «тавар, мол», ezgü – «яхши», kõni – «тўғри», süčük – «чучук», uid – «ҳид» каби лексемалар қадимги туркий тил (VI-X асрлар) ҳамда эски ўзбек адабий тили (XIV асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари) материаллари билан қиёсланиб, уларнинг узвий боғлиқлиги, ўзбек адабий тилининг ўша даврдаги луғат бойлиги, ифода имкониятлари очиқ берилган;

достон луғат фондида қўлланилган лексемаларнинг шакл ва маъно муносабатига доир кўринишлари, шунингдек, омонимларнинг яширин маъноларни англатиш, синонимларнинг маънони даражалаб ифодалаш, антонимларнинг контраст тасвир усули хусусидаги ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Ҳибатул ҳақойиқ» достонидаги сўзларни семантик-тематик, тарихий-этимологик ва функционал-стилистик жиҳатдан ўрганиш натижасида олинган хулосалар лексемаларнинг маъно тараққиётини очиқ бериш, тил тарихи билан алоқадор лисоний ҳодисаларни шарҳлаш, адабий тилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига хос хусусиятларни аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тилшунослик илмида тарихий лексикология ва терминологиядаги лексик-семантик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

тарихий лексикология ҳақидаги янги маълумотларнинг аниқланиши, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари луғат таркибининг тадқиқ этилиши, XII-XIII асрлар учун характерли бўлган тил масалаларининг ёритилиши

филология йўналишида тахсил олаётган талабалар, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассислари учун зарур манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тил авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқликни таъминловчи муҳим восита экани, ўзбек адабий тили тарихи, тараққиёт босқичларининг илмий асосда ёритилгани, ёзма ёдгорликларни ўрганиш борасидаги методологик ёндашув, илмий-назарий, функционал-семантик, қиёсий ва тарихий усулларидан фойдаланилгани, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексикасининг илмий концепциялар ва назарий қарашлар ёрдамида диахрон аспектда тадқиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туркий тиллар, жумладан, ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш, ўзбек адабий тили лексикаси ва терминологияси тарихини ўрганиш, тил тарихи йўналишида яратилажак қиёсий лексикологик ишлар ҳамда илмий рисолалар яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимидаги «Ўзбек тили тарихи», «Қадимги туркий ёзувлар», «Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар ва луғатлар яратишда, ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексикаси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий лексикологиянинг назарий қоидаларига таянган ҳолда дostonдаги ижтимоий-сиёсий *bozun* – «халқ», *mālliq* – «моллик, мулкдор», *hadiya* – «ҳадя», иқтисодий (*uʻcuz* – «арзон», *dinar* – «динор» (пул бирлиги), диний (*yazuq* – «гуноҳ», *savāb*, *insāf*, *halāl*), маиший (*azuq* – «егулик», *asal*, *aʻ* – «овқат», *ʃarāb*), жуғрофий (*tüz* – «текислик», *köl* – «кўл»), дипломатик (*bek*, *yaği* – «душман») ва касб-ҳунарга оид лексик бирликларнинг қўлланиш доираси, уларнинг ясалиш хусусиятларига оид илмий хулосалардан

ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4403 сон маълумотномаси). Натижада тарихий деривациянинг замонавий туркий тиллар, ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалишидаги ўрнини аниқлашга эришилган;

azaq (оёқ), az- (адашмоқ, янглишмоқ), асї- (ачимок), adl (адолат), al- (олмоқ), arıǵsız (ифлос, нопок), baхšiš (бағишлов), baqāsiz (бақосиз), bek (бек), dīnar (пул бирлиги), esiz – yavuz (ёмон) каби сўзларнинг функционал-семантик хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4403 сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили луғат таркиби, Алишер Навоий асарларида ифодаланган сўзларнинг лексик-семантик тараққиётини аниқлашда ҳамда ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини кўрсатишда муҳим манба вазифасини ўтаган;

«Ҳибатул ҳақойиқ» достонида қўлланилган лексик бирликларнинг генеологик, семантик ва функционал-стилистик хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалардан ФА-А1-Г007 рақамли «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4403 сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада қўлланилган тил бирликларининг тарихий-этимологик ва услубий жиҳатларини ёритишга хизмат қилган;

асарда қўлланилган иқтисодиёт, молия терминларининг (uсuz – «арзон», dīnar – «динор» (пул бирлиги), arqīš – «карвон», asīǵ – «фойда» bek – «бек, амир», qaravaš – «чўри, хизматкор», tawar – «тавар, мол») структур ва лингвостатистик хусусиятлари, маъно тараққиётига доир илмий хулосалардан ОТ-А1-018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан

электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4403 сон маълумотномаси). Натижада соҳага оид терминларининг корпус таҳлили муаммоларини тавсифлашда, таълим соҳаси терминалогиясининг тадрижий такомилени кўрсатишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 125 саҳифадан иборат.

I БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ СЕМАНТИК-МАВЗУИЙ ТАҲЛИЛИ

Тил туфайли жамият узвларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари тил орқали билим аجدоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган аجدоднинг ишини давом эттиради. Бу билан яна тараққиёт таъминланади⁵. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ўзбек тилининг луғат таркиби ўзига хос тарихий босқичларни босиб ўтган. Ҳозирги тилда қўлланаётган ҳар бир сўз пайдо бўлиш вақти турли вазифаларни бажариши, хилма-хил ўзгариш ва янгиликларни қабул қилиш хусусиятига кўра муайян тарихга эга. Ушбу сўзларнинг бир қисми қадимда турмуш талабларига мувофиқ, янги сўзлар яшашга замин бўлган. Маълум қисми эса, анча кейин юзага келган ва тилда муқим ўрин тутган⁶. Бу эса, ўз навбатида, лексикани тарихий аспектда ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Зеро, ҳар бир адабий тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш ва унинг тараққиёт йўллари аниқлашда тил тарихини атрофлича тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ёзма манбалар тилини ўрганиш лексикологиянинг назарий қоидаларини асослашга ёрдам беради, мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқа, муносабатларини белгилаш ва баҳолашда муҳим воситалардан бири саналади. Лексика тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан турли ички ва ташқи таъсирларни ўзида мужассам этгани боис, халқнинг маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш ва ўсишни аниқлашга кўмаклашади⁷. Шу маънода, тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усуллари билан бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларни ажратиб таҳлил қилишдир. Манбаларда истифода этилган сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш тилшунослик учунгина эмас, бошқа фанлар учун ҳам

⁵ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. –Б. 6.

⁶ Муталлибов С. Морофология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 133-134.

⁷ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –Б. 3.

кимматли маълумот беради. Шунингдек, ёзма ёдномалар тилидаги лексемаларни мавзуй жихатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, кўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради⁸.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари бадиий сўз санъати ва ўзбек адабий тилининг жуда қимматли ёдгорлиги ҳисобланади. Мазкур асар барчага манзур бўлган. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида кўзи кўр бўлса-да, кўнгил кўзи очик, соғ кишиларга нисбатан равшан, деб ёзади. Айни пайтда, шоирнинг туркий қавмга мансублигини, туркча шеър айтишда ниҳоятда моҳир бўлганлигини уқтириб ўтади, унинг асаридан айрим намуналар келтиради (Ҳусайн Бойқаро ўғли Бадиуззамонга ёзган хатларидан бирида ҳам «Ҳибатул ҳақойиқ»дан парчалар келтиради): Улуғлар не берса емасман дема,

Илик сўн, оғиз ур, емасанг ема!

Асарнинг яратилиш даври ҳақида турли қарашлар мавжуд. С.Малов асар тилидаги архаик унсурларга қараб, уни X-XII асрларга тегишли деса, Н.А.Баскаков уни XI-XII асрлар, В.Насилов эса XIII асрнинг I ярмида, Қ.Маҳмудов XII аср охири - XIII аср бошларида яратилган деб кўрсатадилар⁹. Бундан кўринадики, Адиб Аҳмад XII аср - XIII асрлар оралиғида Самарқанд атрофидаги Югнак шаҳарчасида таваллуд топган. Илмий жамоатчилик аҳлига асарнинг 3 та кўлёзма нусхаси маълум. Достон кўлёзма нусхаларда «Атабатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар эшиги), «Ҳибатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар тортиғи), «Ғайибатул ҳақойиқ» (Яширин ҳақиқатлар) тарзида номланган. Дастлабки нусхани 1444 йилда хоразмлик Зайнал Обид бинни Султон Бахши Журжоний Ҳусайний оригиналдан кўчирган бўлиб, Истамбул Аясофия кутубхонасида сақланади (уйғур ёзувида). Иккинчиси, 1480 йилда Шайхзода Абдураззоқ бахши томонидан кўчирилган, қайд этилган кутубхонада

⁸ Абдулхайров М. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. ...дис. автореф. –Т.: 1996. –Б. 16.

⁹ Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. –Т.: Фан, 1972. –Б. 14,16.

сақланади (бу ҳам уйғур хатида ёзилиб, қаторма-қатор араб ёзуви билан изоҳлаб чиқилган). Учинчиси, араб ёзувида бўлиб, Истамбулдаги Тўпқопи кутубхонасида сақланмоқда. Унга Туркия султони Боязид II (1481-1512)нинг муҳри босилган. Шунга кўра асарнинг мазкур нусхаси XV аср охири - XVI аср бошларида кўчирилган, деган хулосага келамиз. Иккинчидан, унда усмонли турк тили хусусиятларининг учраши Туркияда кўчирилганидан далолат беради¹⁰. Қайд этилган уч нусха асосида туркиялик Рашид Раҳмат Арат 1951 йилда асарнинг сайланма матни ва таржимасини яратган. Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини илмий равишда чуқур ўрганишда «Ҳибатул ҳақойиқ» достони энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Ўша даврдаги қабила тилларининг хусусиятини аниқлаш, уларнинг бир-бирига таъсири, ривожланиши, ўзаро бирикиб кетиши ва марказлашиши оқибатида халқ (элат) тиллари, айниқса, ўзбек халқ (элат) тилининг ташкил топиш ва шаклланиш жараёнини белгилашда бу асарнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. X-XII асрларда битилган асарлар билан кейинги даврларда ёки умуман, XIX асргача яратилган манбалар тилини қиёсий ўрганиш, улардаги умумийлик ва фарқларни аниқлашга ҳам кўмаклашади. «Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг тили, унинг лексик хусусияти, товуш таркиби ва грамматик курилиши, бир томондан, «Қутадғу билиг» асарига яқинлашса, иккинчидан, «Қисаси Рабғузий»га ўхшаб кетади. Шарқшунос олим Е.Э.Бертелс қадимги ўзбек адабий тилидан (аниқроғи, эски туркий адабий тилдан) классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойиқ» кўприк вазифасини ўтаган деб кўрсатади. Бу борада тилшунос олим Қозоқбой Маҳмудов томонидан бажарилган ишлар ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганишда муҳимдир. У 1964 йилда «Ҳибатул ҳақойиқ» тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари» мавзуида номзодлик ишини ёқлаган. 1972 йилда «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» номли монографиясини эълон қилган. Китобда асарнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан тадқиқ этилиши билан бирга иккинчи нусханинг араб ёзувидаги танқидий матни,

¹⁰ Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. –Т.: Фан, 1972. –Б. 12.

транскрипцияси, шарҳ ва луғати берилгани ўзбек тили тарихини ёритишда катта аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, асар тилига мансуб лексик қатламлар, фонетик ва грамматик хусусиятларнинг қарлуқ, чигил, яғмо, уйғур тиллари негизида шаклланган адабий тил билан муштараклик эканлиги, айниқса, кейинги асрларда битилган асарлар тилига яқинлиги кабилар эски туркий адабий тилдан эски ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг восита бўлганлигини кўрсатади. Асар ўзининг лексик хусусиятлари билан ўша даврдаги эски туркий адабий тилининг луғавий бойлигини акс эттиради.

Сўзларни мавзуй гуруҳларга жамлаш тилнинг ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда эмас, кўпроқ ташқи белгилари орқали амалга оширилади. Бунда сўзнинг маъноси қайси туркумга алоқадорлиги етакчи ўрин тутди. Бу жиҳатдан сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиш лексемаларни лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганиш усулидан фарқ қилади ва у ўзида тилнинг специфик муносабатларини гавдалантирмайди¹¹.

Сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиш муайян халқ тилида қайси соҳаларга оид лексиканинг бой ёки камбағаллигини белгилашда катта ўрин тутди. Ўз ва ўзлашган қатлам лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ўрганиш ўз қатламда қандай соҳаларга оид сўзлар сақланиб тургани, қайси соҳаларга доир лексемалар тарихан истеъмолдан чиқиб кетгани ва улар ўрнини ўзлашган сўзлар эгаллаганини аниқлашга йўл очди. Айни пайтда айтиш жоизки, халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданий турмуши, диний қарашларига оид маълумотлар сўзнинг мавзуй гуруҳларида ўзининг яққол ифодасини топади. Демак, лексемаларни мавзуй гуруҳларга ажратиш тадқиқ этиш тилнинг халқ ҳаёти билан боғлиқ томонларини ёритиш учун хизмат қилади¹².

Туркология ва ўзбек тилшунослигида туркий тиллар лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш борасида Э.Фозилов, Ф.Исхаков,

¹¹ Гольдин В.Е. Об одном аспекте изучения тематических групп слов // Язык и общество. Вып. 2. –М.: 1970. –С. 163; қаранг: Филин Ф. О лексико-семантических группах слов // Езиковедски исследования в честь на академ. СТ. Младенова. –София, 1957. –С. 525-531.

¹² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 121.

И.Исмоилов, Ц.Номинханов, Д.Бозорова, Б.Бафоев, Э.Бегматов, И.Носиров, Ҳ.Дадабоев, М.Абдулхайров, З.Холманова, Б. Абдушукуров сингари турколог ва тилшунослар томонидан турли тадқиқотлар амалга оширилган¹³. Мавжуд тажрибага таянган ҳолда «Ҳибатул ҳақойиқ» лексикасини семантик майдон, мавзуий гуруҳлар бўйича ўрганишга ҳаракат қилдик.

1.1-§. Шахс ва шахс фаолияти билан боғлиқ семантик майдон

1.1. Шахс исмини билдирувчи семантик гуруҳ¹⁴. Достонда мазкур гуруҳга кирувчи антропонимлар, ўз навбатида, лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга тақсимланади:

1. Диний антропонимлар:

а) Тангри ва унинг сифатларини ифодаловчи сўзлар: *Uğan, İdi, Yaratqan, Bayat, Malik*.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида **izi** «тангри» маъносида ишлатилган (ДТС,203). Мазкур сўзнинг илк шакли **idi** бўлиб, Култегин ёдгорлигида «соҳиб, эга»: *Ötükändä yig idi yoq ermiş*, «Қутадғу билиг» достонида «Худо»: *Ay yer kök idisi* семаларини билдирган (ДТС,203). Ўрганилаётган манбада қайд этилган лексеманинг **izi** фонетик варианты «соҳиб, эга»: *Aya mal izisi axi ezgü er*¹⁵; «тангри»: *Bu bayliq çığayliq izi qismati* маъноларини аниқлаётган. Бу теоним дастлаб Култегин

¹³ Исхаков Ф. Наблюдения по лексике в области прилагательных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: 1961. –С. 32-36; Фазылов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. –Т.: Фан, 1965. –171 б.; Староузбекский язык: Хорезмийские памятники XIV века Т. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971. Т. I. 1966. –652 с. Т. II. 1971. –779 с.; Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. –Т.: ФАН, 1966. –150 б.; Номинханов Ц. Исследования по тюркским и монгольским языкам. Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. –Алма-Ата, 1966. –25 с.; Базарова Д. История формирования и развития зоологической терминологии узбекского языка. –Т.: ФАН, 1978. –223 с.; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –157 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –200 б.; Насыров И. Лексика «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои // Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: ФАН, 1990. –С. 87-140; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.; Абдулхайров М. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. дисс. –Т.: 1996. –122 б.; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. –Т.: ФАН, 2007. –176 б.; Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғўзий» лексикаси. Филол. фан. док. дисс. –Т.: 2017. –259 б.

¹⁴ Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. I китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –125 б.; II китоб. –Т.: Ёзувчи, 1997. –134 б.; Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси. 2007. – 608 б.

¹⁵ Мисоллар Қозокбой Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

битигтошида **idi** шаклида «хўжайин» маъносини ифодалаган: *Ötükän yışda yeg idi yoq ermiş* – Ўтикан водийсида яхши хўжайин йўқ экан (ДТС, 203). Ўрни келганда айтиш жоизки, дostonда **sahib** истилоҳи қайд этилган сўз билан синонимик қаторни ташкил этган: *Ne yazdī ūazdy ačunğa bu sahib unar*. Бугунги кунда ҳам **idi→izi→ezi→egä** шаклида «соҳиб» маъносида қўлланиб келмоқда. «Тангри» маъноси эса *Egamqul, Egamberdi, Egamnazar, Egamshukur*¹⁶ каби антропонимлар таркибида учрайди. Дostonда «бутун борлиқ, барча жoли-жонсиз мавжудотлар яратувчиси» семаси **uğan**: *Yarattī uğanīm tūnūn kündüzün*; арабча **bayat**: *Bayat berdi ersä seņä sendä ber*; **malik**: *Qazalar yürütäkän yaratqan malik*; **Yaratqan**: *Qazalar yürütäkän yaratqan malik* сўзлари билан ҳам берилган.

Bayat, uğan лексемалари илк бор «Қутадғу билиг» асарида қайд этилган семада қўлланган: *bayat atī birlä sözüg başladim* – тангри номи билан сўзимни бошладим; *uğan erklig ol* – тангри қудратлидир (ДТС, 79). **Malik** биринчи марта «Қутадғу билиг» дostonида «хукмдор, подшоҳ» маъносида келган: *Mašriq maliki* (ДТС,339). Термин **malik (un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **ī** унлисини и унлисига алмаштириб қабул қилинган: **malik** → **малик**; **malaka** феълининг «хукмронлик қилди» маъноси асосида ҳосил қилинган **I** боб масдари бўлиб, ўзбек тилида «подшоҳ» маъносида ишлатилади (ЎТЭЛ,II,229).

б) Аллоҳнинг исмлари: **Xāliq** – «яратувчи», **Haq** – «ҳақиқатан мавжуд зот». Асарда Худонинг сифатларини билдирувчи бошқа терминлар ҳам қўлланилган: **haq**: *Bilig bil esanma bil ol haq rasul*; **xāliq**: *Anī ne xalāyiq sevar ne xāliq*.

в) пайғамбар алайҳиссалом сифатлари: **Rasul, Habib**. Адиб ёшлигидан жуда қобилиятли ва зийрак бўлган. Кўзи ожиз бўлишига қарамай Қуръони каримни ёд олиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини ўзлаштиришга жидду жаҳд кўрсатган. Адиб Аҳмад исломий билимларни пухта эгаллаб, ўша даврнинг етук олимларидан бирига, салоҳиятли шоир ва ахлоқ муаллимига айланди.

¹⁶ Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. –Б. 508.

Туркий тилда битилган шеърый матн орасида қатор оятлар, 20 дан ортик хадисларнинг асл арабий матни келтирилган, улар туркийда шеър воситасида шарҳ этилган.

Маълумки, агар пайғамбарликка танланган кишига бошқа кишиларнинг ақидасини – дунёқарашини тўғрилаш вазифаси юклатилса ва янги алоҳида шариат (қонун-қоидалар) олиб келса, яъни элчилик қилса, бунда кишилар «расул» деб номланади. Янги шариат олиб келмай, ўзидан аввалги пайғамбарлар шариатига амал қила туриб, инсонларни ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилишга, унга шак келтирмасликка даъват этганлар эса «набий» дейилади. Демак, расул китоб ва шариат соҳиби, набий эса ўзидан олдин келган расулнинг шариатига халқни даъват этиш билан вазифалантирилган бўлади. Шу боис дostonда диний атамалар билан бирга, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом арабча **rasul** (элчи), арабча **habib** (севикли, дўст) сифатлари билан тилга олинади: *Bilig bil esanma bil ol haq rasul; Ešit emdi kač bayt habib fazlitin.*

Rasul теоними даставвал «Қутадғу билиг» достонида учрайди (ДТС,476). Термин **rasūl (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ū** ни **у** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **rasūl** → **расул**; кўп маъноли **rasila** феълининг «юборди» маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, ўзбек тилида атоқли от сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 354). **Habib** сўзи биринчи марта «Қутадғу билиг» асарида қўлланган: *habib savčī haqqī iččün sev* – севикли пайғамбар ҳаққи учун сев (ДТС,198). Ушбу термин «севди, кўнгил берди» маъносини англатувчи **habba** феълидан ясалган (ЎТЭЛ, II, 354).

г) халифалар исми ва нисбаси: Umar, Usmān, Ali, Siddiq, faruq, Zayn-purīn. «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида исломда «хулафо ар-рошидин» – тўғри йўлдан борган халифалар, диний жамоада «чорёрлар» деб аталган халифалар тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, иккинчи халифа – **Umar** (барҳаёт), учинчи халифа – арабча **Usmān** (оғир, босиқ; мард, жасур), тўртинчи халифа – арабча **Ali** (энг юксак, энг улуғ, юқори

мартабали) антропонимлари ифодаланган, биринчи халифа саналган Абубакрнинг эса арабча **Siddiq** (ростгўй, тўғри сўзловчи) нисбаси келтирилган:

*Salābat ičindā Umar tek juvan,
Saxāvat, samāqat tutar Usmāni.
Siddiq birlā Faruq üčünč Zayn-nurin,
Ali törtilänč ol eriksik toņa.*

Шунингдек, қайд этилган мисралардан халифа Умарнинг арабча **Faruq** (адолатли, ҳақ билан ноҳакни ажратувчи), халифа Усмоннинг арабча **Zayn-nurin** (гўзал хулқли) сифатлари қўлланишда бўлганлигини билиб олиш мумкин.

2. Тарихий шахслар исми:

а) ҳукмдор, саркардалар исми: Amir Muhammad Dādsipāhsālarbek, Anuširvān, Hoja Arnāb Arslanhoja Tarخان. Ўрта Осиёда яшовчи барча туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам бирдек қимматли бўлган, XV-XVI асрларгача туркий элатлар орасида кенг тарқалган дostonда **Dād Sipāhsālarbek** антропоними қўлланилган:

Dād Sipāhsālarbek üčün bu kitāb,

Čiqartim ačunda atī qalsu(v) teb. Маълумки, шоир «Ҳибатул ҳақойиқ»ни XII аср охири - XIII аср бошларида ёзиб, уни ҳукмдор Амир Муҳаммад Додсипоҳсолорбекка тақдим этади. У турк ва ажам мамлакатларининг ҳукмдори деб улуғланган, арабларда эса олинмаган. Бунда арабча **amir** – ҳукмдорлик даражаси; арабча **Muhammad** – шахснинг хос исми; арабча **dād** – инсоф, адолат; форс-тожикча *sipāhsālar* – қорахонийлар даврида «бош қўмондон, саркарда» маъносида ишлатилган; туркий **bek** – амирнинг синоними.

Асарда **Hoja Arnāb Arslanhoja Tarخان** антропоними учрайди. Дoston сўнгида темурий амалдорлардан XV аср биринчи ярмида яшаган давлат арбоби, шоир, «Ҳибатул ҳақойиқ» асарини уйғур ёзувида кўчиртирган Арслонхожа Тархон томонидан 10 байтли маснавий илова қилинган. Мазкур

антропонимда форс-тожикча **xoja** – соҳиб, жаноб; муаллим, устоз; арабча **arnāb** «куён»; туркий **arslan** – шер; кучли, қудратли; мўғулча **tarxan** – озов, хур; тархонлар авлодига мансуб бола.

б) маънавият ихлосмандлари, ижод аҳли исми: Mahmud Yugnakiy, Adib Ahmad. Маснавийда адибнинг исми, отасининг исми хусусида қуйидагиларни ўқиймиз:

*Atasī atī Mahmudiy Yugnakiy,
Adib Ahmad oğli yoq ol heč šaki.*

Унда таъкидланишича, Адиб Аҳмад Югнак деган сўлим ва баҳаво жойда туғилган. Отасининг оти Маҳмуд Югнакий бўлган. Аҳмад Югнакий номига арабча *адиб* сўзи қўшиб айтилиши маълум сабабга эга. У ўзини шоир эмас, балки адаб илми намояндаси деб билади. Унинг достони ҳам туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган.

1.2. Тана аъзосини билдирувчи семантик гуруҳ: *baş* – «бош», *köz* – «кўз», *qarın* – «қорин», *elik* – «қўл», *qol* – «қўл», *azaq* – «оёқ».

Ваъ сўзи қадимги туркий тил ёдномалари ва қорахонийлар даври манбаларида «тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми», «жавобгарлик, масъулият» (кўчма маънода), «бош томон», «идишнинг бўғзи», «бошоқ», «уч, тепа қисм», «дарёнинг боши, юқориси», «рахбар», «боши, бошланиши» (ДТС,86-87) каби семаларда қўлланилган. «Тафсир»да «тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми» (38,26); «боши, бошланиши» (11,17); «тепа, юқори» (129,31); «йўлбошчи, рахбар» (143,21); «қисм, гуруҳ» (9,13), «ўзлик» (31614) маъноларини ифодалаган. XIV аср Хоразм ёдномаларида «бош» (Г,3262); «боши, бошланиши» (НФ, 15361); «тепа, юқори» (Г,12a1); «йўлбошчи, рахбар» (Мн,296a7); «қисм, гуруҳ» (НФ,50a5) каби маъноларни аниқлаган. Мазкур лексема тадқиқот объекти қилиб олинган манбада қуйидагича маънолар касб этган:

1) «тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми, калла»: *Burun başqa borkni kiyär baş keräk;*

2) «бошлиқ, раҳбар»: *Adiblar adibi fāzillar bashi; Yarın qobsa bolsun yaranlar başi*;

3) «боши, бошланиши»: *Köñül bağlamaq bil xatālar başi*.

4) «инсон ҳаётига зомин бўлмоқ»: *Telim başni yedi bu til söz buşi*.

Ушбу от қадимги туркий тилда **ba:š** тарзида талаффуз қилинган. Кейинчалик, **a:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. Ўзбек тилида **a** унлиси **â** унлисига алмашган: **ba:š>baš>bâš** (ЎТЭЛ, I, 61).

Köz сўзи илк бор Култегин битигтошида учрайди: *körür közüm körmaz tek bolti* – кўрар кўзим кўрмасдек бўлди (ДТС, 320). Лексема «Қутадғу билиг» асарида «очкўз, хасис», «тикилиб қарамок», «табассум қилмоқ» семаларда қайд этилган: *Közi aç kişi açliq qozur* – кўзи оч киши ўлгандан кейин тўяди; *Sevär sevmaz ersä seña açti köz; kiçigkä köz açsa bezüklük bolur* (ДТС, 320-321). Текширилаётган достонда «кўз», «очкўз, хасис» маъноларида кўзга ташланади: *Tuğa körmäs erdi adibniñ közi; Yiğib köñli toymaz közi suq baxil*.

Х аср манбаси бўлган «Олтун ёруғ» асарида **elig** атамаси «қўл» маъносини англатган: *Ötrü eliglärin örü kötürüp...* – Сўнгра қўлларини тепага кўтариб (ДТС, 170). Мазкур лексема «Қутадғу билиг» асарида ўз маъносини давом эттириш баробарида «олмоқ», «бошқармоқ» семаларини билдирган (ДТС, 170). «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида ўрганилаётган маъно **elig** ва **qol** билан берилган: *Yiliksiz söñäkkä sunulmas älig; Yazar qol quçar tek yana tärk qaçar*.

Azaq достонда «оёқ» маъносида келган: *Qazā birlä sançlur azaqqa tikän*. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида **adaq** (ДТС, 8), **azaq** шаклларида инсон тана аъзосини ифодалаш баробарида курсининг оёғини ҳам англатган: *Bu kursi üzälä öz oldurduqi azaqi üç ol kör* – Кўргин мен ўтирган курсининг оёғи учта (ДТС, 14). **Azaq** «Девону луғотит турк»да «оёқ», «охири» семаларини билдирган: *Bu er ol işiğ azaqqa tegürgän* – Бу одам у ишни охирига етказган (ДТС, 14). Бу сўз дастлаб Култегин ёдгорлиги ва

моний ёзув манбаларида **adaq** фонетик шаклида «оёқ», «қуйилиш жойи» маъноларида учрайди: *ol suvuq adaqi* – у сувнинг қуйилиш жойи (ДТС,8).

1.3. Шахс этиқоди билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи семантик гуруҳ: *yazuq, qul, savāb, insāf, halāl, harām, e'tiqād, rahmat*.

Туркийча **yazuq** сўзи «гуноҳ» маъносини англатган: *Йазуғлуқ кишиниң йазуғын кэчур*. Мисолдан кўринадикки, теоним ўрганилаётган дostonда **-luq/-lük** қўшимчаси билан бирикиб янги сўз ҳосил қилган. Теоним дастлаб моний ёзув ёдгорликларида учрайди: *emti bu on türlüq yazuq...* – энди бу ўн турли гуноҳ (ДТС,75). *Yazuq* оти қадимги туркий тилдаги «хато қил-, гуноҳ қил-» маъносини англатган **ya:z-** феълининг **yaz-** шаклидан **-(u)q** қўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ, I, 163).

Кул истилоҳи «Худога итоатли киши» маъносини ифодалаган: Нэчэ ма хаталық кул эрсэм сэңэ. Дostonда эзгу, яхши амаллар арабча **саваб**: *Қалур сабр изиси савабын тутуб*; Адолат ва виждон билан иш тутиш **инсаф**: *Дад инсаф тутар чин ануширвани* теонимлари билан берилган. **Саваб** «Қутадғу билиг» дostonида айни маънода қайд этилган: *Javab qīlsa bermiš söziñä savab* – Яхши жавоб берса, сўзига бермиш савоб (ДТС,492). **Инсаф** сўзи **ынṣāf (un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, **сад** ундошини **с** ундошига, **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ынṣāf** → **инсâф**; «икки тенг бўлакка бўлди» маъносини англатувчи **наṣāfa** феълининг «адолат ва виждон билан иш тутиш» маъносини ифодаловчи IV боб шаклидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 170). **Саваб** теоними **šavāb (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **се** ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **šavāb** → **савâб**; **šāba** феълининг «мукофотлади, тақдирлади» маъноси асосида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 366-367).

Ёзма манбада динда рухсат этилган нарсалар арабча **ҳалал**: *Арамны йэйүрдэ ҳалал тэб йэди*; тақиқланган, рад қилинган ишлар арабча **ҳарам**: *Бахил йығды зар сим ҳарамтын өкүш* терминлари ёрдамида берилган. Ушбу атамалар дастлаб «Қутадғу билиг» асарида кузатилади: *halal ham*

haram – ҳалол ва ҳаром (ДТС,198). **Ҳалал** истилоҳи **halāl (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **ҳ** ундошига, **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **halāl** → **ҳалâl (ҳалол)**; «қоидага риоя қилинди, қонуний бўлди» маъносини ифодаловчи **halla** феълидан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, араб тилида «қоидага риоя қилинган, қонуний», ўзбек тилида эса «шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган» маъносида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 569). **Ҳарам** сўзи **harām (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **ҳ** ундошига, **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **harām** → **ҳалâl (ҳалол)**; **haruma** феълининг «тақиқлади» маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, «еб-ичиш, фойдаланиш тақиқланган» маъносини билдиради (ЎТЭЛ, II, 574).

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида арабча **этиқад** илк бор «Худоба ишониш, имон» маъносида ишлатилган: *Ким эрсэ бу төрт эшкэ бад этиқад*; **рахмат** сўзи эса «марҳамат, мурувват» семасида қўлланишда бўлган: *Уган раҳмат этсун бу саъат аңа*. Мазкур теоним биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келтирилади: *Seniñ rahmatında bu yazıq az-oq* – Сенинг марҳаматинг олдида бу гуноҳ оздир (ДТС,476).

Этиқад истилоҳи **ььtiqāt (un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани э товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ь** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ььtiqāt** → **эьтиқâд** (эьтиқод). Бу сўз асли «боғлади» маъносини англатувчи **ьаqada** феълининг VIII боб масдаридан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,515).

Раҳмат арабча **rahmat (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **ҳ** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **rahmat** → **рахмат**; «рахм-шафқат қилди» маъносини англатувчи **rahima** феълининг I боб масдари бўлиб, араб тилида «рахм-шафқат» маъносини билдиради; ўзбек тилида эса бу сўз асосан «ташаккур» семасида ишлатилади (ЎТЭЛ,II,357).

1.4. Шахсга қариндошлик, яқинлик тушунчасини ифодаловчи семантик гуруҳ: *ata* – «ота», *ana* – «она», *er* – «эркак», *tiši* – «хотин», *oğul*

– «ЎҒИЛ».

VI-XI аср битигларида «ота» маъносида **ata**, **qañ** каби терминлар ишлатилган, яъни дастлабки атама «Олтун ёруғ» (ДТС,43) ҳамда «Кутадғу билиг» асарида келган: *Oğul toğsa qılqı ataqa yonur* – Агар ўғул туғилса, унинг қилиғи отасига ўхшайди (ДТС,65). «Ҳибатул ҳақойиқ»да айни семада учрайди: *Atası atı Mahmudiy Yugnakiy*.

Qañ сўзи даставвал Култегин битигтошида қайд этилган: *Oğli qañiñ tāk...* (ДТС,419). Бу лексема Турфон матнларида қўлланишда давом этган бўлса-да, кейинги давр манбаларида кузатилмайди. Демак, X аср охири-ХI аср бошларида истеъмолдан чиққан.

ХI асрларда, жумладан, «Девону луғотит турк» асарида **ata** лексемаси катори Тибет тилидан ўзлашган **aba** (ДТС,1) истилоҳи ҳам қўлланишда бўлган. Ушбу сўзни «аждодлар» маъносидаги арабча **aba** ўзлашмасидан фарқлаш керак. Турфон матнларида **baba** ўрганилаётган семани англатган (ДТС,76). Аммо мазкур иккала атама ҳам кейинги йилларда битилган манбалар тилида ифодаланмайди.

VI-X асрларда «она» маъноси **ög**, **ana** сўzlари билан берилган. **Ög** сўзи қадимги туркий ёдгорликлар ва «Кутадғу билиг» асарида кўзга ташланади: *On ay eltdi ögüm* – Мени онам ўн ой кўтариб юрди (ДТС,378). Ақраболик оти ўрганилаётган дostonда учрамайди. Бироқ бугунги кунда атама *ўғай* сўзи таркибида сақланиб қолган.

ana сўзи «Олтун ёруғ» асари ва Турфон матнларида ифодаланган: *Anasin babasın oğlanı sevärçä* – Ота-онасини фарзанди каби яхши кўради (ДТС,43). ХI аср ёдномаларида ўз маъносини давом эттирган: *Kenç anasin emdi* – Бола онасини эмди (ДТС,43). Лексема «Ҳибатул ҳақойиқ»да ҳам қўлланилган: *Ata bir ana bir uyalar bu xalq*. Шунингдек, «Девону луғотит турк» асарида *aba* (ДТС,1) ва *apa* (ДТС,47) сўzlари «она» маъносини билдирган. Кўринадики, *ana* термини асосан фарзандли аёлларга нисбатан қўлланган, кейинги даврларда семантик доираси кенгайган.

VI-XI асрларда **är** (*эп*) сўзи «эркак киши», «жанговар, мард» маъноларида ишлатилган (ДТС,175). «Девону луғотит турк» асарида **ärän**, **ärkäk** сўзлари «эр киши» маъносини англатган (ДТС,176, 179). Тадқиқот объекти қилиб олинган дostonда **är**, **ärän** шакллари қўлланган: а) «эркак киши»: *Tišisi qalib bir azin är bilä*; «мард»: *Är eš ezgügisidin öküš xayr kelür; Söñäkkä yilik tek äränä bilig*.

Қадимги туркий манбаларда **urī** термини «ўғил» (ДТС,614), **oğul** (ДТС,364) эса «фарзанд», «хайвонлар боласи» маъноларида ишлатилган, VI-X асрларда *urī oğul* жуфт истилоҳи XI асрда *urī oğlan* тарзида қўлланган. «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида *oğul* «ўғил» семасида ишлатилган: *Adib Ahmad oğli yoq ol hiç šaki*.

Tiši Турфон матнлари, «Қутадғу билиг» (ДТС,565), «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonида «аёл» маъносини англатган: *Tišisi qalib bir azin är bilä*. Шу билан бирга, Турфон матнларида **iši**, «Олтун ёруғ» асарида **išilär**, «Девону луғотит турк» асарида **išlär** (ДТС,214-215) шакллари қўлланишда бўлган. Бундан ташқари, қадимги туркий ва эски туркий тилнинг илк манбаларида **qatun** (ДТС,436), **urağut** (ДТС,614), **evlig**, **evlük** (ДТС,190) синонимлари ишлатилган: *Xan işi bolsa, qatun işi qalur* – Хоқоннинг иши бўлса, хотин иши қолдирилар (ДЛТ, I,388). Бироқ қайд этилган истилоҳлар биз илмий изланиш олиб бораётган асар тилида мавжуд эмас.

1.5. Кишиларнинг қўли билан яратилган нарса-предметлар номлари¹⁷: *ton* – «тўн, кийим», *yol* – «йўл», *közgü* – «ойна», *binā* – «бино».

Ton лексемаси «Қутадғу билиг»да «кийим» маъносини ифодалаган: *...sariğ al ağı ton kedip* – сариғ, қизил рангли шоҳи тўн кийиб (ДТС,554). «Девону луғотит турк» асарида «кийим» (ДЛТ, I,72), «тўн, чапон» (ДЛТ, I,167) семаларида қўлланган. Тадқиқот объекти қилиб олинган дostonда қуйидаги семаларда ишлатилган: «кийим»: *Könilik tonin kiy qoyib egrilik*; «тўн, чапон»: *Ayursan kezim, ton, šarāb, aš keräk*. Демак, лексемада

¹⁷ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. –Т.: ФАН, 1981. –114 б.; Гафурова Л. Бытовая лексика современного узбекского языка. –Т.: ФАН,1991. –216 с.; Усмонова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи. Филол. фан. докт. ...дис. автореф. –Т., 2011. –42 б.

маъно торайиш жараёни XI аср охирларида бошланган.

«Қадимги туркий луғат»да **yol** сўзининг қуйидаги маънолари қайд этилган: «барча нарсалар қатнови натижасида из босилиб ҳосил бўлган катнов қисми»: *Ula bolsa yol azmas* – Белги бўлса йўлдан адашмайди; «имкон чораси»: *Sen üç yoli inča tez ayğil* – Сен уларга учта имкон чораси хақида гапиргил; «хаёт йўли, умргузаронлик» (кўчма маънода): *Er yoldan yandī* – Эр киши йўлдан қайтди (ДТС,270). «Тафсир»да отнинг дастлабки икки семасини учратамиз: *Yol yañilap yolsizin bardilar* (29,1); *Yana izardī yol yarağini* (762). Ушбу лексема ўрганилаётган дostonда тўрт хил маънода ишлатилган. Бу эса, ўз навбатида, текширилаётган сўз маъно кўламининг кенгайишидан дарак беради. Дoston луғат таркибида зикр қилинган атама қуйидаги семаларни ифодалаган:

1) «инсонлар, жониворлар ва бошқа нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм»: *Kim ol yolluğ ersä anīñ yoli yoq;*

2) «бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадда юриш қилмоқ, жўнамоқ»: *Öñ arqış ozadī qopub yol tutub;*

3) «умр йўли»: *Bilig birlä bilnür sa'dat yoli;*

4) «имкон чораси»: *Kim ol yolsuz ersä aña keñrū yol.*

Мазкур кўп маъноли от асли **yo:l** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик **o:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. **Yo:n-** феълига қиёслаб, **yo:l** сўзи асли **yo:-** асосидан **-l** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЎТЭЛ,1,190).

Дoston луғат таркибида «ойна» семаси **közgü** сўзи орқали ифодаланган: *Ul ewni közğüdek yaruq qildī va türlük naqşlar birlä bezädi* (80v8). Лексика дастлаб «Олтун ёруғ» ёдномасида **közünü** шаклида учрайди: *Közünüñiñ suwnuñ yetä öñi adirmaqī yoq* – Ойна билан сув ўртасида унчалик фарқ йўқ (ДТС,321). XI аср ёдгорликлари ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **közñü**, **közgü** фонетик шакллари қайд этилган: *Bağirsaq kişi özkä közñü bolur* – Мехрибон киши бошқалар учун ойна (ДТС,321). Бу сўз

кадимги туркий тилдаги «қарамок» маъносини англаган **köz-** феълининг «ўзлик» семасини билдирувчи **-(ü)n** кўшимчасини олган шаклидан **-gü** кўшимчаси билан ясалган; дастлаб **нг** ундошлари бир **ң** ундошига бирлашган, сўнгра иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик ўзбек тилида **ŋ** ундоши **g** ундошига алмашган, **ö, ü** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(köz-+ ün- közün-)+gü- közüngü> közüŋü> közŋü> közgü> kozgu** (ЎТЭЛ, I, 222).

1.6. Ёш тушунчаси билан алоқадор лексемалар: **qarī** – «кекса», **qoča** – «қари», **yigit** – «йигит».

Урхун-Енисей битигтошларида «қари, кўп яшаган» тушунчаси **qarī** сўзи орқали англашилган: *Bir qarī öküzüg... qumursğa yemiş* – Бир қари хўкизни қумурсқа еди (ДТС, 426). Махмуд Кошғарийнинг луғатида лексеманинг илк маъноси сақланиб қолган ҳолда, янги «ёш» семаси ривожланади: *Qarğa qarısun kim bilir* – Қарғанинг ёшини ким билади? (ДТС, 426; МК, I, 425). Атама «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonларида «чол» маъносини ифодалаш учун хизмат қилган: *Edi yaqşī aymış biliglig qarī* – Жуда яхши гапирди донишманд чол (ДТС, 426); *Qarīğa qonar ham qafasqa kirür*. XIV аср Хоразм ёдномаларида сўзнинг биринчи ва учинчи маънолари келтирилган: *Ummi-Başar atliğ qarī za'ifa bar erdi* (НФ, 18а8); *Yigit sordī: qarīğa ne tadbir* (XIII, 105а1). Лексема «Қисаси Рабғузий»да ҳам айни семаларда учрайди: *Bu siğir neçä yaşliğ turur. Yarliğ keldi: kiçikmä ermäs, qarīma ermäs, orta yaşliğ turur* (128r6); *Yigit birlä qarī arasında bu çaqliğ farq bar* (106r17). Англашиладики, сўзнинг «қари, кўп яшаган» маъноси қолган семалари учун денотат ҳисобланади.

Профессор Ш.Раҳматуллаевнинг ёзишича, мазкур сўз қадимги туркий тилда «кексаймоқ» маъносини билдирган **qarī-** феълидан маъно тараққиёти натижасида ажралиб чиққан (ЎТЭЛ, I, 526). Айни пайтда, Аҳмад Югнакий зикр этилган сўзнинг **qoča** синонимидан ҳам фойдаланган: *Yigit qoča bolur yanī eskirür*.

Yigit лексемаси «йигит, ёш» маъносини англлатган: *Yigit qo'ça bolur yañi eskirür*. Атама илк бор «Олтун ёруғ» асарида келган: ... *qarilariğ yigit qilmaq* – қариларни йигит қилмоқ (ДТС,260). XI аср манбаларида ўз семасини давом эттирган: *yigit yazuqsuz bolmas* (ДТС,260). Шунингдек, «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида форс-тожикча **juvān** синоними ҳам ишлатилган: *Salabāt i'indā Umar tek juvān*.

1.7. Егулик ва ичимликлар: *azuq, asal, aš* – «овқат», *šarāb, suw*.

«**Овқат, егулик**» тушунчасини билдирган **azuq** лексемаси илк бор Култегин битигида келтирилган: *Azuqi yoq erti* (ДТС,73). Ушбу сўз Махмуд Кошғарийнинг «Девон»и ҳамда «Тафсир»да ўзининг асл семасини сақлаган: *Sartniñ azuqi arığ bolsa, yol üzä yer* (1,97); *Ta'amniñ qamuğın alurlar biz farzandalrimiz birlä azuqsiz qalurmiz* (8966). Мазкур лексема ўрганилаётган дoston тилида ҳам ўз маъносини давом эттирган: *Бу байлық чыгайлық азуқ йоқлугы*. XIV аср Хоразм ёзма манбаларида **azuq, azıq** шакллари кузатилади: *Vafādın öñ bu yolda azuqum yoq* (XIII,83a16); *Payğambar aydi: ya Hadiça mäñä azıq qilu bergil* (НФ,468). Бу от қадимги туркий тилдаги «чайнамоқ» маъносини англлатган **azu/azi-** феълидан **-қ** кўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ, I, 249). Шунингдек, текширилаётган сўзнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **yegü**, «Қисаси Рабғузий»да **ašliq** маънодошлари ҳам учрайди: *Qulın küñin Yusufğa satib ašliq aldılar* (66v21); *Bu dunyā neñitin yegü közgülük*.

Арабча **asal** лексемаси илк бор Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида ифодаланган: *Asal qayda bolsa bilä arisi*. Термин «Қисаси Рабғузий» асарида ўз маъносини давом эттирган: ...*Birin aru yedi asal boldi* (12v14). **Asal** ўзлашмаси «суркалди, ёпишди» маъносини англлатувчи **asala** феълининг I боб масдари бўлиб, асли «ёпишқоқ нарса» маъносини билдирган; кейинчалик бу сўз «бол» маъносини ифодалай бошлаган (ЎТЭЛ, II, 42). Текширилаётган маъно дostonда арабча **šahd** ўзлашмаси ва **arī zahri** бирикмаси билан ҳам берилган: *Aniñ yadi birlä šakar-šahd aña; Arī zahri tatar asaltin oza*.

Махмуд Кошғарий луғатида «асал» маъноси **bal** сўзи билан берилган:

Ul aḡar bal yalḡatti (ДТС,79). Бу от «Тафсир»да ўз семасини давом эттирган: *Baldin tatliḡraq* (68614).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида **aš** сўзи «таом, овқат» ҳамда «зиёфат» маъноларида келган: *Ularda birisi kodāngā aš-ul, ya sunnat ašī ya tuḡursa oḡul* – Улардан биттаси зиёфат (никоҳ) ошидир, ё суннат оши ёки фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган ошдир (ДТС,61). Ушбу байт аждодларнинг қандай маросимлар муносабати билан элга дастурхон ёзиши, ош тортишини ўзида яққол ифода этган. Кези келганда, дostonда бирор кишининг вафотига бағишлаб бериладиган эҳсон ошининг *yoḡ ašī* изофаси билан ифодаланганини айтиб ўтиш лозим. «Девону луғотит турк»да кўйидагиларни ўқиймиз: *aḡ* – овқат, таом. Томизғига ҳам *aḡ* дейдилар. *Айақ а:шла* – идишга томизғи сол (ДЛТ, I,72). «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида «овқат, егулик» семасида келган: *Ayursan kezim, ton, šarāb, aš keräk*. Маълум бўладики, атаманинг «ош, палов» маъноси кейинчалик, яъни маъно торайиши натижасида шаклланган.

1.8. Кишиларга нисбатан қўлланувчи сўзлар: *ādam* – «инсон», *kiši* – «одам», *kim* – «ким», *dost* – «дўст», *yāḡān* – «дўст», *dušman* – «ғаним».

1.2-§. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи семантик майдон

Ҳаракат-ҳолат билдирувчи семантик майдон шахс, нарса-буюм ҳаракати ва ҳолатини акс эттирувчи лексик бирликлардан иборат: *tüš-* – «тушмоқ», *bul-* – «қўлга киритмоқ, эришмоқ», *čal-* – «ташламоқ», *tur-* – «артмоқ», *az-* – «адашмоқ», *art-* – «артмоқ», *ber-* – «бермоқ», *bar-* – «бормоқ», *sal-* – «солмоқ», *izlä-* – «изламоқ», *bezä-* – «безамоқ», *sewin-* – «севинмоқ», *quč-* – «қучоқламоқ», *uwtan-* – «уялмоқ», *ayt-* – «айтмоқ», *sözlä-* – «сўзлашмоқ», *sor-* – «сўрамоқ», *yat-* – «ётмоқ», *qon-* – «қўнмоқ», *yaruš-* – «ёпишмоқ», *baḡla-* – «боғламоқ», *baq-* – «қарамоқ».

Асарда қўлланилган **tüš-** – «тушмоқ»: *Rabātqa tüšügli tüšär köčgülik* тик ҳаракат феъли қадимги туркий тил манбалари ва эски туркий адабий тилнинг илк ёдгорликларида «юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга,

ерга ҳаракат қилмоқ» дастлабки мустақил маъносидан ташқари «бирор транспорт воситаси ёки уловдан тушмоқ», «сафарда бирор жойга бориб тўхтамоқ», «ёғмоқ», «узилиб тушмоқ», «бирор нарса ичига кирмоқ, чўммоқ» (ДТС, 600) сингари маъно оттенкаларини ҳам ифодалаган. Кези келганда қайд этиш жоизки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **tüš-** феълининг 26 та маъноси берилган (ЎТИЛ,II,237-239).

Bul- лексемаси Турфон матнлари ва «Олтун ёрук» ёдгорлигида «етишмоқ, эришмоқ», «эгалламоқ» маъноларида ишлатилган: *anı ücün täñri yärin bulğay biz* – Шунинг учун тангри ерига этишгаймиз (ДТС,121). «Қутадғу билиг» асарида «олмоқ», «эришмоқ» семаларида учрайди: *Uzun yaş tilasa bulur aş bilä* – Агар узок умр кўришни истасанг, унга таом орқали эриш (ДТС,121). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «топмоқ» маъноси келган (ДТС,121). Мазкур феъл ўрганилаётган дoston сўз бойлигида эса «қўлга киритмоқ, эришмоқ» семасида кўзга ташланади: *Bilig bil sa'adat yolini bula*.

Čal- феълининг Турфон матнлари, «Олтун ёруғ» ёдгорлигида **čal-** феълининг «урмоқ», «ташламоқ» (кўчма маънода) маънолари акс этганлигини «Қадимги туркий луғат»дан билиб олиш мумкин: ...*birgäü yerkä čalip* – биргаликда ерга ташлаб (ДТС,137). XI аср манбалари, «Қутадғу билиг» асарида «урмоқ»: ...*Ölürdä ulip yerkä čalmiš başi* – Ўлганидан кейин бош ўзини тупроққа уради, «ташламоқ», «Девону луғотит турк»да «урмоқ», «ташламоқ», «айтмоқ»: *Čaqsa tutnur čal bilnür* – Чақса – оловланади, айтса – билинади, маълум бўлади (ДТС,137) семалари кузатилади. «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonида «ташламоқ» семаси қайд этилган: *Xasislarni kötrüb nafsni čalib*.

Tur- феъли Урхун-Енисей ва Турфон матнларида «бўлмоқ», «яшамоқ» маъноларини билдирган: *Evtä tursa iglig bolur* – Уйда бўлса касалликка чалинади (ДТС,586) семалари кузатилади. «Девону луғотит турк» асарида «оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ», «бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ»: *Ol munda turuğsaq ol* – У бу ерда туришни хоҳлади, «бирор жой-

маконда истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ; яшамоқ» маъноларида кўзга ташланади (ДТС,586). «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида қуйидаги семаларда қўлланган:

- 1) «оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ»: *Anin kündä arta turur bu bida'*;
- 2) «бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ»: *Qani kendü ezgü kişi turğu yer;*
- 3) «кутган ҳолда бўлмоқ, бўлиши, юз бериши, келиши умидида бўлмоқ, шу мақсадда ўзини тутмоқ»: *Kütüb tur farahqa bala-ranj yütüb;*
- 4) «узоқлашмоқ»: *Tili yalğan ertin yïraq tur tez-ä;*
- 5) «сингмоқ»: *Serib sendä rāziñ siñib turmasa;*
- 6) «худога солмоқ»: *Jazā' qılma ya ranj izisi turub;*
- 7) -дир кесимлик аффикси ўрнида: *Ağiz til bezägi köni söz turur.*

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **az** «адашмоқ, янглишмоқ» маъносида ифодаланган: *Takabbur libasın keyib az salin.* Ушбу сўз илк бор Турфон матнларида айна маънода келтирилган: *Yol azsar ew tarmaз* – Йўлдан адашган киши уйини топа олмас (ДТС,72). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «йўлдан чиқмоқ», «адашмоқ» маъноларида учрайди: *Azip yügrür erdim ayu berdi yol* – Йўлдан адашиб юрар эдим, тангри йўл кўрсатди; *Könilihtä azmiş özüm* – Мен ҳақиқат йўлидан адашдим (ДТС,72).

1.3-§. Белги-хусусият билдирувчи семантик майдон

Белги-хусусият билдирувчи семантик майдон ранг билдирувчи, шахс феъл-атворини билдирувчи каби бир қатор лексемалардан иборат: *köni* – «тўғри», *yalğan* – «ёлғон», *ürün* – «оқ», *arığsız* – «ифлос, нопок», *qatığ* – «қаттиқ», *āsān* – «қулай», *körklük* – «гўзал», *ezgülük* – «яхшилиқ», *yawuz* – «ёмон», *açığ* – «аччиқ», *süçük* – «чучук», *tat* – «маза, таъм», *yid* – «ҳид», *qizil* – «қизил», *tärk* – «тез», *kiçik* – «кичик», *keң* – «кенг» *tar* – «тор», *yaqin* – «яқин», *yïraq* – «узоқ», *uzun* – «узун», *quruğ* – «қуруқ.

«Ҳибатул ҳақойик» асарида **köni** лексемаси қуйидаги маъноларни англатган: «рост, тўғри»: *Ağiz til bezägi köni söz turur*; «виждонли, инсофли, ҳақиқий»: *Miñ er dostda biri bulunmas köni*; «ишончли, чин дўст»: *Köni dostuñ ersä taşī bil muni*; «адолат»: *Köni keltügünčä хайр ketgüük*; «тўғри бўлмоқ»: *Köni bol köni қил atij köni*. Ушбу сўз Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида «тўғри», «адолатли» маъноларида учрайди: *Sen utru köni yolqa kirdiñ...– Сен рўпарадаги тўғри йўлга кирдинг (ДТС,315)*. Маҳмуд Кошғарий луғатида «тўғри» семасида қайд этилган: *köni er (МК,1,326)*. Достон сўз бойлигида бу лексема янги сўз яшаш учун асос вазифасини ўтаганига гувоҳ бўлдиқ: *Kezim ton tolusī kōnilik tonī*. Шу билан бирга, асарда сифатнинг хитойча **čīn** ва арабча **haqiqat, haq** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Dad insāf tutar čīn anuširvaniy; Majāz boldi dostluq haqiqat qani; Biligsizgā haq söz tatiqsiz erür*.

Турфон матнларида **yalğan** сўзи «ёлғончи» маъносида келган: *Kertü tīnliğlar az ezük yalğan tīnliğlar üküš – Тўғри инсонлар оз, ёлғончи кишилар кўп (ДТС,228)*. «Қутадғу билиг» асарида «ёлғончи», «алдов, ёлғон» маъноларида берилган: *Tiliñdä čiqarma bu yalğan sözüñ – Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг (ДТС,228)*. Достонда ҳам айни маъноларни кўриш мумкин: *Tili yalğan ertin yīraq tur tez-ä; Köni söz asal tek bu yalğan basal*. Моний ёзувида битилган ёдгорликларда **ezük** лексемаси «ёлғончи, мунофиқ», «ёлғон» тушунчаларини англатиш учун хизмат қилган: *Ezük suy yazuq – ёлғон, хато, гуноҳ (ДТС,192)*. Бу сўз сўнгги давр асарларида учрамайди.

Демак, лексема тарихий тараққиёт асносида қўлланиш доираси чекланиб, кейинчалик ўз ўрнини дастлаб синоними сифатида ишлатилган **yalğan** сўзига бўшатиб берган. Бу сифат қадимги туркий тилдаги «алдам-қалдам гаплар» семасидаги **yal** отидан **-ğa** қўшимчаси билан ясалган феълга **-n** аффиксини қўшиш натижасида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,1,166).

«Олтун ёруғ», Тўньюкук, Турфон матнларида «тоза», «олижаноб», «ҳақиқий» маъноларини ифодалаган **ariğ** лексемасидан ясалган **ariğsiz** сўзи «Қутадғу билиг» асарида «ифлос, жирканч», «нопок» семаларини англатган:

...*Ariğsiz kişiniñ ariğsiz aşı* – Нопок кишининг овқати ҳам нопок бўлади (ДТС,52). Истилоҳ «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида айни шакл ва семада кўлланишда бўлган: *Ne türlük ariğsiz arir yuv desä; Jāhil yub arimas ariğsiz erür.*

Асар тилида **ürüñ** атамаси «оқ» маъносини билдирган: *Rasullar örüñ yüz ol ol yüzrä kün.* Ушбу сўз биринчи марта Тўньюқук ёдгорлигида кўзга ташланади: *Sariğ altun ürüñ kümüş* – Сарик – олтин, оқ – кумуш (ДТС,627). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида «оқ», «тоза» маъноларини ифодалаган: *Saqalñ ürüñ boldi keldi ölüm* – Сақолинг оқ бўлса, ўлим келди деб ҳисоблайвер (ДТС,627).

Гарчи дostonда **aq** сифати ишлатилмаган бўлса-да, у илк бор «Ирк битиг»да «кул ранг, бўз» (от туси) маъносида ишлатилган: *Aq bisi qulunlamış* – Кул ранг бияси қулунлади. Мазкур лексик бирлик Турфон матнларида кўчма маънода «яхши таъсир кўрсатадиган, кўнгилдагидек, ижобий» семасини англлатган: *Aq qişin az* – Инсонга хуш ёқадиган ишинг кам (ДТС,48). Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида сўзнинг дастлабки маъноси сақланиб қолган ҳолда, унинг янги «оқ» семаси ривожланади: *Aq bulut* (МК, I,258).

Демак, маълум бўладики, қадимги туркий тилда «оқ» семасини *ürüñ* лексемаси ифодалаган. **Aq** сифати эса айни маънода XI асрдан бошлаб ишлатила бошланган.

Қадимги туркий тил манбалари, яъни «Олтун ёруғ» асари, моний ёзув ёдгорликлари ва Турфон матнларида **qatiğ** сифати «қаттиқ» (ДТС,433), «қаттиққўл, шафқатсиз» (ДТС,433), «кучли» семаларини ифодалаган: *Adawaki yek qatiğ ünin qiqirib* – Адаваки кучли товуш билан қичқирди (ДТС,433). Қорахонийлар даври ёдномаларида «қаттиқ»: *Ol qatiğ neñni yumşatti* – У қаттиқ нарсани юмшатди; «қаттиққўл, шафқатсиз»: *Azunta negü bar ölümdin qatiğ* – Дунёда ўлимдан шафқатсиз яна нима бор; «кучли», «мустаҳкам» маъноларини кузатиш мумкин (ДТС,433). «Ўрта Осиё тафсири»да сифат «одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган» (20,6); «кучли» (27,17); «қийин, машаққатли» (27619); «кишига оғир

ботадиган, уни ранжитадиган» (28,24); «шафқатсиз» (4567) семаларида ишлатилган. Аҳмад Югнакий ўз асарида ушбу лексемага учта маъно юклаган:

1) «одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган»: *Baxilğa qatiğ ya oqun kizlägil;*

2) «мустаҳкам»: *Qazā qaytarilmas qatiğ ya qurub;*

3) «кучли»: *Qatiğ kizlä rāziñ kiši bilmäsün.* Бундан ташқари, мазкур лексема дoston тилида янги сўзлар ясашда ҳам иштирок этган: *Bu асун mazasī qatiğliğ maza; Aya ranj qatiğsiz sorur umğučī.*

1.4-§. Макон тушунчасини билдирувчи семантик майдон

4.1. Топонимлар: *Kaşğar, Yügnäk.* Қорахонийлар даври адабий ёдгорликлари тилига яқин турадиган асарда **Kaşğar** топоними қайд этилган: *Tamamī erür Kaşğariy til bilä; Agar bilsä Kaşğar tilin er kiši.* Ўрни келганда айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарий томонидан «туркий ёзув» (уйғурлар орасида кенг тарқалганлиги учун кейинчалик уйғур ёзуви номи билан машҳур бўлган) алифбо Аҳмад Югнакий даврида Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳрда қўлланилар эди. Шунинг учун ҳам адиб ўз асарини Кошғар тилида, яъни қорахонийлар даврида амал қилган адабий тилда, туркий ёзувда битилганлигини таъкидлайди. Буни шоир тилидан айтилган қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлайди:

Anin us čiqartim bu turkča kitāb,

Keräk qil teb ey dost keräk qil itāb.

Шунингдек, мазкур дostonда адибнинг туғилган ери ҳақида қуйидагиларга дуч келамиз:

Adibniñ yeri atī Yügnäk erür,

Safāliq ajab yer köñüllär yarur.

Тарихий манбаларда, жумладан, Ибн Хавқал асарида *Yügnäk* Самарқанд атрофида жойлашган дейилади. Шунингдек, 12-асрда яшаган машҳур тарихчи Абулкарим ас - Самъоний «Ал-Ансоб» («Насабнома»)

китобида шундай ёзади: «Бу нисба (тахаллус) «Юғанак»дан ва бу (жой) Самарқанд қишлоқларидан. Бу нисба билан Абуҳомид Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал Юғанакий машхурдирлар». Умуман олганда, кўпчилик изланишларда мазкур шаҳар Самарқанд вилояти ҳудудида эканлиги эътироф қилинади.

4.2. Географик объект тушунчасини ифодаловчи лексемалар: ош – «ўнг», түз – «текислик», көл – «кўл».

Ош лексик бирлиги моний ёзувидаги ёдномаларда, Маҳмуд Кошғарий «Девон»и ҳамда Турфон матнларида «гавданинг юрак ўрнашган томонга карама-қарши жойлашган тарафи», «тўғри» маъноларини билдирган (ДТС,367). «Тафсир»да отнинг дастлабки маъноси сақланган: *Äwrämiz anlarni osh yan sol yan* (1610). Лексема кейинги даврларда ҳам зикр қилинган маъноларда қўлланилган. Буни «Хибатул ҳақойик» асарида яққол кўриш мумкин: «ўнг»: *Ökünç ol aña yoq osh anda azin*; «ғарб»: *Ötüb bir-birigä yürür osh soña*; «боши»: *Ol işniñ oşini soşini saşin*.

Демак, *ош* сўзининг зикр этилган семемаларидан биринчиси денотатив, қолганлари коннотатив маъно ҳисобланади.

Түз сўзи Култегин битиги, Турфон матнлари, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» манбаларида «текис ер», «бир хил, айнан», «ишончли, ҳақиқий» (кўчма) каби маъноларда кўзга ташланса (ДТС,602), «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да унинг «сайҳон, текислик», «бўз ер» (ЎТИЛ,II,218) семемалари кўрсатиб ўтилган. «Тафсир»да «тик, тўғри», «текис ер» маъноларини англатган: *Boyi түз yüzi körklüg* (138,1); *Tamiğqa tüşärlär netäg kim tewä kabi түздä tayirlar* (131,10). Тадқиқ этилаётган ёдгорлик тилида лексеманинг учта маъноси кузатилади:

а) «текислик»: *Axiliqnı ham xas түзү haq öğär*;

б) «ҳақиқий»: *Түзү qul qilurlar äzäd özlärin*;

в) «тўғри»: *Valekin kop erga түзи börlük ol*. Бу ўринда лексема асардаги туркий **köni** ва арабча **haqiqat**, **haq** истилоҳлари билан синонимик қаторни ташкил этган: *Ağiz til bezägi köni söz turur*; *Majäz boldi*

dostluq haqiqat qanī; Biligsizgā haq söz tatīqsiz erür.

Köl сўзи Култегин битигтоши ва Турфон матнларида «сув тўпланадиган жой, кўл» маъносини ифодалаган: *Quğu quş uc̄ti kölingā qonmas* – Оққуш ўз кўлига қўнмасдан учиб кетди (ДТС,313). «Девон»да қуйидаги маъноларда келган: «ҳовуз», «тўпланиб қолган сув, кўл»; «денгиз»: *köl köpügi* (Ш,148-149). Ўрганилаётган ёдномада лексеманинг бош (денотатив), яъни «сув тўпланадиган жой, кўл» маъноси мавжуд: *Vafā köli suğlub qurub yollarī.*

1.5-§. Ҳайвон номларини билдирувчи семантик майдон

Зоонимлар: *arslan, yağan, yılan, fil.* Достонда туркий **arslan** термини учрайди: *Va lekin buşarda şar\ra arslanī.* Мазкур зоонимга дастлаб эски туркий тилнинг илк манбаларида дуч келамиз: *alīn arslan tutar küçin siçğan tutmas* – Ҳийла билан арслонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни тутиб бўлмас (МК,III,419). «Таржумон»да **aslan** (11-12), «Китоб ул-идрок» асарида **arsalan** (11), **arslan** (103) шакллари қўлланишда бўлган. XIV аср Хоразм ёдгорликларида **arslan** (Мн, 29367), **arsalan** (Г,128а3). Алишер Навоий асарларида ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилида (ЎТИЛ, I, 65) **arslan** тарзида учрайди: *Bahrām arslanlarnī halāk qilib, tājni bašīğa qoyib taxtga oturdī* (Навоий,I,116). В.Радлов луғатида телеут, олтой, қирғиз тилларида **arsīlan**, татар, тоболь тилларида **arslan** (РСЛ,I,327-328), усмонли турк, озарбайжон, қрим тилларида **aslan** (РСЛ,I,546) фонетик шакллари истеъмолда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Умуман, **arslan** зооними ҳам эркак, ҳам урғочи шерни англатган. Ушбу зооним астропоним сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «бурж» номини ҳам ифодалашга хизмат қилган. Термин арслоннинг «бўкиришга», «ириллашига» тақлидни ифодаловчи **ars** сўзида **-lan** аффикси воситасида ясалган (ЭСС,I,84). Г.Вамбери **arslan** этимологиясини **aris** «кучли» + **lan** «йиртқич» сўзларига боғлайди (ЭСС,I,178). А.Шчербакнинг фикрича, **arsīlan ar** «оч жигар ранг»,

«кўнғир» сифатида билан **ағ** «йиртқич ҳайвон» сўзларидан ҳосил қилинган, **-sīl** интенсиф шакл (ИРЛТЯ,197). Бизнингча, Э.В.Севортяннинг фикри тўғрироқ. Чунки олим мазкур термин этимологиясини ёритишда ҳайвоннинг чиқарган товушини ҳисобга олган ҳолда ёндашган.

Yīlan (МК,I,232) термини илк бор Ўрхун-Энасой ёдгорликларида келтирилган: *altun başliğ yīlan mǎn* (ДТС,266). Зооним ўрганилаётган асар тилида ҳам ифодаланган: *Yīlan yumšaq erkān yavuz fe'l tutar*. «Ат-туҳфа» (10a12) ва «Китоб булғат» асарларида **īlan** (15a5) шакли кўзга ташланади. Термин эски ўзбек тили ёдгорликларида ҳам ифодаланган: *fusungar afsun bilä yīlannī töšükdin čiqarur* (Навоий,III,217). Радлов луғатида таранчин, чиғатой тилларида **īlan** (РСЛ,I,1445), татар, куман, олтой, телеут, лебедин, чульм тилларида **yīlan** (РСЛ,III,518) фонетик шакллари қўлланишда бўлганлиги қайд этилган. Термин ҳосила маъносида уйғур ёзувидаги кўхна манбаларида ҳамда «Девон»да астрономик термин сифатида туркийча ўн икки мучал йилларидан олтинчиси, илон йилини англатган. Зооним **yīl**= «жилмоқ», «сирпанмоқ» феълига **-an** аффиксини қўшиш натижасида ҳосил бўлган (РСЛ,III,482). XIV аср Хоразм ёдгорликларида арабча **su'ban**, Алишер Навоий асарларида форс-тожикча **mor** (Навоий,III,217) синонимлари ҳам қўлланишда бўлган: *Berür qoy kütmgä Musağa su 'ban* (Мн, 292a5).

«Фил» маъносидаги туркийча **yağan** (ҚР,63v16) термини уйғур ёзувидаги кўхна манбаларда **yaña** шаклида ифодаланган: *Meñizi antağ bolur yaña qoğuş teg* – Унинг ташқи кўриниши филнинг терисига ўхшаш (ДТС,233). Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида **yağan** (МК,III,36), **yañan** шакллари кўзга ташланади: *Yañanлар čarlaşdi* – Филлар жар солишди (МК,III,310). Аҳмад Югнакий **yağan** вариантдан фойдаланган: *Yağan bolsa yüklük üzäsindä zar*. Чиғатой тилида **yağan** (РСЛ,III,39), **yïğan** (РСЛ,III,505), уйғур тилида **yañ** (РСЛ,III,58) каби фонетик шакллари истемолда бўлган. Ўзга манбаларда қайд этилмайди. **Yağan** нинг мавжуд барча фонетик турларини чоғиштириш, унинг дастлабки кўриниши, яъни **dağan** шаклини тиклаш имконини беради.

Аmmo мазкур терминнинг аслида туркий тиллар лексик фондида мансублиги ёки мўғул тилларидан ўзлашганлиги ҳақида муайян фикр мавжуд эмас (ИРЛТЯ,140). Г.Рамстедт мўғулча **zağan, ziğan** ва чигатой тилидаги **yağan** зоонимини олтойча **yaŋ** «катта», «йирик, кучли» сифатига боғлайди (ОСЛАЯ,134). Турфон матнларида «фил» маъносини санскритча **matana** термини англатган (ДТС,338).

Fil (РСЛ,IV,1942) атамаси даставвал Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асаарида қайд қилинган (ДТС,194). XIV аср Хоразм ёдномаларида, шунингдек, Алишер Навоий асарлари лексикасида **fil, pil** (Навоий,III,314) фонетик шаклларида учрайди: *neçä kim fil haybatli bolursa...*(Г,10162); *arslanlar, barslar, pillar yatmiş* (ҚР,209v8). А.Шчербакнинг ёзишича, **pil** қадимги эрон тилларидан ўзлашган; қиёсланг: сўғдча **pub**. Шундай бўлса ҳам аслида унинг эрон тиллари лексик қатламига мансублик эҳтимоли кам. Шунинг учун уни санскритча **pilu** ва ассирийча **piru** сўзларига қиёслаш ўз исботини топган (ИРЛТЯ,139-140).

Туркийча **älik** (Абу Ҳайён,21 – «кийик») термини «Таржумон»да **ilik** (11-6) шаклида берилган. **Älik** шакли Энасой ёдгорликлари ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаарида «урғочи кийик», «ёввойи эчки» маъноларини англатган: *Iç yer äliki artsun* – Ер юзасида урғочи кийиклар кўпайсин (ДТС,171). «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида ўз маъносини давом эттирган: *Qazā birlä ilnür tuzaqqa älik*. Қирғиз, суғай, қора қирғиз тилларида **elik** (РСЛ,I,815), барбин тилида **ilik** (РСЛ,I, 1384), олтой, телеут, саян, чульм, шўр тилларида **älik** (РСЛ,I,815) сингари фонетик шакллари истеъмолда бўлганлигини В.Радлов луғатидан билиб олиш мумкин. Мазкур термин бошқа манбаларда учрамаса-да, бугунги кунда турк тилида ўзининг туб маъносида сақланиб келинмоқда (ТРСЛ,269). Ф.Лессингнинг аниқлашича, **elik** этимологик жиҳатдан мўғулча **ili/il-** «ёш буғу», «буғу боласи» сўзи билан алоқадор (ЭСС,I,265).

1.6-§. Ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тушунчаларни билдирувчи

семантик майдон

6.1. Савдо-сотик ва пул муносабатлари билан алоқадор тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар: *arqış* – «карвон», *asiğ* – «фойда», *uçuz* – «арзон», *amānat* – «омонат», *tawar* – «товар», *māl* – «мол, товар», *dīnar* – «динор» (пул бирлиги).

Arqış Култегин битигтошида «карвон», Турфон матнларида «хабарчи, чопар» семаларида қўлланишда бўлган: *Ötrü ol arqış...* – Сўнгра ул хабарчи... (ДТС,54). «Қутадғу билиг» асарида дастлабки маъно учрайди: *Azun tezginür eldä arqış yurip* – Карвонлар элларда юриб жаҳон кезадилар (ДТС,54). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «карвон», «чопар» маъноларини ифодалаган: *Aniñ arqışi keldi* – Унинг чопари келди (ДТС,54). Достонда унинг «карвон» маъносини учратамиз: *Оñ arqış ozadī qopub yol tutub*.

Турфон матнларида **asiğ** «фойда» маъносини англаган: *Yunt kündä asiğ bolur* (ДТС,60). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «наф», «фойдали» семаларини билдирган: *Öküš sözdä artuq asiğ körmädim* – Кўп сўзлашда фойда, наф кўрмадим (ДТС,60). Қайд этилган сўз «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «даромад», «манфаат, ижобий натижа» маъноларида қўлланишда давом этган: *Tavar asiğ nemiş barursan yaliñ; Baqiğli, oquğli asiğ alsu tep. Asiğ* «кўпайтирмак, қўшимча қилмоқ» маъносидаги **aš-as-** (ДТС,62) феъли билан **-(i)ğ** қўшимчасидан ясалган. Шу билан бирга, мазкур лексема асарда янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос бўлган: *Ne neñ bar biligtin asiğliğ* (фойдали) *өñin; Аña pand nasihat asiğsiz* (беҳуда) *erür*.

Uçuz сифати илк марта қадимги туркий тилда «осонгина», «озгина, арзимас, аҳамиятсиз» маъноларида истемолда бўлган: *Ol oğlan ögin emgätmädin uçuz toğğay* – Бу бола онасига қийинчилик туғдирмасдан осон дунёга келди; *Taqi ağırlığ bolğay men taqi uçuz bolğay men* – У яна кўп ҳурматга сазовор бўлади, мен эса аҳамиятсиз, эътиборсиз қоламан (ДТС,604).

«Девону луғотит турк» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида сўзнинг «арзон» семаси кузатилади: *Ol bu nāḥni uḥuzlandī* – У бу нарсани арзон деб билди (МК, I, 287); *Ṣuz atlas bolur qiz uḥuzi bōz-ōk*. Таҳлиллардан натижа шуки, ушбу сифатнинг бош ва ундан ўсиб чиққан иккинчи маъноси ўша пайтдаёқ истеъмолдан чиқиб кетган. XI асрга келиб, сўзнинг ҳосила маъноси қўлланила бошлаган ва айни вақтда, бу сема денотатга айланган. Ўрганилаётган асарда «осон» маъноси форс-тожикча **āsān** истилоҳи билан берилган: *ölüklārni tirgüzmāk āsān aḥa*.

6.2. Ижтимоий-сиёсий тушунчаларни англатувчи сўзлар: *el* – «эл», *bozun* – «халқ», *hukm* – «хукм», *nišān* – «нишон», *bayliq* – «бойлик», *mālliq* – «моллик, мулкдор». *ṣiḡayliq* – «камбағаллик», *mālsiz* – «молсиз, камбағал», *hadiya* – «ҳадя», *atā* – «бағишлаш», *qaravaš* – «чўри, хизматкор».

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутудғу билиг» достонида «йўқсил, камбағал» маъносидаги **ṣiḡay** сўзи **-liq** аффикси ёрдамида **ṣiḡayliq** «камбағаллик» лексемасини ясаган: *Ṣiḡayliq teb aḥma tavar yoqluqin* – Мол-товар йўқлигини камбағаллик деб санама (ДТС, 148). Мазкур лексема ўрганилаётган манбада айни семада ифодаланган: *Bor iḥsā aḥildi ṣiḡayliq yoli*.

6.2. Ҳарбий лексемалар: *bek* – «бек», *yaḡi* – «душман», *dušman* – «ғаним», *oq* – «ўқ».

«Бек, ҳукмдор» **beg** сўзи илк бор Ўрхун-Енисей ёдномаларида ифодаланган: *Altī baḡ bodunqa beg ertim* – Олти гуруҳ халққа (одамларга) бек эдим (ДТС, 91). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «бек», «эр» (уйида бекларга ўхшатилгани учун шундай аталган) маъноларида қўлланишда бўлган: *Beg aḥar ot berdi* – Бек унга заҳар берди (МК, I, 71); *Begi kisi üzlüşdi* – Эр-хотинлик ришталари узилди (МК, I, 242). Тадқиқот объекти қилиб олинган дostonда ушбу атаманинг дастлабки семаси кўзга ташланади: *Dād ispaḥsālar beg üḥün bu kitāb*.

Yaḡi лексемаси Енисей ва Тўньюқуқ битигтошларида «ёв» маъносида келтирилган: *Tabḡaḥ qaḡan yaḡimiz erti* – Табғач хоқон душманимиз эди (ДТС, 224). «Олтун ёруғ» ҳамда Турфон матнларида **yaḡi yavlaq** жуфт сўзи

айни семада ишлатилган: *yađi yavlaq aldayur* (ДТС,224). Адиб Аҳмаднинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **yađi** истилоҳи ўз маъносида қайд этилган: *Barursan bu mālīn yađiŋğa qalur*. Шунингдек, дostonда мазкур сўзнинг форс-тожикча **dušman** ўзлашмаси ҳам учрайди: *Bir er dušman ersä anī azlama*. Изланишларимиз бу лексеманинг дастлаб ўрганилаётган асар тилида истифода этилганини кўрсатди.

Боб бўйича хулосалар

1. «Ҳибатул ҳақойиқ» асари фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан XI-XIII асрларда қўлланган туркий адабий тилнинг барча хусусиятларини акс эттиради, туркий қабила тилларининг анча ривожланганини кўрсатади. Шунингдек, бу асар ўзининг тил хусусиятлари жиҳатдан маълум тафовут ва фарқ бўлишига қарамай, XIII-XIV асрларда яратилган асарларнинг тили билан умумийликка эга. Айна вақтда, бу асар орқали эски туркий адабий тилдан эски ўзбек тилига ўтишда катта кадам қўйилганлигини, унга яқинлашиб келинганлиги ҳам аниқ билинади. Бу эса ўша даврдаги туркий қабила тилларининг ўзаро яқин муносабатини, уларнинг тараққиёти натижасида дастлаб ўзбек халқ (элат) тилининг ташкил топиши тезлашганлигини, шунингдек, бошқа туркий элат тилларининг шаклланиш жараёни давом этганлигини тасдиқлайди. Демак, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари Шарқий Туркистонда эмас, шунингдек, Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа худудларда ҳам машҳур бўлган. Тил жиҳатдан барча туркий халқларга тушунарли бўлгани учун Навоий даврида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган.

2. Дарҳақиқат, тилнинг сўз бойлигини диахрон аспектда ўрганиш тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш учунгина эмас, айна пайтда, уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демак, ҳар бир тилнинг тарихи шу тилга мансуб халқ ўтмиши билан боғлиқ. Халқ тарихида нимаики юз берса, тилга озми-кўпми ўз таъсирини ўтказади. Бу, энг аввало, тилнинг луғат бойлигида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари

лексикасини мавзуий гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш натижасида дoston тилида турли мавзуий гуруҳга тегишли сўзлар ишлатилганлиги, уларда ўша давр халқининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёти ўз аксини топганлиги аён бўлди. Айти пайтда, мазкур мавзуий гуруҳларнинг шаклланишида бошқа тиллардан кирган лексемалар ҳам катта аҳамият касб этган.

3. Дoston тилида асосан «Харакат, нутқ ва фаолият билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи лексемалар», «Хусусият ва белгини билдирувчи лексемалар», «Теонимлар», «Кишиларнинг кўли билан яратилган нарса-предмет номлари», «Ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар» сингари мавзуий гуруҳларга кирувчи истилоҳлар фаол қўлланилган.

4. Асарда ҳаётнинг деярли барча соҳаларига оид нарса-предмет, воқеа-ходисаларни ифодаловчи лексемалар учрайди. Бинобарин, сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш тил луғат таркибини тизимли ўрганишнинг қулай усулларида ҳисобланиб, дostonда қўлланилган лексик бирликларнинг қайси соҳага тегишли эканлигини, келиб чиқишини, ўз қатламга доир сўзларнинг ўзлашмалар билан ўзаро муносабатини ҳамда уларнинг қўлланиш доирасини аниқлашга, тилнинг тарихий ва замонавий ҳолатини баҳолашга, қолаверса, халқ тарихини атрофлича ёритишга кўмаклашади.

II БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНING ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва хофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига кулок тутсин...¹⁸

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби тарихий тараққиёт натижасида бойиб боради. Луғат таркибининг бойиб бориши тилнинг ички имкониятлари асосида ва бошқа тилдан сўз ўзлаштириш орқали амалга ошиши мутахассисларга яхши аён.

Умумхалқ тилининг ривожланиши ҳамма вақт унинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқаларининг кенгайишига боғлиқ ҳолда давом этади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, бошқа чет тил унсурларининг кириб, ўзлашиб қолиши тарихий ва қонуний ҳодиса ҳисобланади. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг яхшиланиши, айниқса, бир-бирига қўшни халқларнинг ўзаро алоқалари натижасида янги ғоялар, фикрлар, тушунчалар қабул қилинади. Бу тарихий жараён муайян халқ ёки тилнинг ўзига хос тараққий этишига, тил луғат таркибининг бойишига олиб келади¹⁹. Зеро, ўзаро алоқада бўлган халқлар тилларининг бир-бирларига таъсир этиши, бир-бирини бойитиши учун хизмат қилиши, бундай ўзаро таъсир лексикада самарали кечиши айни ҳақиқатдир. Халқларнинг ўзаро алоқалари, тилларнинг бир-бирига таъсири турли давр ва шароитларда ўзига хос кўринишда давом этади. Бундай ўзаро таъсир айрим даврларда кучсиз даражада бўлса, бошқа бир даврда сезиларли ва самарали кечади. Шу билан бирга, баъзи вақтларда мазкур жараён

¹⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ // Халқ сўзи. 2019 йил 22 октябрь.

¹⁹ Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 89-90.

стихияли тарзда рўй берса, уни маълум қонун-қоидалар асосида йўлга солиш, унга инсониятнинг фаол аралашуви талаб этилади²⁰.

Маълумки, тилнинг луғат таркиби мураккаб ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Шу боис, тил лексикасининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини билиш учун луғат фондидаги сўзларни генеологик нуқтаи назардан ўрганиш, уларни этимологик қатламларга ажратиш зарур. Бу, албатта, тил луғат таркибини илмий тушуниш, илмий таҳлил қилиш борасида амалга оширилади. Тил луғат таркибини тарихий-этимологик жиҳатдан, яъни сўзларни генетик манбаларига кўра тадқиқ этиш ўзбек тилининг қардош ва қардош бўлмаган тиллар билан алоқасини, мазкур тилда қайси тилларнинг таъсири мавжудлигини аниқлашга кўмаклашади. Пировард натижада, бундай изланишлар ўзбек тили сўз бойлиги, грамматик қурилишининг тарихий йўллари аниқлашда ниҳоятда муҳимдир²¹. Бинобарин, тилнинг лексик таркибини генеологик манбаларига мувофиқ гуруҳлаш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Тилдаги лексик қатламларни лингвистик тадқиқ этиш лексик-семантик тараққиёт қонуниятларини белгилашда жуда муҳимдир. Зотан, лексика тарих, маданият, фан ва халқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан ўзаро боғлиқ бўлиб, илмий таҳлилда уларни ҳисобга олмасдан туриб, сўз маъноларининг ўзгариш манбалари ва сабабларини аниқлаш мушкул²².

Ўзбек тилшунослигида лексик қатламлар юзасидан бир неча илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да²³, «Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексикаси генеологик жиҳатдан махсус ўрганилганича йўқ. Шунинг учун ҳам тадқиқотимизнинг ушбу бобида дoston сўз бойлигининг генеологик хусусиятларини ёритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

²⁰ Ўзбек адабий тилининг тараққиёти. 3-жилд. Лексика. –Т.: ФАН, 1991. –Б. 152.

²¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 54.

²² Уфимцева А. Опыт изучения лексики как системы. –М.: 1962. –С. 17.

²³ Мамажонов Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. –Т.: ФАН, 1978. –87 б; Б Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –157 б; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –198 б.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қайта ишланган, тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 399 б.; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. –Т.: ФАН, 2007. –176 б.

2.1-§. Туркий лексик қатлам

Ўз қатлам ҳар бир тилнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларида ички имкониятлари асосида юзага келган сўзлардан ташкил топади. Тилшуносликда лексиканинг ички имкониятлар ёрдамида ривожланишида қуйидаги ҳодисалар асосий омил саналади: 1) ички манбалар орқали сўз яшаш йўли билан лексиканинг бойиши; 2) эскирган, тарихий ва умуман эски манбаларда бўлган луғавий birlikлар асосида лексиканинг бойиши; 3) адабий тил лексикасининг диалектик сўзлар ҳисобига бойиши²⁴.

Ўз қатлам деганда аслан шу тилники бўлган лексемалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек, ўз аффикс билан бошқа тил сўзларидан ҳосил қилинган лексемалар тушунилади²⁵. Шу нуқтаи назардан, «Ҳибатул ҳақойиқ»да қўлланилган ўз қатламга доир сўзларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) туб туркий сўзлар; б) туб туркий сўзлардан ясалган янги лексемалар; в) ўзлашмалардан туркий қўшимчалар қўшиш йўли билан юзага келган сўзлар.

Туркий сўзлар. Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради ва бу тил учун туркий тилларнинг негиз лексикаси қадимий асос ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек тили сўз бойлигининг қадимий ўз негизи аслида туркий тилларнинг ўзиники бўлган туб туркий сўзлардан иборат. Кўринадикки, туб сўзни белгиловчи асосий мезон, биринчидан, бу сўзнинг генетик жиҳатдан ўша тилники эканлиги, иккинчидан, унинг қадимий даврларга оидлигидир²⁶.

Маълумки, дoston тилида истeъмолда бўлган туб туркий сўзларнинг тарихи кўҳна ёзма манбаларга бориб тақалади. Зеро, мазкур ёдномалар умумхалқ тилининг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган бўлиб, халқнинг қадимги маданиятини акс эттирган. Улар орқали халқимиз тарихи ва тилимиз тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўламиз²⁷. Шу нуқтаи назардан, асар сўз бойлигини қадимги туркий тил ва

²⁴ Ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Уч жилдлик. –Т.: ФАН, 1991. –Б. 128.

²⁵ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 173.

²⁶ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 135.

²⁷ Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б. 115.

эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида қайд этилган лексик бирликлар билан қиёсий ўрганиш асардаги архаик сўзлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга кўмаклашади.

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради. Бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда юз берадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг вужудга келишини, айти пайтда, маълум лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади²⁸.

Сўз турмушдаги янгиликларни, кишилар фаолиятини, воқеа-ходисаларни ифодаловчи воситадир. Тилда ҳаёт учун зарур турли янги сўзлар пайдо бўла борганидек, турмуш учун кераксиз сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади. Эскирганлиги, яроқсизлиги туфайли истеъмолдан чиққан сўз ва иборалар лингвистикада архаизм деб аталади²⁹.

Лексема ифодалаган тушунчани англатувчи бошқа сўзнинг шаклланиши натижасида (у ички имконият асосида ясалган ёки олинма лексема бўлиши мумкин) унинг истеъмол доираси торая боради. Бир қатор семалари билан фаол қўлланган сўзлар семантикасида торайиш кузатилади. Кенг қўлланилмаган лексемалар истеъмолдан чиқади, архаизмга айланади. Бу жараён тилнинг ички қонунияти асосида юз беради³⁰. Архаик бўлмаган сўзнинг эскирган маънолари турли сабаблар таъсирида юзага келади. Улардан баъзилари яққол кўзга ташланиб турса, айримлари тилнинг мураккаб тизимида яширин ҳолда бўлади³¹.

²⁸ Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2004. – Б. 67.

²⁹ Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 180.

³⁰ Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. –Т.: Фан, 2008. –Б. 116.

³¹ Будагов Р. Введение в науку о языке. –М.: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1958. –С. 91.

«Ҳибатул ҳақойиқ» тилида қўлланишда бўлган эскирган сўзлар, яъни архаизмларни³² лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги мавзуй гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) шахс тушунчасини ифодаловчи сўзлар: еш – «ўртоқ», уағї – «душман»;

б) зоонимлар: arslan, yılan, уаған – «фил»;

в) халқнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан алоқадор тушунчаларни англатувчи лексемалар: bek – «бек, амир», «сїғау – «камбағал», qaravaš – «чўри, хизматкор»;

г) савдо ва пул муносабатларини ифодаловчи сўзлар: arqış – «карвон», asıǵ – «фойда», tawar – «тавар, мол», učuz – «арзон»;

д) хусусият ва белгини билдирувчи лексемалар: ezgü – «яхши», уаууқ – «яқин»; köni – «тўғри», ezgülik – «яхшилик», уаууз – «ёмон», асїғ – «аччик», süčük – «чучук», yid – «хид»;

е) ҳаракат ва фаолиятнинг хусусияти билан боғлиқ терминлар: art- – «артмоқ», bar- – «бормоқ», bezä- – «безамоқ», sewin- – «севинмоқ», quč- – «қучоқламоқ», ау- – «айтмоқ», emgä- – «заҳмат чекмоқ», uwtan- – «уялмоқ», уап- – «қайтмоқ».

Изланишлар шуни кўрсатдики, «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида қадимги туркий тилга доир қатор сўзлар қўлланишда бўлган. Уларнинг айримлари асар луғат фондида асл ҳолича, баъзилари жузъий фонетик ўзгаришлар билан ифодаланган. Хусусан, достонда «меҳнат, қийинчилик» **emgäk** сўзи билан берилган: *Küč emgäk tegürmä kişigä qali*³³. Мазкур лексема Олтун ёруғ ва Турфон матнларида илк бор келтирилганлигини «Қадимги туркий луғат» (Древнетюркский словарь)дан билиб олиш

³² Қаранг: Наджип Э.Н. Архаизмы в лексике тюркоязычного памятника XIV в. «Гулистан» Сайфи Сарай // Краткие сообщения института народов Азии АН СССР. 83. –М., 1964; Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: по материалам «Хосрау и Ширин» Кутба. –М.: Наука, 1979. –479 с.; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. –431 б; Матанцева М. Архаическая лексика в говорах старообрядцев (семейских) Забайкалья. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Новосибирск, 1999. –24 с.

³³ Мисоллар Қозоқбой Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

мумкин: *açmaq suvsamaq emgäki* (ДТС,172). Атама «қийналмоқ, захмат чекмоқ» маъносидаги **emgä-** (ДТС,172) феълига **-k** аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинган.

Достонда **eş** сўзи «ўртоқ» маъносини англатган: *Neçä ta inançlıq eş ersä yaqin*. Бу лексема дастлаб Енисей манбаларида ишлатилган (ДТС,184). «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида ўз семасини давом эттирган: *Tirändi unamas berü kelgäli, Ne eş tuş qadaşlar yüzin körgäli* – Оёғини тираб туриб олган, бу ёққа келишга, ёр-дўстларини кўришга унамаяпти (ДТС,184-185). Асарда атаманинг форс-тожикча **dost**, арабча **habib** синонимлари ҳам истифода этилганлигига гувоҳ бўлдиқ: *Miñ er dostuñ ersä üküş körmägil; Eşit emdi qaç bayt habib fazlidin*.

Arqış Култегин битигтошида «карвон», Турфон матнларида «хабарчи, чопар» семаларида қўлланишда бўлган: *ötrü ol arqış...* – сўнгра ул хабарчи... (ДТС,54). «Қутадғу билиг» асарида дастлабки маъно учрайди: *Azun tezgünür eldä arqış yurip* – Карвонлар элларда юриб жаҳон кезадилар (ДТС,54). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «карвон», «чопар» маъноларини ифодалаган: *Aniñ arqışi keidi* – Унинг чопари келди (ДТС,54). Достонда унинг «карвон» маъносини учратамиз: *Oñ arqış ozadi qopub yol tutub*.

Турфон матнларида **asiğ** «фойда» маъносини англатган: *Yunt kündä asiğ bolur* (ДТС,60). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «наф», «фойдали» семаларини билдирган: *Öküş sözdä artuq asiğ körmädim* – Кўп сўзлашда фойда, наф кўрмадим (ДТС,60). Қайд этилган сўз «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «даромад», «манфаат, ижобий натижа» маъноларида қўлланишда давом этган: *Tavar asiğ nemiş barursan yaliñ; Baqiğli, oquğli asiğ alsu tep. Asiğ* «кўпайтирмақ, қўшимча қилмоқ» маъносидаги **aş-as-** (ДТС,62) феъли билан **-(i)ğ** қўшимчасидан ясалган. Шу билан бирга, мазкур лексема асарда янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос бўлган: *Ne neñ bar biligtin asiğliğ* (фойдали) *öñin; Aña pand nasihat asiğsiz* (бехуда) *erür*.

«Душман» маъносини ифодалаган **yađi** сўзи илк бор Тўньюкук битигтошида ишлатилган: *Tabđač qađan yađimiz erti* (ДТС,224). Атама XI аср манбалари, яъни «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида ўз семасини давом эттирган: *Bu er ol yađidin qutulđan* – Бу инсон у душмандан қутулган (ДТС,224). Текширувлар бу лексема ўрганилаётган манбада асл маъносида ишлатилганлигини кўрсатди: *Öküř yaňsađan til ay almas yađi*. Айни пайтда, асарда форс-тожикча **duřman** синоними ҳам ишлатилган: *Bir er duřman ersä ani azlama*.

Достонда **čigay** «камбағал» семасида қўлланган. Мазкур сўз даставвал Турфон матнларида «йўқсил, бечора одам» маъносида ишлатилган (ДТС,147). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «йўқсил, бечора одам», «камбағаллик» маъноларида келган: *Qamuđ ezgü esiz čigay bayliqim bayatdin körür men* – Кўрган ҳамма яхшилик ва ёмонликларимни, фақирлик ва бойлигимни тангридан деб биламан (ДТС,147). Айни пайтда, асарда **čigay** (ДТС,148) сўзи **-liq** аффикси ёрдамида **čigayliq** «камбағаллик» лексемасини ясаган: *Čigayliq teb ayma azuq yoqluđin*. Бу ўз навбатида, қадимги туркий тилда муомалада бўлган айрим сўзлар кейинги давр манбаларида ўз маъносини давом эттириш билан бирга, янги лексемалар ҳосил қилишда фаол иштирок қилганлигини кўрсатади.

Saqin- феъли Култегин битигтошида «хафа бўлмоқ», «безовта бўлмоқ», «Олтун ёруғ» ва Турфон матнларида «ўйламоқ» маъноларини билдирган (ДТС,486). «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида эса «ўйламоқ»: *Ol išniđ ođini sođini saqin*; «эҳтиёт бўлмоқ»: *Eřim teb inanib sir ayma saqin*; «сақланмоқ»: *Asiqsiz jadal ham mizajtin saqin* каби семаларда қўлланган. Ушбу сўз Турфон матнларида ишлатилган «ғамхўрлик қилмоқ» маъносидаги **saqi-** (ДТС,486) феълидан ҳосил бўлган.

Azaq достонда «оёқ» маъносида келган: *Qazā birlā sančlur azaqqa tikān*. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида **adaq** (ДТС,8), **azaq** шаклларида инсон тана аъзосини ифодалаш баробарида курсининг оёғини

хам англатган: *Bu kursi üzälä öz oldurduqı azaqı üč ol kör* – Кўргин мен ўтирган курсининг оёғи учта (ДТС,14). **Azaq** «Девону луғотит турк»да «оёк», «охири» семаларини билдирган: *Bu er ol işiğ azaqqa tegürgän* – Бу одам у ишни охирига етказган (ДТС,14). Бу сўз дастлаб Култегин ёдгорлиги ва моний ёзув манбаларида **adaq** фонетик шаклида «оёк», «қуйилиш жойи» маъноларида учрайди: *Ol suvuñ adaqı* – У сувнинг қуйилиш жойи (ДТС,8).

«**Овқат, егулик**» тушунчасини билдирган **azuq** лексемаси илк бор Култегин битигида келтирилган: *Azuqı yoq erti* (ДТС,73). Ушбу сўз Махмуд Кошғарийнинг «Девон»и ҳамда «Тафсир»да ўзининг асл семасини сақлаган: *Sartniñ azuqı arığ bolsa, yol üzä yer* (1,97); *Ta'amniñ qamuğın alurlar biz farzandalrimiz birlä azuqsiz qalurmiz* (8966). Мазкур лексема ўрганилаётган дoston тилида ҳам ўз маъносини давом эттирган: *Бу байлық чыгайлық азуқ йоқлугы*. XIV аср Хоразм ёзма манбаларида **azuq, azıq** шакллари кузатилади: *Vafādın öñ bu yolda azuqum yoq* (XIII,83a16); *Payğambar aydı: ya Hadiča mänjä azıq qılı bergil* (НФ,468). Бу от қадимги туркий тилдаги «чайнамоқ» маъносини англатган **azu/azı-** феълидан **-қ** кўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ,1,249). Шунингдек, текширилаётган сўзнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **yegü**, «Қисаси Рабғузий»да **aşliq** маънодошлари ҳам учрайди: *Qulın küñin Yusufğa satib aşliq aldılar* (66v21); *Bu dunyā neñitin yegü közgülik*.

XI аср манбалари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида **adın, azın** сўзи «бошқа», «қўшимча, ортиқ» семаларини англатган: *Bir äbtä qalir on adın iki ay* – Бир уйда ўн икки ой қолир (ДТС,10); *Seniñdä bağirsaq azın yoq maña* – Мен учун сендан бошқа меҳрибон йўқ (ДТС,14). Бу лексема «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **azın** шаклида «бошқа» маъносида кузатилади: *Öküñč ol aña yoq oñ anda azın*. Мазкур истилоҳнинг дастлабки, яъни **adın** фонетик варианты Турфон матнлари, «Олтун ёруғ» асарида «бошқа» семасида кўзга ташланади (ДТС,10).

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида **izi** «тангри» маъносида ишлатилган (ДТС,203). Мазкур сўзнинг илк шакли **idi** бўлиб, Култегин ёдгорлигида «соҳиб, эга»: *Ötükändä yig idi yoq ermiş*, «Қутадғу

билиг» достонида «Худо»: *Ay yer kök idisi* семаларини билдирган (ДТС,203). Ўрганилаётган манбада қайд этилган лексеманинг **izi** фонетик варианты «соҳиб, эга»: *Aya mal idisi axi edgü er*; «тангри»: *Bu bayliq çigayliq idi qismati* маъноларини англаган. Бугунги кунда ҳам **idi**→**izi**→**ezi**→**egä** шаклида «соҳиб» маъносида қўлланиб келмоқда. «Тангри» маъноси эса Эгамқул, Эгамберди, Эгамназар, Эгамшукур³⁴ каби антропонимлар таркибида учрайди. Шунингдек, асарда мазкур сўзнинг **uğan** синоними ҳам кузатилади: *Uğan hukmi birlä kelür iş* – Тангри ҳукми билан ҳар иш амалга ошади.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **az** «адашмоқ, янглишмоқ» маъносида ифодаланган: *Takabbur libasın keyib az salin*. Ушбу сўз илк бор Турфон матнларида айна маънода келтирилган: *Yol azsar ew tarmaz* – Йўлдан адашган киши уйини топа олмас (ДТС,72). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «йўлдан чикмоқ», «адашмоқ» маъноларида учрайди: *Azip yügrür erdim ayu berdi yol* – Йўлдан адашиб юрар эдим, тангри йўл кўрсатди; *Köniliktä azmiş özüm* – Мен ҳақиқат йўлидан адашдим (ДТС,72).

«Билим» тушунчаси илк марта Култегин битигтошида «билим-тажриба орттирмоқ» маъносини англаган **bilig** лексемаси ёрдамида очиб берилган: *Ayiğ bilig anta öyür ermiş* – Улар у ердан ўзларига ёмон билимларни ўзлаштириб олган (ДТС, 99). Лексема «Девону луғотит турк»да ўзининг асл маъносини давом эттирган: *Ula bolsa yol azmas, bilig bolsa söz yazmas* – Белги бўлса одам йўлдан адашмайди, билим бўлса киши сўзда янглишмайди (МК, I,108). Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзнинг «ақл, идрок», «ҳикмат» (I,367) маъноларини ҳам кўрсатиб ўтади: *Bilig kişi ara ülüglüg ol* – Ақл инсонлар ўртасида тақсимланган (ДТС,100). Берлин тўпламидаги уйғур ёзувида битилган ҳужжатларда лексик birlikнинг тўртинчи, яъни «эҳтиёткорлик» маъноси учрайди: *Yiti biligin yarmış kergäk* – Ярани жуда эҳтиёткорлик билан очиш лозим

³⁴ Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. –Б. 508.

(ДТС,100). Достонда «билим» маъносида учрайди: *Bilig birlä bilnür sa'adat yoli* – Билим билан саодат йўли очилади. Ўрганилаётган сўз **bil-** феълидан **-(i)g** аффикси орқали ясалган.

Učuz сифати илк марта қадимги туркий тилда «осонгина», «озгина, арзимас, аҳамиятсиз» маъноларида истеъмомда бўлган: *Ol oğlan ögin emgätmädin uçuz toğğay* – Бу бола онасига қийинчилик туғдирмасдан осон дунёга келди; *Taqi ağırlıǵ bolğay men taqi uçuz bolğay men* – У яна кўп хурматга сазовор бўлади, мен эса аҳамиятсиз, эътиборсиз қоламан (ДТС,604). «Девону луғатит турк»да сўзнинг «арзон» семаси кузатилади: *uçuz nāñ* – арзон нарса (ДТС,604). Тадқиқот объекти қилиб олинган манбада лексеманинг «арзон, жўн» маъноси кўзга ташланади: *Joz atlas bolur qiz uçuzi bözüg* – Бир парча атлас қиммат, бир жуфт бўз арзон бўлгани каби.

Зикр этилган мисоллардан аёнки, достонда қўлланилган кўпгина сўзларнинг тарихи қадимги туркий тилга бориб тақалади. Демак, кўхна сўзларни тадқиқ этиш ўша даврдаги уруғ, қабила ва халқларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга, лексемаларнинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам беради.

Туркий сўзлардан ясалган лексемалар. Тилшуносликда муайян тилга хос сўз яшаш усуллари билан сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилиш тил лексикасининг бойишидаги энг етакчи йўллардан бири сифатида талқин қилинади. Ички ресурслар асосида сўз яшаш, асосан, тилнинг ўзига хос сўз яшаш усулларига таянган ҳолда сўз ясовчи воситалар кўмагида амалга ошади³⁵.

Ёзма ёдгорликлар тилида сўзлар қатъий қонунлар асосида ясалган. Ясама сўз маъно жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлган ўзакдан, ўша сўзнинг ҳар қайси эмас, айнан туташ маъноли семасидан урчиди. Агар ясама сўзнинг морфем таркиби чуқур таҳлил қилинса, ўша илдизга етиб борилади³⁶.

³⁵ Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси. –Т.: ФАН, 2004. –Б. 99.

³⁶ Содиков Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –Б. 136.

Тилда аффиксация йўли билан янги сўзлар ҳосил қилиш энг фаол усуллардан саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дoston сўз бойлигида ҳам туб ўзакдан туркий қўшимчалар³⁷ орқали ясалган лексемалар талайгина. Қуйида сўз ясада иштирок этган қўшимчалар ва лексемалар хусусида тўхталиб ўтамыз:

- 1) -čī/-čī аффикси: borčī – «бўза қилувчи, бўза сотувчи» (<bor – «бўза»);
- 2) -līg/-lig // -līq (baylīq)/-lik (kōnilik) // -luğ/-lüg // -luq(suqluq)/-lūk (ezgūlūk) аффикси: kōnilik – «ростгўйлик» (<kōni – «рост»), ašlīq – «озиқ-овқат, егулик дон» (<aš – «овқат»), čīğaylīq – «камбағаллик» (<čīğay – «камбағал»), yīqīqlīq – «тартиблик» (<yīqīq – «тартиб, одоб»), baylīq – «бойлик» (<bay – «бой»), tarīqlīq – «деҳқончилик» (<tarīğ – «дон, ғалла»), yarağlīq – «яроқлик» (<yarağ – «яроқ»), yazuqluq – «гуноҳкор» (<yazuq – «гуноҳ»), yoqluq – «йўқлик» (<yoq – «йўқ»), suqluq – «очкўзлик» (<suq – «очкўз»), toqluq – «тўқлик» (<toq – «тўқ»), uluğluq – «улуғлик» (<uluğ – «буюк»), uluğluq – «улуғлик» (<uluğ – «буюк»), tanuqluq – «гувоҳлик» (<tanuq – «гувоҳ»), ezgūlūk – «яхшилик» (<ezgū – «яхши»), bōrlūk – «тепалик» (<bōr – «тепа»);
- 3) -k // -uq/ūk // -uğ/üg- // -aq/-ağ // -īğ/-ig // -īq/-ik аффикси: bezāk – «безак» (< bezā- – «безамок»), emgāk – «қийинчилик» (<emgā- – «захмат чекмок»), tanuq – «гувоҳ» (<tanu- – «хабар бермок») (ДТС,532), yazuq – «гуноҳ» (<yaz- – «хато қилмок»), tarīq – «буғдой, экин» (<tarī- – «экмोक»), tatīq – «тотлик» (<tat – «маза, таъм»), ölūk – «ўлик» (<öl- – «ўлмок»), bilig – «билим» (<bil- – «билмок»), yarağ – «яроқ» (<yara – «яроқли бўлмок»), qīlīq – «хулқ» (<qīl- – «қилмок»);
- 4) -š/-uš/-üş // -iš/-iš // -aš/-āš аффикси: saqış – «ўй, фикр» (<saq- – «ўйламок»), uquš – «англаш» (<uq- – «тушунмок»), söküš (205v19) – «сўкиш» (<sök- – «сўкмोक»);

³⁷ Қаранг: Севортян Э. Аффиксы словообразования в азербайджанском языке. Опыт сравнительного исследования. –М.: Наука, 1966. –437 с.; Щербак А. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя) –Л.: Наука, 1977, –191 с.; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков: Морфология. – М.: Наука, 1988. –556 с.; XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили: Морфология. –Т.: ФАН, 1986. – 286 б.

5) -č(-nč) аффикси: ĩnanč – «ишонч» (<ĩnan- – «ишонмоқ»), saqĩnč – «фиқр, тушунча» (<saqĩn- →»ўйламоқ»), sewũnč – «севинч» (<sew- – «севмоқ»), økũnč – «ўкинч» (<økũn- – «ўқунмоқ»);

6) -(u)t/-/(ũ)t: yanut – «жавоб, рухсат; қаршилиқ» (< yan- – «қайтмоқ, воз кечмоқ»), artut – «тортиқ» (< art- – «юкламоқ»);

7) -sĩz/-siz // -suz/-sũz қўшимчаси: uqušsĩz – «уқувсиз» (<uquš – «уқув»), asĩğsĩz – «фойдасиз» (<asĩğ – «фойда»), arĩğsĩz – «ифлос» (<arĩğ – «тоза»), biligsiz – «билимсиз» (<bilig – «билим»), qatĩğsĩz – «жураътсиз» (<qatĩğ – «қаттиқ»), yolsuz – «бахтсиз, омадсиз» (<yol – «бахт»), yemišsiz – «мевасиз» (<yemiš – «мева»), kišisiz – «кимсасиз» (<kiši- «кимса»), menišsiz – «менсиз» (<meniš – «мен»), kørksũz – «хунук» (<kørk – «чирой»), keräksiz – «кераксиз» (<keräk – «керак»), tavarsiz – «товарсиз» (<tavar – «товар»), qazğusiz – «қайғусиз» (<qazğu – «қайғу»), tatĩğsiz – «мазасиз» (<tatĩğ – «тотлик»), yiliksiz – «иликсиз» (<yilik – «илиқ»);

8) -ğ(ačĩğ)/-g // -q(yumšaq)/-k(sũčũk) // -ĩğ/-ig // -ĩq/-ik // -uğ/-ũg // -uq/-ũk(sũčũk) аффикси: ačĩğ (6r4) – «аччик» (<ačĩ- – «ачимоқ») (ДТС,4), quruğ – «қуруқ» (<qurĩ- – «қуримоқ»), arĩğ – «тоза» (<arĩ- – «тоза бўлмақ»), artuq – «ортиқ» (<art- – «ортмоқ, ошмоқ»), bøläk (19r8) – «бўлак» (<bøl- – «бўлмақ»), sũčũk – «ширин» (<sũčũ- – «ширин бўлмақ»), yumšaq – «юмшоқ» (<yumša- – «юмшамоқ»), qattĩğ – «қаттиқ» (<qat- – «қотмоқ»);

9) -l аффикси айрим феъллардан сифат ясаган: qĩzil (11r14) – «қизил» (<qĩz- – «қизил тус олмоқ»);

10) -la/-lā аффикси: bağla- – «боғламоқ» (<bağ – «боғ»), tolula- – «тўлдир» (<tolu – «тўла»), azla- – «озайт» (<az – «оз»), izlā- – «изламоқ» (<iz – «из»), sōzlā- – «сўзламоқ» (<sōz – «сўз»), yuqla- – «юқтир» (<yuq – «юқ»), tiriklā- – «тирилтир» (<tirik – «тирик»).

Ўзлашмаларга туркий қўшимчалар қўшиш йўли билан ясалган сўзлар. Ҳар бир тил сўз яшаш, уни янги маъноларда қўллаш каби ички имкониятларидан ташқари, ташқи омиллар таъсирида, яъни бошқа тиллардан

лисоний бирликларни қабул қилиш орқали ҳам ривожланиб, бойиб боради. Албатта, бу жараён муайян тил қонуниятлари асосида амалга ошади.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғат таркиби фақат ўз сўзларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ё ўша тилда ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлайди ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади³⁸.

Ўзбек адабий тили луғат таркибидаги лексемалар тарихий шаклланиш жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўғул, рус тилларидан, шунингдек, уйғур тили орқали хитой тилидан кириб келган сўзлар ҳам учрайди. Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичига назар солсак, мазкур сўзлар турли даврларда хилма-хил ижтимоий сабаблар боис ўзлашганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, форсий истилоҳлар ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бири билан ижтимоий ва маданий муносабатда бўлиб келганлиги натижасида, арабча лексемалар эса, асосан, китобий тил ва форсий тил, шунингдек, қисман оғзаки нутқ орқали кириб келган.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида ҳам форсий ва арабча сўзларни кузатиш мумкин. Ушбу ўзлашмаларнинг маълум қисми ёдгорлик тилига шу даражада сингиб кетганки, улар туркий қўшимчалар билан бирикиб, янги сўзлар ҳосил қилишда фаол қатнашган ва туркий лексемалар билан барабар даражада қўлланилган. Бироқ улар кўпчиликни ташкил этмайди. Асосан, -līg/-lig // -līq(māllīq)/-lik // -luğ/-lüg // -luq(dostluq)/-lūk ва -sīz/-siz/-suz/-süz аффикслари воситасида ясалган.

-līg/-lig // -līq(havādārlīq)/-lik // -luğ/-lüg // -luq(xušluq)/-lūk:

а) форсий сўзлар иштирокида ясалган лексемалар: xušluq – «яхшилиқ», dostluq – «дўстлик», māllīq – «бойлик», unarlıq – «хунарли», xīradlīq – «донолик», havādārlīq – «ҳавасли»;

³⁸ Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 34.

б) арабча ўзлашмаларга кўшилиш орқали ҳосил қилинган сўзлар: *harisliq* – «очкўзлик», *axiliq* – «биродарлик», *xataliq* – «хатолик», *halimliq* – «юмшоқлик», *mominliq* – «мўминлик», *safaliq* – «ёруғлик», *baxilliq* – «бахиллик», *bahaliq* – «баҳолик», *vafaliq* – «вафолик», *umrluq* – «умрлик»;

-siz/-siz/-suz/-suz. Мазкур аффикс асосан ўзлашма отларга кўшилиб, ўзакдан англашилган маънога эга эмасликни ифодаловчи сифатларни ҳосил қилади:

1) форсий сўзлар билан бирикиб сифат ясайди: *malsiz* – «молсиз, бойликсиз», *unarsiz* – «хунарсиз»;

2) арабча ўзлашмаларга кўшилиб сифат ҳосил қилган: *hisabsiz* – «беҳисоб»; *aybsiz* – «айбсиз»; *vafasiz* – «вафосиз»; *baqasiz* – «бақосиз», *bahasiz* – «баҳосиз», *karamsiz* – «карамсиз».

Келтирилган мисоллардан ва дoston лексикасини ўрганиш мобайнида шу нарса аён бўлдики, асар тилида туркий ҳамда ўзлашма лисоний бирликлардан янги сўзлар ҳосил қилишда от ясовчи *-luğ/-lüg // -liğ/-lig // -liq/-lik // -luq/-lük*, сифат ясовчи *-siz/-siz/-suz/-suz* аффикслари фаол иштирок этган. Бу эса ўз навбатида ушбу кўшимчаларнинг ўша даврда сермахсул аффикслардан бўлганлигини кўрсатади. Демак, туркий тил луғат таркибининг бойиб бориш жараёнини кузатишда, ўзга тилларнинг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ривожига тутган ўрнини аниқлашда, шунингдек, экстралингвистик омилларни тўғри белгилашда кўхна ёдномалар тил хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2.2-§. Ўзлашма лексик қатлам

Тарихий тараққиёт жараёнида дунё халқлари ўртасида ўзаро иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий алоқалар содир бўлади. Бунинг натижасида тилларнинг луғат таркиби янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи сўзлар билан бойиб боради. Дарҳақиқат, ўзбек халқи билан ҳамоҳанг тарзда ўзбек тили ҳам ўзининг тарихий ривожланишида кўплаб

бошқа халқлар тиллари билан алоқада бўлди. Шу боис, ўзбек тили луғат таркибининг маълум қисмини ўзлашган сўзлар ташкил этади³⁹.

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички имкониятлари муҳим манба ҳисобланади. Шунга қарамасдан, дунёдаги ҳеч бир тил ўз ички имкониятларига таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари ва имкониятларигина кифоя қилмайди. Ўзбек тили сўз бойлигининг такомиллашувида ташқи манба ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди⁴⁰. Бинобарин, турли тилларга мансуб халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қўшничилик ва савдо-сотик алоқалари улар тилларининг тараққиёти, биринчи навбатда, лексикасига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Пировардида сўз алмашиш ва ўзлаштириш ҳолатлари юз беради. Ушбу жараён тарихий шароитларга боғлиқ тарзда турлича кечади.

Бошқа қардош туркий тиллар сингари ўзбек адабий тили учун ҳам сўз ўзлаштириш характерли ҳисобланади. XI асрга оид манбаларда қўлланилган ўзлашмаларнинг кириб келишида форс-тожик ва араб тилидан ўзбекчага қилинган бадиий таржималарнинг роли сезиларлидир. Форс тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлашишида воситачи вазифасини бажарган. Табиийки, чет сўзларнинг турли соҳа лексикасига ўзлашиш даражаси ҳам ҳар хил. Жумладан, ҳарбий терминология мўғулча сўзлар ҳисобига кенгайган бўлса, маъмурий, сиёсий, тижорий-молиявий, илмий, диний лексика эса, асосан, арабча, форсий ўзлашмалар орқали бойиган. Умуман, туркий тиллар лексикасидаги чет сўзларни икки гуруҳга тақсимлаб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

1) қадимий (исломгача бўлган) давр. Бунга санскритча, суғдча ва хитойча унсурлар хос;

³⁹ Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси. –Т.: ФАН, 2004. –Б. 209.

⁴⁰ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 103; қаранг: Бутылов Н. Тюркские заимствования в мордовских языках. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Саранск, 1998. –16 с.; Валиуллина Л. Лексика арабского происхождения в русском и татарском языках: сопоставительный аспект. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Чебоксары, 2004; Коркмазова Л. Освоение в русском языке тюркизов с неясными основами. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Махачкала, 2004. –162 с.

2) нисбатан янги (ислом ҳамда мўғуллар истилосидан кейинги) давр. Бу даврда туркий тил сўз бойлигидан арабча, форс-тожикча ва мўғулча ўзлашмалар ўрин эгаллайди.

Туркий тиллар сўз бойлигида суғдча, санскритча, хитойча ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига туркий халқларнинг қадимдан суғд, хинд, хитой, хоразм халқлари билан яқиндан бўлган алоқалари маҳсули сифатида баҳо берилади⁴¹.

Санскритча ўзлашмалар. Қадимги туркий битигларда санскрит тилидан кириб келган сўзларнинг ранг-баранг бўлганлиги «Қадимги туркий луғат»ни варақлаш асосида яққол кўзга ташланади. Табиийки, бунда санскрит тилидан туркий тилга қилинган таржималар муҳим роль ўйнаган. Эски туркий тилда санскритча ўзлашмалар сон жиҳатдан камайган. Кейинги даврларга келиб, уларнинг аксарияти истеъмолда муқим ўрин эгаллай олмади. Туркий тилда сақланиб қолганлари ҳам деярли ўз сўзга айланиш даражасига яқинлашган⁴². Кузатишларимиз асарда санскрит тилидан кириб келган биргина **fil** лексемаси даставвал Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида қайд қилинган (ДТС,194). XIV аср Хоразм ёдномаларида, шунингдек, Алишер Навоий асарлари лексикасида **fil**, **pil** (Навоий,III,314) фонетик шаклларида учрайди: *nečä kim fil haybatli bolursa...*(Г,10162); *arslanlar, barslar, pillar yatmiş* (ҚР,209v8). А.Шчербакнинг ёзишича, **pil** қадимги эрон тилларидан ўзлашган; қиёсланг: суғдча **pub**. Шундай бўлса ҳам аслида унинг эрон тиллари лексик қатламига мансублик эҳтимоли кам. Шунинг учун уни санскритча **pilu** ва ассирийча **piru** сўзларига қиёслаш ўз исботини топган (ИРЛТЯ,139-140). Шунингдек, Аҳмад Югнакий қайд этилган маънони очишда туркий **yağan** вариантыдан ҳам фойдаланган: *Yağan bolsa yüklük üzäsindä zar* – Фил устига юкланган зар (каби) бўлса. Бу термин уйғур ёзувидаги кўхна манбаларда **yaña** шаклида ифодаланган:

⁴¹ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –С. 133-134.

⁴² Дадабаев Х. Ўзбек адабий тили лексик таркибининг ўзлашмалар ҳисобига бойиши // Тошкент вилояти давлат педагогика институти педагог-ҳодимларининг анъанавий илмий-назарий ва амалий-услубий анжумани маърузалари. –Ангрен, 2007. –Б. 337-342.

Meñizi antağ bolur yaña qoğuş teg – Унинг ташқи кўриниши филнинг терисига ўхшаш (ДТС,233). Махмуд Кошғарий «Девон»ида **yağan** (МК,III,36), **yağan** шакллари кўзга ташланади: *Yağanлар čarlaşdi* – Филлар жар солишди (МК,III,310). Чигатой тилида **yağan** (РСЛ,III,39), **yïğan** (РСЛ,III,505), уйғур тилида **yañ** (РСЛ,III,58) каби фонетик шакллари истеъмолда бўлган. Ўзга манбаларда қайд этилмайди. **Yağan**нинг мавжуд барча фонетик турларини чоғиштириш, унинг дастлабки кўриниши, яъни **dağan** шаклини тиклаш имконини беради. Аммо мазкур терминнинг аслида туркий тиллар лексик фондига мансублиги ёки мўғул тилларидан ўзлашганлиги ҳақида муайян фикр мавжуд эмас (ИРЛТЯ,140). Г.Рамстедт мўғулча **zağan**, **ziğan** ва чигатой тилидаги **yağan** зоонимини олтойча **yañ** «катта», «йирик, кучли» сифатига боғлайди (ОСЛАЯ,134). Турфон матнларида «фил» маъносини санскритча **matana** термини англаган (ДТС,338).

Сугдча ўзлашмалар. Моддий маданият ва ёзма манбаларга кўра, Дашти кипчоқ чорвадор туркларининг азалий ватани бўлса-да, у ерларда яшаган хунн, усун, қарлук, чигил, арғун, тухси, калтатой, қангли, қирғиз, уйғур, Олтой турклари ва уларнинг аجدодлари ху, ди, рунг ҳамда сак-скиф қабилалари ҳеч қачон бир жойда муқим яшамаган. Улар бепоён турк текисликларидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг қадимги дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилмаган дарё хавзалари ва чўлларида ҳам чорва молларини боқиб кўчиб юрган. Чорвадорларнинг камбағал бўлаги ҳар сафар бу заминда қолиб кетган ва аста-секин ўтроқлаша бошлаган. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши натижасида Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган худудларида бронза давридан бошлаб туркигўй қабилалар Туронзаминнинг туб жой аҳолисига айланган.

Ўрта Осиё саклари, ўз навбатида, буюк кенгликларнинг Марказий ва Шарқий Қозоғистон, Тоғли Олтой, Ўрол, Енисей ва Урхун дарёлари хавзаларигача кириб борганлар ва у жойларнинг ҳукмрон туркий тил муҳити таъсирида бўладилар. Демак, сак-скиф қабилаларига хос икки тиллилик жуда

кенг турк-суғдий этномайдонда юз берган иқтисодий ва сиёсий ҳамда этномаданий жараёнлар маҳсули эканлиги ҳақиқатга яқиндир⁴³. Суғдлар ва турклар ўртасидаги алоқаларни VI асрдан бошланган деб кўрсатиш одат тусига кирган. Лекин суғд-турк муносабатларини янада қадимий даврлардан кидириш лозим. Бунда асосий фикр туркий халқларнинг Туронда азалий аҳоли қатлами сифатида мавжуд бўлганини тан олиш, буни фактик материаллар билан исботлашга қаратилиши керак. Бу ўртада Марказий Осиёда мил. ав. III-II асрлардан бошланган жадал этномаданий муносабатлар туркий халқларнинг бутун Дашти Қипчоқ бўйлаб, Хитой деворидан Дунайгача чиқиб боришига олиб келди. Суғдлар эса мил. ав. IV-III асрлардан бошлаб халқаро савдо йўллари орқали Шарққа кира бориб, аввало, Ўрта Осиёда, қолаверса, Шарқий Туркистонда турклар билан фаол муносабатга киришиб кетди. IV аср 312 йилга мансуб суғд мактублари мажмуаси шундан далолатдир. Араблар истилосидан кейин суғдларнинг турклар билан этник яқинлашуви, аралашуви янада кучайган. Бу жараён бутун Ўрта Осиёни қамраган ва Шарқий Туркистонда ҳам узоқ давом этган. Масалан, Л.И.Чугуевский суғдларнинг ассимиляция қилиниш жараёни XIII асрда ҳам давом қилганлигини ҳужжатлар асосида кўрсатиб берган⁴⁴. Манбаларнинг гувоҳлик берувича, илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг қўлланув доираси Суғд давлатидан чиқиб, Марв, Шимолий Бохтар ва улкан турк ўлкалари – Чоч воҳаси, Фарғона, Етгисув, ҳозирги Синжон ерлари ва Марказий Мўғилистонга қадар ёйилган эди. Бу, аввало, Ўрта ва Марказий Осиёдан ўтган савдо қарвон йўллари, хусусан, ипак йўлида турклар билан суғдларнинг биргаликда олиб борган ишлари, шунингдек, уч диний оқим – буддизм, монийлик ва настурийликни ерли халқлар, жумладан, турклар орасида ёйиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ. Яна бир жиҳати, айрим юртларда турк-суғд икки тиллилиги ҳам амал қилган. XI асрда яшаб ўтган тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, Баласағун, Тираз,

⁴³ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: Университет, 2007. –Б. 62-63.

⁴⁴ Исоков М., Содиқов Қ., Омонов Қ. Мангу битиклар. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009. –Б. 25-26.

Мадинатул байза шаҳарларининг халқлари суғдча ва туркча сўзлаганлар. Ушбу факт икки масалага эътибор қаратишни тақозо этади: биринчидан, бу ўринда шу ўлкаларда икки тилда сўзлашувчи икки халқ яшаганлиги кўзда тутилмоқда; иккинчидан эса мазкур ўлка халқларининг(суғдак, канжак, арғуларнинг) икки тиллиги⁴⁵. Англашиладики, икки халқнинг аралаш истиқомат қилиши, ўзаро ҳамкорлиги, диний эътиқоди, мавжуд икки тиллик оқибатида сўз алмашиш жараёни юз берган. Яъни турклар тилида суғдча, суғдлар луғат таркибида туркча лексемалар қўлланилган⁴⁶. Хусусан, дostonда **ačun** (МК, I, 106) сўзи «дунё, борлиқ» маъносида келтирилган: *Bu kün ačunda kišilik aziz* – Бу дунёнинг шу кунларида кишилиқ нақадар азиз. Термин илк маротаба Турфон матнларида **azun** шаклида «мавжудлик, борлиқ» семасида ифодаланган: *Öñrä azundaqı qilinč* – Мавжудликдан олдинги фаолият (ДТС, 74). «Қутадғу билиг» асарида мазкур маъно **ačun** варианты орқали очилади: *Bu tüš tek ačuntin özüñ tärk köčär* – Бу тушдек дунёдан тез орада кўчасан (ДТС, 74). Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «ҳаёт, ердаги ҳаёт» маъносида ҳам қўлланилган: *Baqasiz erür bu ačun lazzati* – Бу дунё лаззати бебақо. «Тафсир»да сўзнинг **ajun** (4067), **ačun** фонетик вариантлари кўзга ташланади: *Tilärsizlär dunyāniñ bezäkini ya'ni ačunni* (3,2). «Муҳаббатнома»да **ačun** (292а6), «Хусрав ва Ширин»да **ajun** (33б10) шакллари кузатилади. Ўрганилаётган манбада туркий **barliğ**, арабча **dunyā** лексемалари ҳам «борлиқ, дунё» семасини англатган: *Seniñ barliğiniñğa tanuqluq berür; Bu dunyā soñida yügürmək nečä. Dunyā* ўзлашмаси «яқин бўлди, яқин жойда жойлашди» маъносини англатувчи **danā** феълидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 112).

Хитойча ўзлашмалар. Милоддан аввалги II асрда Хун давлати кучайиб, хоқонликка айланди. Шунда унинг таъсир доираси Шарқда Корея ярим оролигача, Ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Ҳимолай тоғлари,

⁴⁵ Содиқов Қ. Буёқ ипак йўли ва илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган тарихий-маданий жараёнлар // Туркшунослик тадқиқотлари. Биринчи китоб. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009. –Б. 10-11.

⁴⁶ Қаранг: Исақов М. Элементы согдийского языка в современном узбекском языке // Историко-культурные контакты народов алтайской общности: XXIX сессия РИАС. –Т.: 1986. II. Лингвистика. –М.: Наука, 1986. –С. 61-62.

Амударёнинг шимолий ҳудудларигача етиб борди. Хитойлар билан хунлар чегараси Буюк Хитой деворидан ўтган. Бу даврда Ғарб билан Хитойни боғлаб турган савдо йўллари хунлар назоратида эди. Шундан кейин Хун ҳоконлиги Ғарбий Хан империясининг шимолига ва ғарбга қараб кенгайиш йўлини тўсиб қўйди. Хитой ҳоконлари хунлар билан улар ҳудудидан ўтадиган савдо йўлларида назорат қилиш имконига эга бўлган. Марказий Осиё халқлари Буюк ипак йўли орқали Хитойга бориб савдо-сотик қилган⁴⁷. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли узра буддизмнинг ёйилиши Шарқ халқларининг маданий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини ҳам таъминлаб берди. Буни қадимги хитой-турк маданий муносабатлари, адабий алоқаларида ҳам кузатиш мумкин. Қадимги турклар орасида буддизмнинг тарқалиши, дастлаб, таржимачилик соҳасида катта бурилиш ясади. Туркий халқлар буддизм динига сиғинган чоғларда хитой тилидан қадимги туркий тилга кўплаб диний-фалсафий, тарихий, бадиий асарлар, таъбабатга тегишли китоблар таржима қилинган. Диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадиий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Хитой тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англаувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, адабиётшунослик, китобат иши ва фаннинг айрим соҳаларига доир атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади⁴⁸. Аён бўладигани, турклар билан хитойликларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари қадим тарихга бориб тақалади. Бу ҳамкорликлар натижаси ўлароқ, туркий тиллар сўз бойлигига хитойча ўзлашмалар кириб келган. Ҳ.Дадабоевнинг таъкидлашича, «Қадимги туркий сўзлар луғати»да 240 га яқин хитойча лексемалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти асосан маданий соҳага

⁴⁷ Хўжаев А. Буюк ипак йўли. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. –Б. 91-92.

⁴⁸ Содиков Қ. Буюк ипак йўли ва илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган тарихий-маданий жараёнлар // Туркшунослик тадқиқотлари. Биринчи китоб. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009. –Б. 14-15.

тааллуқлидир⁴⁹. Изланишларимиз текширилаётган манба тилида қуйидаги хитойча сўзлар истеъмолда бўлганлигини кўрсатди⁵⁰.

«Рост, тўғри», «адолатли» маънолари **čīn** лексемаси ёрдамида берилган: *Bu sözni бүтүн čīn tutar tuşmani* – Душман унинг бу хислатларини тўғри деб билади, *Dad insāf tutar čīn anuşirvaniy*. Ушбу сўз биринчи марта қадимги туркий тил ёдномалари, Турфон матнларида ифодаланган (ДТС,148). Бу сифат Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «рост», «ҳақиқий», «ҳалол, виждонли», «асл, чинакам», «ҳақиқат» маъноларини билдирган: *eşitgil sözüg irtä yalğan činiğ* – Сўзни эшитгил, ёлғон ва ростини ажратиб ол (ДТС,148).

Маҳмуд Кошғарий луғатида «ҳақиқий», «ҳалол, виждонли», «ҳақиқат» семаларида келган: *Čīn sözlar* – Ҳақиқатни сўзладилар (ДТС,148-149). Атама XIV аср Хоразм манбалари тилида «рост» маъносида истеъмолда бўлган: *...Köz uči birlä aydi kim ey čin mäh* (ХШ,4166). Достон сўз бойлигида ўзлашманинг туркий **köni** ва арабча **haqiqat**, **haq** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Ağiz til bezägi köni söz turur; Majāz boldi dostluq haqiqat qani; Biligsizgä haq söz tatıqsız erür.*

Арабча ўзлашмалар. Маълумки, ўзбек тилига арабча сўзларнинг кириб келиши Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари билан алоқадор.

Араблар VII асрнинг иккинчи ярми - VIII асрда Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг ерли аҳолига мажбурий равишда ислом динини қабул қилдирганлар. Мактаб, мадраса, масжид ва идора ишлари асосан араб ёзуви ҳамда араб тилида олиб борилган. Шу тариқа, араб тилининг китобий тил ва давлат тили бўлиб қолиш анъанаси анча вақтгача давом этиб келган⁵¹. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг араб тилини пухта ўзлаштиришига, шунингдек, ўзбек-араб икки тиллиги (билингвизм) ҳодисасининг юзага

⁴⁹ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –С. 136.

⁵⁰ Қаранг: Баскаков Н.К. К проблеме китайских заимствований в тюркских языках // Советская тюркология, 1987. – №5. –С. 176.

⁵¹ Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 42.

келишига олиб келди⁵². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, араблар ҳукмронлиги даврида араб ёзуви маҳаллий ёзувлар (туркий рун, хоразм, суғд)ни сиқиб чиқарди. Илмий ва бадиий асарлар араб тилида битилди. Натижада, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир қаторда, араб тилида ҳам ёза ва гапира оладиган бўлди. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар: Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Фарғонийлар ўз илмий асарларини араб тилида ёзганлар⁵³.

Европада латин тили бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили бўлганидек, араб тили ҳам Осиёда уч юз йил давомида шунга ўхшаш мавқеда бўлган. Бунда ўзбек, тожик олимлари, ёзувчиларининг роли жуда каттадир... Агар тожик сўзлари ўзбек халқига сўзлашув тили, адабиёт орқали ва бошқа йўللар билан ўзлашган бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин, иккинчидан, тожик тили воситасида кирган⁵⁴. Араб тилининг ўзбек тилига кириб келиши, айниқса, VII-VIII асрларда кўпроқ юз берган. XIV-XV аср эски ўзбек тилида араб тили лексикаси сезиларли қатламни ташкил этади⁵⁵. Шу боис, Навоий асарларида маълум тарихий сабаблар натижасида араб ва форс-тожик тилларидан олинган сўз ва иборалар талайгина. Шоир поэтик ва илмий асарлари тилидаги сўз бойлигининг тахминан 30-33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади, форс-тожик лексик унсурлари ҳам 18-20 фоизгача боради⁵⁶.

Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII-IX асрларда) кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилига янги сўзлар сезиларли даражада қабул қилинмаган, кейинчалик эса ўзбек тилига кирган арабча унсурлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий тилида ишлатилган кўпгина арабча сўз ва иборалар XIX аср ўзбек тилида, шунингдек, ҳозирги ўзбек

⁵² Қаранг: Щербак А. К истории узбекского литературного языка древнего периода // Академику В.А.Гордлевскому к его 75-летию. –М.: 1953. –С. 317-323.

⁵³ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 109.

⁵⁴ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида форс-тожикча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон (тўплам) –Т.: ФАН, 1968. –Б. 123.

⁵⁵ Боровков А. О языке узбекской поэзии // Общественные науки в Узбекистане. –Т.: 1961. №10. –С. 42-43.

⁵⁶ Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: 1968. –Б. 254.

адабий тилида учрамайди. Араб тилининг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрдаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча манбаларда, шунингдек, эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда фаоллашиб турди. Масалан, XX аср бошларида ўзбек тилида илмий терминлар сифатида фаол истифода этилган арабча сўзлар ана шу кейинги манбалардан олинган⁵⁷.

Юқорида қайд этилганидек, турли муносабатлар орқали араб сўзлари туркий тилларга⁵⁸ ўзлашгани каби ўз навбатида туркий лексемалар ҳам араб тили луғат таркибидан ўрин эгаллаган. Масалан, коворма, ётоқ сингари. Ҳатто **-чи**, **-лик**, **-сиз** аффикслари сўз таркибига ўтиб, арабча лексемаларга қўшилиб, янги сўзлар ясаган⁵⁹.

Тадқиқот объекти қилиб олинган ёдгорликда жамиятнинг турли соҳаларига оид арабча сўзлар мавжуд. Хусусан, **avval** ўзлашмаси илк бор «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «биринчи навбатда», «олдин» семаларида келтирилган: *Ari zahri tatqu asaldin avval* – Асал ейишдан олдин ари захрини тотиб кўриш керак (ДТС,76). XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги маъноларда ифодаланган: «биринчи, дастлаб»: *Avval koriüşkaniñ aytur* (Мн,291a11); «бошида»: *Tekmä fasl avvalında bir hadis keltürdük* (НФ,2a12); «бошқатдан, қайтадан»: *Šarbatni habib ilindän alib içtim daği umrni avvaldan hisāb etdim* (Г,121б11). Бу арабча сўз **avvalu** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани а товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: *awwalu* →аввал (ЎТЭЛ, II, 9).

«Ҳибатул ҳақойиқ» достонида «адолат» маъноси **dād** ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Dad insaf tutar čin Anuširvaniy*. Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ol čibčiq haq ta'ālā hazratindin dād tilägäy* (НФ,93б7); 2) «фиғон, нола»: *Falak*

⁵⁷ Бегматов Э. Кўрсатилган асар. –Б. 111; Қаранг: Боровков А. О языке узбекской поэзии // Общественные науки в Узбекистане. –Т.: 1961. №10. –С. 42-43.

⁵⁸ Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке. Дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1945; Иванов С.Н. Арабизмы в турецком языке. –Л., 1973; Дмитрев Н.К. Арабские элементы в башкирском языке // Строй тюркских языков. –М., 1977. –С. 189-201.

⁵⁹ Захиди А. Слова тюркского происхождения в современном арабском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Баку, 1967. –С. 7.

dādīnī alğay (XIII,11067). Бундан ташқари, ўрганилаётган асарда сўзнинг арабча **adl** синоними ҳам ишлатилган: *Āğār bolsa adliñ qatīğliq māñä*. **Adl** лексемаси **ʔadl (un)** шаклига эга; «тўппа-тўғри шаклга эга бўлди» маъносини англатувчи **ʔadala** феълининг I боб масдари бўлиб, шу феълнинг «адолатли бўлди» кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган⁶⁰.

Манбаларда қайд этилишича, агар пайғамбарликка танланган кишига бошқа кишиларнинг ақидасини – дунёқарашини тўғрилаш вазифасини юклатилса ва янги алоҳида шариат (қонун-қоидалар) олиб келса, яъни элчилик қилса, бунда кишилар «расул» деб номланади. Янги шариат олиб келмай, ўзидан аввалги пайғамбарлар шариатига амал қила туриб, инсонларни ёлғиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилишга, унга шак келтирмасликка даъват этганлар эса «набий» дейилади. Демак, расул китоб ва шариат соҳиби, набий эса ўзидан олдин келган расулнинг шариатига халқни даъват этиш билан вазифалантирилган бўлади (3). Асарда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом арабча **Расул** (элчи), арабча **Ҳабиб** (севикли, дўст) сифатлари билан тилга олинади: *Билик бил усанма бил ол ҳақ расул; Эшит эмди кач байт ҳабиб фазлытын*. **Расул** теоними даставвал «Қутадғу билиг» достонида учрайди (ДТС,476). Термин **rasūl (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ū** ни у унлисига алмаштриб қабул қилинган: **rasūl** → **расул**; кўп маъноли **rasila** феълининг «юборди» маъноси асосида ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, ўзбек тилида атоқли от сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 354). **Ҳабиб** сўзи биринчи марта «Қутадғу билиг» асарида қўлланган: *Набиб савҷи ҳаққи ўҷүн сев* – Севикли пайғамбар ҳаққи учун сев (ДТС,198). Ушбу термин «севди, кўнгил берди» маъносини англатувчи **habba** феълидан ясалган (ЎТЭЛ, II, 354).

Достон луғат таркибида Худо томонидан Муҳаммад алайҳиссалом орқали юборилган охирги диний таълимот **ислам** деб аталган: *Ғариб эрди ислам ғариб болды баз*. Даставвал «Ҳибатул ҳақойиқ»да келган бу

⁶⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). –Т.: Университет, 2001. – Б. 14-15.

лексема **islām**→**ислām** асли арабча **salima** феълининг «бўйсунди», «бош эгди» маъносини англатувчи IV боб шакли **islata** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «Оллоҳга итоат қилиш», мусулмон бўлиш, **al** артикли билан ишлатилганида эса, «ислом дини» маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг исми сифатида ҳам қўлланилади (ЎТЭЛ,II,175).

Ёзма манбада динда рухсат этилган нарсалар арабча **ҳалал**: *Арамны йэйурда ҳалал тэб йэди*; тақиқланган, рад қилинган ишлар арабча **ҳарам**: *Бахил йығды зар сим ҳарамтын өкуш* терминлари ёрдамида берилган. Ушбу атамалар дастлаб «Қутадғу билиг» асарида кузатилади: *halal ham haram* – ҳалол ва ҳаром (ДТС,198). **Ҳалал** истилоҳи **halāl (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи хутти** ундошини **ҳ** ундошига, **ā** унлисини **â** алмаштириб қабул қилинган: **halāl** → **ҳалâл (ҳалол)**; «қоидага риоя қилинди, қонуний бўлди» маъносини ифодаловчи **halla** феълидан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, араб тилида «қоидага риоя қилинган, қонуний», ўзбек тилида эса «шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган» маъносида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 569). **Ҳарам** сўзи **harām (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи хутти** ундошини **ҳ** ундошига, **ā** унлисини **â** алмаштириб қабул қилинган: **harām** → **ҳалâл (ҳалол)**; **haruma** феълининг «тақиқлади» маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, «еб-ичиш, фойдаланиш тақиқланган» маъносини билдиради (ЎТЭЛ, II, 574).

Муаллиф Худога имон келтирган кишини арабча **момин, мусулман**, қуллуқ қилиш, сиғиниш, топиниш ва унинг амалини арабча **ибадат**, тоат-ибодатни қанда қилмайдиган, художўй, тақводор инсон **абид**, тарки дунё қилган диндор киши **заҳид**, дунёга бемайл, беҳавас бўлишлик, нафсини тийишлик; тақводорлик **зухд** дея зикр этган: *Әгәр момин әрсәң тавазиъ қылын; Мусулманга мушфиқ болуб мэхрубан; Ибадат рийа болды абид мажаз; Ибадат рийа болды абид мажаз; Амал қойды алим заҳид зухд видаъ. Момин, мусулман* теонимлари илк марта «Қутадғу билиг»

достонида кўрамиз: *qatigʻ toʻminigʻ...* – барча мўминни (ДТС,347). Айни пайтда, **момин** лексемаси таҳлил қилинаётган дostonда туркий **-лык/-лик** кўшимчаси билан бирикиб от ясаган: *Моминлық нишаны тавазий эрур*.

Момин теоними **mūʻmin(un)** ўзбек тилига чўзиқ **ū** унлиси ў унлисига алмаштириб, сукукли ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **mūʻmin** → **мўмин**. Мазкур термин «содик бўлди», «ишончли бўлди» каби маъноларни англатган **ʻamuna** феълидан ясалган бўлиб, ўзбек тилида «ювош», «беозор» каби кўчма маъноларни ҳам ифодалайди (ЎТЭЛ, II, 311).

Мусулман теоними аслида арабча **муслим** сўзига тожикча **-он** кўплик кўшимчасини кўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **-он** кўшимчасининг кўплик маъносини ифодалаши уқилмай кетган; **муслимон** сўзининг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай, **сл** товушлари оралиғига **у** унлиси киритилган: **муслимон** → **мусулмон** (ЎТЭЛ, II, 297).

Bibādat → **ибāдат** «сиғинди», «сажда қилди» маъносини англатувчи **ʻabāda** феълининг I боб масдари бўлиб, «сиғиниш», «Оллоҳга қуллуқ қилиш» маъносини билдиради (ЎТЭЛ, II, 154).

Арабча **абид ʻābid (un)** шаклига эга; араб тилига чўзиқ фатҳали **айн** товушини **â** га алмаштириб қабул қилинган: **ʻābid** → **âбид (обид)**; **ʻabada** феълининг «сиғинди» маъноси билан ясалган (ЎТЭЛ, II, 335).

Заҳид истилоҳи **zāhid (un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ **â** унлисини **â** алмаштириб қабул қилинган: **zāhid** → **zâҳид (зоҳид)**; асли кўп маъноли **zahada** феълининг «ҳар қандай истакни тарк этди», «кишилар билан мулоқотни тарк этди» маънолари билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 151).

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида арабча **этиқад** илк бор «Худога ишониш, имон» маъносида ишлатилган: *Ким эрсэ бу төрт эшкэ бад этиқад*; **рахмат** сўзи эса «марҳамат, мурувват» семасида қўлланишда бўлган: *Уган раҳмат этсун бу саъат аңа*. Мазкур теоним биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келтирилади: *Seniñ rahmatinda bu yazuq az-oq* – Сенинг марҳаматинг олдида бу гуноҳ оздир (ДТС,476).

Этиқад истилоҳи **ʔiṭiqāt (un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани э товушига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сукунли айн ўрнига **ъ** (айириш) белгисини қўйиб қабул қилинган: **ʔiṭiqāt** → **эътиқад** (эътиқод). Бу сўз асли «боғлади» маъносини англлатувчи **ʔaḡada** феълининг VIII боб масдаридан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,515).

Раҳмат арабча **rahmat (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **х** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **rahmat** → **рахмат**; «рахм-шафқат қилди» маъносини англлатувчи **rahima** феълининг I боб масдари бўлиб, араб тилида «рахм-шафқат» маъносини билдиради; ўзбек тилида эса бу сўз асосан «ташаккур» семасида ишлатилади (ЎТЭЛ,II,357).

Достонда эзгу, яхши амаллар арабча **саваб**: *Қалур сабр изиси савабын тутуб*; Адолат ва виждон билан иш тутиш **инсаф**: *Дад инсаф тутар чин ануширвани* теонимлари билан берилган. **Саваб** «Қутадғу билиг» достонида айна маънода қайд этилган: *Javab qilsa bermiş söziñä savab* – Яхши жавоб берса, сўзига бермиш савоб (ДТС,492). **Инсаф** сўзи **ʔinṣāf (un)** шаклига эга; ўзбек тилига касрали ҳамзани **и** товушига, **сад** ундошини **с** ундошига, **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ʔinṣāf** → **инсâф**; «икки тенг бўлакка бўлди» маъносини англлатувчи **naṣāfa** феълининг «адолат ва виждон билан иш тутиш» маъносини ифодаловчи IV боб шаклидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,170). **Саваб** теоними **ṣavāb (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **се** ундошини **с** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **ṣavāb** → **савâб**; **ṣāba** феълининг «муқофотлади, тақдирлади» маъноси асосида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,366-367).

Асарда «сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган нарса» маъноси **аманат** сўзи ёрдамида ёритилган: *Қаны аҳд аманат қаны эзгүлүк*. Мазкур атамага даставвал «Қутадғу билиг» асарида дуч келамиз: *Āmānat bilä bolsa köñli süzük* – Омонат билан кўнгли покланса (ДТС,75). **ʔamānat**→**âmâнат** сўзи асли «хавф-хатардан холи бўлди» маъносини англлатувчи **ʔamina**

фёшлининг 1 боб масдари бўлиб, араб тилида «ишончлилик», шу маънодан ўсиб чиққан «сақлаш учун ишониб топширилган нарса» ва бошқа семаларни билдиради (ЎТЭЛ, II, 343).

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида мусулмонларнинг жам бўлиб, намоз ўқийдиган ибодатхонаси арабча **масжид**: *Хараб болды масжид бузун бэнамаз*; Худога илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун эзгу тилак тилаш **дуа**: *Мэңә адйә қылсу дуа тэб сэни*; Худо, пайғамбар ва халифалар, шоҳлар шаънига айтиладиган мактов **ҳамд**: *Илаҳий өкуш ҳамд айур-мэн сэңә* теонимлари орқали ифода қилинган.

Масжид теоними **maçid (un)** шаклига эга; **saçada** фёшлининг «сиғинди» маъноси билан ясалган (ЎТЭЛ, II, 240).

Дуа сўзи **duʻāʼ (un)** шаклига эга; ўзбек тилига чўзиқ фатҳали **айнни â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги ҳамзани ташлаб қабул қилинган: **duʻāʼ** → **дуа**. Бу кўп маъноли **daʻā** фёшлининг «илтижо қилди» маъноси билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 112).

Ҳамд сўзи **hamd (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **ҳойи ҳутти** ундошини **х** ундошига қабул қилинган: **hamd** → **ҳамд**; **hamada** фёшлининг «мақтади» маъноси билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 571).

Ўрганилаётган манбада «Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш» маъноси арабча **сабр**, «узр билан ёлвориш, ялиниш» семаси арабча **тазарру**, «тақдир, қисмат» маъноси арабча **қаз** теонимлари орқали очиб берилган: *Бала кэлсә сабр эт фарраҳқа кутуб*; *Қозуб тилгә йукнуб тазарру*; *Қаза бирлә санчлур азаққа тикән*.

Сабр сўзи **ṣabr (un)** шаклига эга; ўзбек тилига **сад** ундошини **с** ундошига алмаштириб қабул қилинган: **ṣabr** → **сабр**; кўп маъноли **ṣabara** фёшлининг «тоқатли бўлди» маъносини билан ҳосил қилинган. Бу сўз билан ўзбек тилида **сабрли**, **сабрсиз** сифатлари, **сабрсизлик** оти ясалган, **сабрсизлан-** фёшли, **сабр-бардош**, **сабр-тоқат**, **сабр-қаноат** жуфт сўзлари тузилган; тожикча **-и** қўшимчаси билан **сабри** сўзи ҳосил қилинган бўлиб, аёл кишининг исми, антропоним сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 170).

Тазарру термини **taḍarruъ(un)** шаклига эга; ўзбек тилига **дзад** ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ī** унлисини **и** унлисига алмаштириб қабул қилинган: **taḍarruъ** → **тазарру**; «муте бўлиб илтижо қилди» маъносини билдирувчи **daruъa** феълидан ясалган. Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **тавба-тазарру** жуфт сўзида қатнашади (ЎТЭЛ,II,407).

Қаза истилоҳи **qāḍāъ(un)** шаклига эга; ўзбек тилига **дзад** ундошини **з** ундошига, чўзиқ **ā** унлисини **â** унлисига алмаштириб, сўз охиридаги **айнни** ташлаб қабул қилинган: **qāḍāъ** → **қазâ** (казо); кўпмаъноли **qāḍā** феълининг «тугатди, йўқ қилди» маъносини билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,522).

Демак, маълум бўладики, муаллиф шеърий матнларда келтирилган оятлар ва ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини тушунарлироқ қилиб ёритиш учун нафақат туркий теонимлар, шунингдек, арабча лексемалардан ҳам ўз ўрнида фойдаланган. Айтиш керакки, дostonда қўлланган теонимларнинг аксариятини арабча истилоҳлар ташкил этади ва уларнинг айримлари дастлаб ўрганилаётган манбада кўзга ташланса, кўпчилиги илк марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида қўллана бошлаган. Бу эса, ўз навбатида, қорахонийлар даврида ислом динининг кенг қулоқ ёйгани, асарда синонимик қаторлар вужудга келганидан далолатдир.

Форсий ўзлашмалар. Тарихдан яхши аёнки, Ўрта Осиё худудида азалдан туркий аҳоли истиқомат қилган. Ўрта Осиё – Икки дарё оралиғида қадимдан форсий тилда сўзлашувчи аҳоли туркийлар билан биргаликда яшаб келган. Улар Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида (мил.авв. VI-IV асрлар) катта таъсирга эга бўлган бўлса, уларнинг кейинги йирик оқими Мовароуннаҳр худудларига араблар билан бирга кириб келди⁶¹. Шу тариқа, туркийлар билан эронийзабон⁶² аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий, маданий алоқа ва қўшилиб кетиш ҳоллари юз берган.

⁶¹ Яхшиев А. Этногенез, ёзув, тил ва тарих // Жамият ва бошқарув. –Т.: 2006. №4. –Б. 23-26.

⁶² Нигматов Х. Махмуд Кашгарский о взаимовлияния тюркских и иранских языков // Иранская филология: Краткое изложения докладов научной конференции, посвященной 60-летию проф. А.Н. Бондырева. –М., 1969. –С. 101-104; Султанов Б. Арабско-персидские заимствования в «Қутадғу билиг» Юсуфа Баласағунского // Советская тюркология, 1981. –С. 14-19.

Турли этник қатламларга мансублигидан қатъи назар, Ўрта Осиё халқлари асрлар давомида деярли бир хил ижтимоий-сиёсий шароитда яшаганлар, ишлаб чиқаришда бирга қатнашганлар, зулм ва зўрликка биргалашиб курашганлар. Бундай маданий-адабий алоқалар халқларнинг бир-бирига янада яқинлашувига, ҳамкорликларининг мустаҳкамланишига олиб келган⁶³.

Профессор Э. Бегматовнинг ёзишича, туркий уруғ ва қабила тиллари, жумладан, ўзбек халқи тилининг эроний тиллар билан алоқаси уч даврий хусусият билан характерланади:

1. Туркий уруғ, қабила тилларининг қадимий эроний қабила ва уруғ тиллари билан алоқаси ва қўшилиши (қадимий даврларда).
2. Ўзбек тилининг форсий тил билан (IX-X, XI-XV асрлар) алоқаси.
3. Ўзбек тилининг маҳаллий тожик шевалари ва тожик халқ тили билан алоқаси (қадимдан то ҳозиргача)⁶⁴.

Дарҳақиқат, бу халқларнинг ёнма-ён яшаши, ўзаро муносабатлари ва яқинлашуви, бир-бирига таъсири натижасида икки тиллилик юзага келган⁶⁵.

Сомонийлар даврида (IX-X асрлар) классик форсий адабий тил кенг тарқала бошлади. Форсий адабий тилда бу даврда (VII-VIII асрларда) фан ва адабиёт соҳасида, шунингдек, юридик соҳада ҳукмронлик қилган араб тилини сиқиб чиқара бошлайди. Бундай кураш дастлаб XI асрда форс-тожик тилининг араб тилини шеърийдан сиқиб чиқаришига сабаб бўлади⁶⁶.

Афғонистон ва Эрон ҳудудларида давлат тили ҳамда адабий тил дарий тили эди. Ғазнавийлар ва салжуқийлар аслида туркий қатламлардан бўлсалар ҳам улар Сомонийлар анъанаси изидан бориб, дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларга, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ҳамда Арманистон)га, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига дарий тилини давлат тили ва адабий

⁶³ Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: ФАН, 1977. –Б.159.

⁶⁴ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: ФАН, 1985. –Б. 105-106.

⁶⁵ Қаранг: Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. –Т.: ФАН, 1983. –168 с.

⁶⁶ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида форс-тожикча ва арабча сўзлар / Навоийга армуғон. –Т.: ФАН, 1968. –Б. 110.

тил сифатида олиб кирдилар. Улар қарам қилинган ўлка халқларининг адабий тили тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Масалан, салжукий подшолари ва уларнинг вассаллари Озарбайжонда шундай сиёсат юргизган. Шунинг учун ҳам улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида ўз асарларини она тили – озарбайжон тилида ёзолмай, форс тилида ёзишга мажбур бўлганини ачиниш билан таъкидлаган эди⁶⁷. Ўрни келганда эътироф этиш керакки, XIV-XV асрларда туркигўй адиблар форс-тожик тилини яхши билганлар ва ҳар иккала тилда ижод қилганлар. Демак, форсий сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашишида қуйидаги омиллар муҳим роль ўйнаган: а) ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир (ёки қўшни) ҳудудда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий муҳитда яшаб келаётганлиги; б) ўзбек-тожик ва тожик-ўзбек икки тиллигининг (биллингвизмининг) кенг тарқалганлиги; в) тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги; г) Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида форс-тожик тилининг алоҳида мавқега эга бўлганлиги; д) адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик⁶⁸.

Алишер Навоий асарлари лексикасида 5489 та форсий сўз қўлланган бўлса⁶⁹, «Қисаси Рабғузий» асарида 321 та форсий, арабча ва форсий ўзлашмалардан ясалган 9 та форсий (масалан, *nāmustaqim* (2v15) – «нопок», *nāumid* (102r20) – «умидсиз», *sajdagāh* (135v15) – «саждагоҳ», *ammuzāda* (128v20) – «амакивачча», *halālzāda* (244r16) – «хайрли авлод») лексема ишлатилган⁷⁰.

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **āzād** (Тафсир, 13662) ўзлашмаси «эркин, хур» маъносини англатган: *Tözü qul qilurlar azad özlärin*⁷¹. XIV аср Хоразм ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдирган: а) «эркин, хур»: *Xoja zanjir*

⁶⁷ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри. –Т.: ФАН, 1976. –Б. 98.

⁶⁸ Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. –Б. 55.

⁶⁹ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –Б. 155.

⁷⁰ Абдушукуров Б. Эски туркий тил лексикаси. –Т.: , 2015. –Б. 82.

⁷¹ Мисоллар Қозокбой Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

ičindä qul āzād (Г,148a2); б) «кулликдан озод этилган шахс»: *Taqī Abubakrnuq āzādī bir erdi* (НФ,12612).

Достонда «адолат» маъноси **dād** ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Dad insaf tutar čin Anuširvaniy*. Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ol čibčuq haq ta'ālā hazratindin dād tilägäy* (НФ,9367); 2) «фигон, нола»: *Falak dādini alğay* (ХШ,11067).

Бундан ташқари, ўрганилаётган асарда сўзнинг арабча **adl** синоними ҳам ишлатилган: *Āgār bolsa adliq qatiglıq meñä*. **Adl** лексемаси **ʔadl (un)** шаклига эга; «тўппа-тўғри шаклга эга бўлди» маъносини англатувчи **ʔadala** феълининг I боб масдари бўлиб, шу феълининг «адолатли бўлди» кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,14-15).

Асарда **dost** ўзлашмасининг «дўст, муҳиб» маъносида истифода этилганлигига гувоҳ бўлдик: *Min er dostuq ersä üküš körmägil*. Шу билан бир қаторда, туркий **eš**, арабча **habib** синонимлари ҳам қайд қилинган.: *Ešit emdi qač bayt habib fazlidin; Nečä ma inančliq eš ersä yaqin*. **Habib** ўзлашмаси «севди, кўнгил берди» маъносини англатувчи **habba** феълидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,59).

Rāz ўзлашмаси ёрдамида очиб берилган «сир» тушунчаси биринчи марта Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида кузатилади: *Qatig kizlä rāzin kiši bilmäsün*. Лексема XIV асрда Хоразм ҳудудида битилган манбалар луғат таркибида ҳам айна семада кўзга ташланади: *Nišānsizdan xabarsiz ne degäy rāz* (Г,5a1). Текширилаётган манбада мазкур истилоҳнинг арабча **sir** маънодоши ҳам учрайди: *Ešim dep inanip sir auma*. **Sirr**→**сир** атамаси **sarra** феълининг «махфий гап, ишдан хабардор қилди» маъноси билан ҳосил қилинган масдар бўлиб, «махфий гап, иш, нарса» каби маънони ифодалайди. Ўзбек тилида бу сўздан **сирли** сифати, бироз сунъий туйиладиган **сирлаш-** феъли ясалган (ЎТЭЛ,II,386).

Аҳмад Югнакий **xuš** ўзлашмасини «яхши, дуруст» маъносида қўллаган: *Ārif raqs čiqarib etär xuš sama'*. Ушбу сўз XIV аср Хоразм манбаларида «қувонч»: *...Xuš içkil rāhnī rayhān içindä* (Мн.,29467), «яхши, дуруст»: *Xuš*

aytti pardadār ewdā kiši yoq (Г,156а3) маъноларида учрайди. Кези келганда айтиш лозимки, текширилаётган ўзлашма янги сўзлар ҳосил қилишда ҳам иштирок қилган: *Yürügil tilägil özün xušluğın*. Бу сифат ПРСда *хош* шаклида, ТЖРСда *хуш* шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; «яхши», «ёқимли», «келишган» каби маъноларни англатади. Бу сифатдан ўзбек тилида *хушла-* (ёқтир-) феъли ясалган (ЎТЭЛ,III,246).

Ўрганилаётган манбада **baxšiš** сўзи «*бағишлов*», **darmān** ўзлашмаси «*даво*» маъносини англатган: *Aniñ baxšišidin bulut uftanur; Em saxasī mukarim yigā darmāni*. Ҳар иккала лексема «Ҳабатул ҳақойиқ» асарида илк бор кўзга ташланади. **Baxšiš** сўзи «совға тарзида бер» маъносини англатган *бахшидан* феълидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,III,24). **Darmān** оти ПРСда *дәрман* шаклида келтирилиб, «дори», «даволаш» маъноларини англатиши, ТЖРСда *дармон* шаклида «дори», «куч», «мадор» маъноларини англатиши айтилган. Бу отдан ўзбек тилида *дармонсизлик* оти, *дармонсизлан-* феъли ҳосил қилинган, *дармонга кир-*, *дармони қуриди-* иборалари тузилган (ЎТЭЛ,III,79).

Достонда **zinhār** атамаси «асло, сира», **guhār** истилоҳи «қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар» семасида ишлатилган: *Heč uluğsınma zinhār uluğ bir bayat; Guhartin söz aymış azin söz biši*. Кейинги ўринда қайд этилган ўзлашма дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида **gavhar** тарзида ифодаланган: *kumuš gavhar altun baqir* – кумуш, гавҳар, олтин, мис (ДТС,195). **Zinhār** ўзлашмаси тожик тилида «кечирим», «ҳимоя», «албатта», «ҳеч шубҳасиз», «ҳеч қачон» маъноларини англатади; ўзбек тилида бир маънони – «асло, мутлақо» маъносини англатиш учун хизмат қилади (ЎТЭЛ,III,106).

Таҳлиллар натижасида асарда **maza** «лаzzат, тот», **pur** «тўла» сўзлари ҳам қўлланишда бўлганлигига гувоҳ бўлдик: *Bu ačun mazasī qatiğliq maza; Yoqataqqa yumšaq içi pur ağu*. Достонда **maza** ўзлашмасининг арабча **lazzat** синоними ҳам келтирилган: *Baqāsiz erür bu ačun lazzatī*. **Lazzat**→лаzzат «хуштаъм бўлди» маъносини англатувчи **lažza** феълидан

-at(un) қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, «хуштаъмлилиқ», «роҳат», «гашт» маъноларини билдиради. Бу сўздан ўзбек тилида **лаззатли**, **лаззатлан**- лексемалари ясалган (ЎТЭЛ,II,206).

Аҳмад Югнакий туркий **tümän** сўзи билан бир пайтда форс-тожикча **hazār** ўзлашмасига «минг», *бугунги кунда* «мустақил бир оила, хўжалиқ», «тирикчилик учун зарур анжом-ашёлар» семаларини билдирган **rozgār** лексемасига «давр, замон» маъносини юклаган: *Valekin içindä hazār nāxuši; Seniñ rozgāriñ bu köñülçä qilin.* **Rozgār** «кун» маъносини англаган тожикча *pūz* отига *-gar* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *z* товушини *z* ундошига, шундан кейинги *a* товушини *o* товушига алмаштириб олинган (ЎТЭЛ,III,202).

Асарда муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот **unar** деб юритилган: *Ne yazdī ačunğa bu sāhib unar.* Мазкур ўзлашма янги сўзлар ҳосил қилишда ҳам фаол иштирок этган. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: *Unarliqqa ačun vafāsizraq ol; Unarča* (юкунуб, таъзим (хунар ва маҳорат) билан) *ayuayin yari ber meñä.* Бу от ПРСда *honär* шаклида, ТЖРСда *хунар* шаклида келтирилган. ўзбек тилига тожикча шакли олинган; асли «лаёқат», «санъат» маъноларини англатади; кейинчалик «касб» маъносини ҳам англата бошлаган (ЎТЭЛ,III,280).

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» достонидаги форс-тожикча лексик бирликлар билан Қорахонийлар даври ва XIV аср Хоразм манбаларида қўлланилган сўзлар қиёсий таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият истилоҳлар ўзининг туб маъносида учрайди, баъзиларида эса маъно кенгайиши ҳодисаси кузатилади. Форсий ўзлашмаларнинг муайян қисми *-liğ/ -liğ// -liq/-lik// -luğ/-lüg// -luq/-lük*, *-ča* сингари қўшимчалар билан бирикиб, янги сўз ҳосил қилган ва улар туркий лексемалар билан баравар қўлланилган. Бу эса синонимларни шакллантириш баробарида асар мазмунининг ранг-баранглигини таъминлаган.

Боб бўйича хулосалар

«Ҳибатул ҳақойиқ» асари лексикасини генеологик жиҳатдан таҳлил этиш натижалари қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келиш имконини беради:

1. Достон луғат таркибининг ўз қатлами туб (ўзак) сўзлар, улар ёрдамида ясалган ҳамда ўзлашмалардан туркий аффикслар орқали ҳосил қилинган лексемалардан иборат бўлиб, улар асар сўз бойлигининг асосини ташкил этган.

2. Асар лексикасининг бойишида ички имкониятлар, яъни туркий қўшимчалар воситасида сўз яшаш усули муҳим ўрин тутиб, бунда исмлардан от, **-luğ/-lüg // -liğ/-lig // -liq/-lik // -luq/-lük** асосан, исм, сифат, феъллардан от ҳамда исмлардан сифат, **-k // -uq/-ük // -uğ/-üg // -aq/-ağ // -iğ/-ig // -iq/-ik** феъллардан от, **-süz/-siz // -suz/-süz** отлардан сифат яшашда фаол қатнашади ва сермахсул аффикслардан саналади.

3. Арабча ва форсий ўзлашмаларнинг муайян қисми **luğ/-lüg // -liğ/-lig // -liq/-lik // -luq/-lük, -süz/-siz // -suz/-süz** сингари қўшимчалар билан бирикиб, янги сўз ҳосил қилган ва улар туркий лексемалар билан баравар қўлланилган.

4. Тадқиқот объекти қилиб олинган манбада истифода этилган ўзлашма қатламга доир сўзлар лексик фонднинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ҳамда тилдан ташқари – экстралингвистик омилларни кузатишда муҳим аҳамиятга эга.

5. Достонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар орқали ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида юз берган ўзгаришлар натижасида юзага келган янги тушунчаларни ифодалаш учун санскрит, суғд, хитой, араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларнинг аксарияти моносемантик лексемалар ҳисобланади.

6. Асарда қайд этилган ўзлашма қатламга оид лексик бирликлар билан қадимги туркий тил ва қорахонийлар даври манбаларида қўлланилган сўзлар қиёсий таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият истилоҳлар ўзининг туб маъносида учрайди.

III БОБ. «ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тилдаги мавжуд ҳар бир сўз ҳаёт талабига мувофиқ тарзда турли йўллар билан ҳосил бўлади. Сўз тил бойлигининг асосий бирлигидир. Тил орқали фикр билдиришга киришилар экан, сўз материал вазифасини бажаради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, сўз ўз маъноси билан берилаётган фикр учун асос, пойдевор ҳисобланади. Сўзнинг юзага келишида эса бирламчи ўринда маъно туради. Шунинг учун ҳам сўз маъносини тадқиқ этиш қадим-қадимларга бориб тақалади⁷². Бинобарин, лексемаларни диахрон жиҳатдан ўрганиш тилнинг ривожланиш босқичларини, уни яратувчи халқ тарихини ёритишда алоҳида эътиборга молик. Шу боис ҳам тарихий жараёнлар сўз маъноларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Одатда, фан ва техниканинг такомиллашуви натижасида пайдо бўлган атамаларнинг муайян қисми сўзларни янги маънода қўллаш ёрдамида ҳосил қилинган. Кези келганда айтиш жоизки, сўз маъноси истеъмол доирасининг кенгайиши, маъно оттенкасидаги ўзгаришлар ҳам тил таракқиётида ўзига хос мавқени эгаллайди.

Сўзларнинг янги маънолар билан бойиб бориши қонуний жараён ҳисобланади. Лингвистик ҳодисалар устидаги кузатишларимиз сўзларнинг янги маъно билан бойиши тил ривожига катта мавқени эгалловчи асосий хусусият эканини исботлайди. Чунки лексемага сўнг юкланган маъно тилда янгидан пайдо бўлган мустақил сўз каби луғат бойлигига улкан ҳисса қўшади, унинг ривожланишига хизмат қилади. Жумладан, бир лексема маъносининг ўзгариши, янги маънода қўлланиши, истеъмолдан чиқиши, унинг пассивланиши, фаоллашиши бошқа сўзларга таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан, сўз маъносини тарихий асосда текшириб аниқлаш янги сўзларнинг юзага келиш қонуниятларини очиб беришда, айниқса,

⁷² Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 3. Қаранг: Звегинцев В. Семасиология. –М.: Изд-во Московского университета, 1957. – 320 с.

аҳамиятлидир⁷³. Демак, сўз маъносини ўрганиш тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бўлиб, у, бир томондан, лексеманинг келиб чиқиш моҳиятини ёритса, иккинчидан, диахрон аспектда тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Маълумки, сўз жамият таракқиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, янги маънолар касб этади, маъно қирраларини вужудга келтиради. Пайдо бўлган сема ёки маъно нозикликлари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, умумхалқ тилидан мустаҳкам ўрин олади. Шу ўринда сўз семалари ва маъно нозикликлари ўртасидаги семантик боғланиш ҳамда чегарани фарқлаш, уларга тўғри изоҳ бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир сўз ўрни билан бир-бирига яқин ёки бир-биридан узоқроқ тушунчаларни ифодалаш мумкин. Яқин тушунчалар ифодаси сўзнинг маъно нозиклигидир, узоқроқ тушунчалар эса сўзнинг мустақил маъносидир. Маъно нозикликлари билан мустақил маънолар ўртасидаги семантик боғланиш яққол сезилиб туради, аммо мустақил маънолар ўртасидаги боғланиш унчалик сезилмайди. Сўзнинг маънолари ва маъно нозикликлари унинг ўз (асл) маъноси бўлиши ҳам мумкин, кўчма маъноси бўлиши ҳам мумкин⁷⁴. Маънолар тил системасидан хабардор барча кишилар учун барқарор ва умумийдир. Қўлланиш эса сўз маъноларидан бирининг баъзан индивидуал тарзда, айрим ҳолларда маълум даражада кишилар томонидан ишлатилиши мумкин бўлган ҳолат ҳисобланади⁷⁵.

Сўз маъносининг ривожланиш қонунларини текшириш, сўзларнинг омонимлик, синонимлик, паронимлик, антонимлик ва кўпмаънолилик хусусиятларини ўрганиш тилнинг луғат бойлигини аниқлашга, турли луғатлар тузиш ишларига катта ёрдам беради⁷⁶. Тилнинг ифода режасида бир-бирига қарама-қарши ҳолатларни, миқдорий ўлчамлардаги зиддиятларни кўриш мумкин. Масалан, фразеологизмлар ва синонимияда ифода бирликлари мазмун бирликларидан кўп бўлса, полисемия ва омонимияда бунинг аксини кўрамай. Бунда шаклан бир хилликка эга бўлган луғавий

⁷³ Муталлибов С. Морофология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: ФАН, 1959. –Б. 167.

⁷⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. –Т.: ФАН, 1964, –Б. 46.

⁷⁵ Виноградов В.В. Русский язык. –М. –Л., 1947. –С. 21.

⁷⁶ Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 66.

бирликлар икки ва ундан ортиқ маъно билан иш кўради. Икки ва ундан ортиқ маъно бир шаклга тўғри келиши ҳолларини матн бартараф этади⁷⁷. Шу маънода, лексик-семантик жараёнлар (полисемия, омонимия, синонимия, антонимия) умумидабий тилдаги каби биз тадқиқ қилаётган «Ҳибатул ҳақойиқ» достонида қўлланилган лексик бирликлар тизимида ҳам юз берган. Қуйида ушбу ҳодисаларнинг ҳар бири хусусида алоҳида фикр юритамиз.

3.1-§. Достон лексикасининг полисемантик хусусиятлари

Сўзнинг кўп маъно англатиши тилда мустақил тизим бўлиб, у ҳодиса умумий тилшунослиқда **полисемия** термини билан номланади. Сўз дастлаб бир маънони аташ учун қўлланилиб, даврлар ўтиши ва турли лингвистик таъсирлар воситасида бир неча маънони билдиради. Полисемия бир туркум доирасида лексик маънолардан таркиб топиши, уларнинг ўзаро боғлиқ бўлиши, маъноларнинг айна сўзнинг ўзига оидлиги билан бошқа ҳодисалардан ажралиб туради⁷⁸.

Туркологияда кўп маъноли сўзлар бир қатор ишларда ёритилган⁷⁹. Шу боис, достон тилидаги полисемия ҳодисасини тадқиқ этишда мазкур анъанага таяндик.

Сўз маъноларини ўрганишнинг хилма-хил йўллари бор. Шулардан бири сўзнинг семантик структурасини маъноли қисмларга ажратиб таҳлил

⁷⁷ Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –Б. 18.

⁷⁸ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: ФАН, 1975. –Б. 47.

⁷⁹ Аликулов Т. Полисемия имен существительных в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т., 1966; Абдурахманов И. Полисемия и антонимия в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т., 1973; Рзаева К.Г. Многозначность имен прилагательных в современном азербайджанском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Баку, 1974; Назаров А. Полисемия в туркменском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Ашхабад, 1974. –24 с.; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т., 1974; Кўчкортосев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т.: ФАН, 1977; Хамидов З. Лексико-семантические и лингво-поэтические исследования языка «Лисан ат-гайр» Алишера Навои. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1982; Насыров И. Лексика «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои // Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: ФАН, 1990. –С. 87-140; Жумаев А. XV аср номалари тили лексикасининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. –Т.: 1994. –23 б.; Стернина М. Лексико-грамматическая полисемия в системе языка Опыт разработки интегральной теории полисемии. Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. –Воронеж, 1999. –37 с.; Шестаков О. Полисемия терминов медицинских наук. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Краснодар, 2000. –19 с.; Лебедева Т. Полисемия в русских народных говорах: на материале имен существительных. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –СПб., 2002; Кидирниязова М. Полисемия в ногайском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Махачкала, 2003; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. –Т.: ФАН, 2007. –176 б.

килишдир. Кўп маъноли лексемаларнинг ҳар бир семемасини семаларга ажратиб тадқиқ этиш уларнинг лексик маъносини нисбатан аниқ белгилашга ёрдам беради. Семеманинг мазмуни фақат лексик маънодангина иборат бўлмайди, унга стилистик, нутқий хосланиш каби белги-хусусиятлар киради, булар барчаси биргаликда семантик структурани ташкил қилади⁸⁰.

Сўзнинг лексик маъноси умумий ва фарқловчи семаларнинг ўзидангина ташкил топмайди. Лексик маъно таркибида иккинчи даражали, ҳатто факультатив семалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай семалар қўшимча семалар деб юритилади⁸¹. Маълумки, тилшуносликда лексик маънолар бош ва ҳосила маъноларга ажратилади. Бош маъно лексеманинг бошқа маънолари тараққиётига асос бўлади. Шу ўринда унутмаслик керакки, ҳосила маъноларнинг ҳаммаси ҳам бош маънога боғланиши шарт эмас.

Сир эмаски, нутқимизда кўпгина сўзлар бир неча семемаларда ишлатилади. Муайян лексема ифодаладиган маънолар йиғиндиси мазкур сўзнинг семемалар мундарижасини ташкил этади. Семема тил бирлиги сифатида абстракт ҳодиса. Семема нутқда бошқа лексемалар (семемалар) қуршовида келади. Мана шундай қуршов лексик қуршов дейилади⁸².

Сўзнинг маъносини нутқдан ажратиб алоҳида тадқиқ қилиб бўлмайди. Чунки лексик қуршов сўз маъноларини очиқ беришга кўмаклашади. Ҳар бир сўз ўзига хос лексик қуршовга эга бўлиб, у билан семантик ва грамматик жиҳатдан боғланади. Шу боис, лексик қуршов табиатини ўрганмасдан туриб, сўз маъноларини аниқлаш мушкул. Кўп маъноли лексемалар семаларини бир-биридан фарқлаш учун уларнинг лексик қуршови ҳам қиёсланади. Натижада семемаларнинг мустақиллик даражаси белгиланади.

Полисемияда сўзнинг лексик маънолари ўзаро елпиғичсимон ва занжирсимон кўринишда боғланади. Бу кўринишларнинг иккиси ҳам бир полисемантик сўзда учраб, мураккаб кўринишдаги боғланишни юзага келтиради. Уларнинг ўзаро қайси кўринишда боғланиши бошқа лексик

⁸⁰ Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1978. №4. – Б. 56.

⁸¹ Қўчқортөев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т.: ФАН, 1977. –Б. 34.

⁸² Реформатский А. Введение в языковедение. –М.: Наука, 1967. –С.107.

маъноларнинг бош маънога воситали ёки бевосита боғланиши билан алоқадордир⁸³. Полисемантик лексема қанча маънога эга бўлмасин, битта сўз саналади. Яна шуни айтиш керакки, кўп маънолилик, асосан, матнда яққол кўзга ташланади. Яъни полисемантик лексик бирликлар қанчалик кўп бўлса, матн ҳам шунчалик ранг-баранг, жозибадор ҳисобланади. Буни «Ҳибатул ҳақойиқ» асари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Достон лексикасини тарихий жиҳатдан ўрганиш жараёнида ёдгорликда қўлланилган лексик бирликларнинг кўпчилиги полисемантик сўзлар ҳисобланиб, моносемантик бирликлар ҳам ўз ўрнига эга эканлигининг гувоҳи бўлди. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида **biliglig** сўзи «билимли», «доно, олим» семаларини англатган: *Biliglig bögülär sözin tınlağu* – Билимли донолар сўзини тинглаган маъқул; *Biligsiz bedük bolsa, davlat bilä biliglig bedükräk kü çav at bilä* – Нодон мол-давлати билан буюк бўлса, доно ундан шон-шухрати билан буюкроқдир (ДТС,100). Тадқиқот объекти қилиб олинган достонда мазкур лексема ўз маъноларини давом эттирган: «билимли»: *Biliglig er öldi atı ölmädi*; «доно, олим»: *Aya dost biliglig izin izlägil*.

Saqin- феъли Култегин битигтошида «хафа бўлмоқ», «безовта бўлмоқ», «Олтун ёруғ» ва Турфон матнларида «ўйламоқ» маъноларини билдирган (ДТС,486). «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида эса «ўйламоқ»: *Ol işniñ oñini soñini saqin*; «эҳтиёт бўлмоқ»: *Ešim teb inanib sir ayma saqin*; «сақланмоқ»: *Asiqsiz jadal ham mizajtın saqin* каби семаларда қўлланган. Ушбу сўз Турфон матнларида ишлатилган «ғамхўрлик қилмоқ» маъносидаги **saqi-** (ДТС,486) феълидан ҳосил бўлган.

Қадимги туркий тил ва «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк» асарларида⁸⁴ а) «олмоқ», б) «эга бўлмоқ», в) «керагини олмоқ», г) «хотин олмоқ», д) «сотиб олмоқ», е) «тортиб олмоқ», ё) «тутмоқ», ж) «ишғол

⁸³ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 186.

⁸⁴ Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. –С. 32.

қилмоқ» (ДТС,32) каби маъноларда истифода қилинган **al-** (Тафсир,12964) ҳаракат феъли «Ҳибатул ҳақойиқ»да қуйидаги семаларни билдирган:

1. «Бирор нарсани ушлаб ёки тутиб қўлга киритмоқ» маъносида қўлланишда давом этган: *Aniñ sattī mālin sana aldi köp.*

2. «Кўнгил овламоқ, таскин бермоқ»: *Tiril ezgü fe'lin köñüller alib.*

3. «Намуна, ибрат олмоқ»: *Baqiğli, oquğli asüğ alsu(v) teb.*

4. «Қулоқ тутмоқ»: *Yimä pandim alğil ozatma amal.*

«Бирор нарсани ушлаб ёки тутиб қўлга киритмоқ» ўрганилаётган феълнинг дастлабки маъноси бўлиб, қолганлари ҳосила маънолар⁸⁵ ҳисобланади.

Турфон матнларида **asiğ** «фойда» маъносини англатган: *Yunt kündä asiğ bolur* (ДТС,60). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «наф», «фойдали» семаларини билдирган: *Öküş sözdä artuq asiğ körmädim* – Кўп сўзлашда фойда, наф кўрмадим (ДТС,60). Қайд этилган сўз «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида «даромад», «манфаат, ижобий натижа» маъноларида қўлланишда давом этган: *Tavar asiğ nemiş barursan yaliñ; Baqiğli, oquğli asiğ alsu tep.* **Asiğ** «кўпайтирмақ, қўшимча қилмоқ» маъносидаги **aš-as-** (ДТС,62) феъли билан **-(i)ğ** қўшимчасидан ясалган. Шу билан бирга, мазкур лексема асарда янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос бўлган: *Ne neñ bar biligtin asiğliğ* (фойдали) *öñin; Aña pand nasihat asiğliž* (беҳуда) *erür.*

«Қадимги туркий тил» луғатида **bir** сонининг «рақам», «дастлабки, илк», «бир хил», «ягона, доимий мавжуд», «қандайдир, аллақандай», «феъл билан бирга келиб, иш-ҳаракатнинг бажарилганлигини ифодалаган», «баъзилари, айримлари» (ДТС,101) сингари семалари келтирилган. «Тафсир» асарида ушбу сўзнинг навбатдаги маънолари учрайди: «бир рақами ва шу рақам ифодалаган энг кичик сон»: *A bir bolur* (1666); отлардан олдин келиб ноаниқлик тушунчасини ифодалайди: *Nälük kältürmäslär änlär üzä bir hujjat*

⁸⁵ Сўзнинг лексик маъноси орқали юзага келган иккинчи лексик маъно ҳосил маъно деб номланди. Қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 76-112.

bālgülüg (163); «биргаликда, баравар»: *Bir yoli* (17613); кўшма сўз таркибида келиб, «доналаб санаш, таъкидлаб кўрсатиш» маъносини ифодалаган: *Tegmā bir* (49,6). «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса лексеманинг ўн хил маъноси қайд этилган (I,269-270). Текширилаётган дoston луғат таркибида ушбу сўз бир нечта маъно касб этган бўлиб, ижодкор улардан маҳорат билан фойдаланганки, бу ўз навбатида, воқеа-ходисаларнинг бадий таъсирчанлигини, асар тилининг жозибadorлигини таъминлаган:

1) «бир рақами ва шу рақам ифодалаган энг кичик сон»: *Bilür bir ney ičrä dalillar miņa*;

2) отлардан олдин келиб ноаниқлик тушунчасини ифодалайди: *Yetär bašqa bir kün bu til bušluđi*;

3) «баъзи, айрим»: *Bilig bilmägändin bir anča buzun*;

4) «ягона, доимий мавжуд»: *Uluđsinma zinhār uluđ bir bayat*;

5) «ака-ука»: *Ata bir ana bir uyalar bu xalq*;

6) «қандайдир, аллақандай»: *Tišisi qalib bir azin är bilä*.

Kün лексемаси Урхун-Енисей манбаларида «Қуёш»: *Kün tođdi qamuđ üzä yaruq bolti* – Қуёш чиқди ва ҳамма томон ёришиб кетди; «сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми»: *Tün künniņ qaršisi ol* – Тун куннинг зиддидир (ДТС,326) семаларида қайд этилган. «Қутадғу билиг» асарида «24 соатга тенг вақт»ни англатган: *Tiriklik küniğä tükäl alqinur* – Ҳаёт кун сайин йўқлик томон кетади (ДТС,326). «Девону луғотит турк» асарида «Қуёш», «сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми» маъноларида келган: *Tün künniņ qaršisi ol* – Тун куннинг қаршисидир (ДТС,326). Дoston тилида уч маънода истифода этилган:

1) «ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи юлдуз»: *Rasullar örünj yüz ol ol yüzrä kün*;

2) «бугун»: *Bu kün qazđu saqinč yarın yük vabäl*;

3) «ҳар куни»: *Anin kündä arta turur bu bida*'.

«Тафсир» асарида «ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи юлдуз» (10611), «сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми» (146,21),

«ўтган ва келгуси кунларнинг бирида» (9,18), «қачондир, вақти келиб» (133,11), «ҳаёт, умр» (7065) семаларида келган. Шунингдек, «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида бу атаманинг форс-тожикча **roz** синоними ҳам учрайди: *Tar ersä keñ ersä bitildi rozin.*

Tüz сўзи Култегин битиги, Турфон матнлари, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» манбаларида «текис ер», «бир хил, айнан», «ишончли, ҳақиқий» (кўчма) каби маъноларда кўзга ташланса (ДТС,602), «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да унинг «сайхон, текислик», «бўз ер» (ЎТИЛ,II,218) семалари кўрсатиб ўтилган. «Тафсир»да «тик, тўғри», «текис ер» маъноларини англатган: *Boyi tüz yüzi körklüg* (138,1); *Tamıǵqa tüşärlär netäg kim tewä kabi tüzdä tayirlar* (131,10). Тадқиқ этилаётган ёдгорлик тилида лексеманинг учта маъноси кузатилади:

а) «текислик»: *Axiliqnı ham xas tüzü haq ögär;*

б) «ҳақиқий»: *Tüzü qul qilurlar äzäd özlärin;*

в) «тўғри»: *Valekin kop erga tüzi börlük ol.* Бу ўринда лексема асардаги туркий **köni** ва арабча **haqiqat**, **haq** истилоҳлари билан синонимик қаторни ташкил этган: *Aǵız til bezägi köni söz turur; Majāz boldi dostluq haqiqat qani; Biligsizgä haq söz tatıqsız erür.*

Köz сўзи илк бор Култегин битигида учрайди: *Körür közüm körmaz tek bolti* – Кўрар кўзим кўрмасдек бўлди (ДТС,320). Лексема «Қутадғу билиг» асарида «очкўз, хасис», «тикилиб қарамоқ», «табассум қилмоқ» семаларда қайд этилган: *Közi ač kiši ačliq qozur* – Кўзи оч киши ўлгандан кейин тўяди; *Sevär sevmäz ersä señä ačti köz; Kičigkä köz ačsa bezüklük bolur* (ДТС, 320-321). Текширилаётган дostonда «кўз», «очкўз, хасис» маъноларида кўзга ташланади: *Tuǵa körmäs erdi adibniñ közi; Yiǵib köñli toymaz közi suq baxil.*

VI-XI асрларда **är** (эр) сўзи «эркак киши», «жанговар, мард» маъноларида ишлатилган (ДТС,175). «Девону луғотит турк» асарида **ärän**, **ärkäk** сўзлари «эр киши» маъносини англатган (ДТС,176, 179). Тадқиқот объекти қилиб олинган дostonда **är**, **ärän** шакллари қўлланган:

а) «эркак киши»: *Tişisi qalib bir azin är bilä*; «мард»: *Är eñ ezgügisidin öküş xayr kelür*; *Söñäkkä yilik tek äränä bilig*.

«Олтун ёруғ», Тўнюкүк, Турфон матнларида «тоза», «олижаноб», «ҳақиқий» маъноларини ифодалаган **arig** лексемасидан ясалган **arigsiz** сўзи «Қутадғу билиг» асарида «ифлос, жирканч», «нопок» семаларини англлатган: ... *Arigsiz kişiniñ arigsiz aşi* – Нопок кишининг овқати ҳам нопок бўлади (ДТС,52). Истилоҳ «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида айни шакл ва семада қўлланишда бўлган: *Ne türlüк arigsiz arir yuv desä*; *Jāhil yub arimas arigsiz erür*.

Турфон матнларида **yalgan** сўзи «ёлғончи» маъносида келган: *Kertü tünliğlar az ezük yalğan tünliğlar üküş* – Тўғри инсонлар оз, ёлғончи кишилар кўп (ДТС,228). «Қутадғу билиг» асарида «ёлғончи», «алдов, ёлғон» маъноларида берилган: *Tiliñdä cıqarma bu yalğan sözüñ* – Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг (ДТС,228). Достонда ҳам айни маъноларни кўриш мумкин: *Tili yalğan ertin yıraq tur tez-ä*; *Köni söz asal tek bu yalğan basal*. Моний ёзувида битилган ёдгорликларда **ezük** лексемаси «ёлғончи, мунофиқ», «ёлғон» тушунчаларини англлатиш учун хизмат қилган: *ezük suу yazıuq* – ёлғон, хато, гуноҳ (ДТС,192). Бу сўз сўнгги давр асарларида учрамайди.

Демак, лексема тарихий тараққиёт асносида қўлланиш доираси чекланиб, кейинчалик ўз ўрнини дастлаб синоними сифатида ишлатилган **yalgan** сўзига бўшатиб берган. Бу сифат қадимги туркий тилдаги «алдам-қалдам гаплар» семасидаги **yal** отидан **-ğa** қўшимчаси билан ясалган феълга **-n** аффиксини қўшиш натижасида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, I, 166).

Лексеманинг лексик-семантик ҳаракати системли ва ассистемли муносабатларнинг мураккаб қоришмасини рўёбга чиқаради, лексик бирликлардаги тарихий-ижтимоий ўзгаришларни акс эттиради. Шу боис, лисоний янгиликларни нафақат сўз яшаш усуллари, шунингдек, маъно хусусиятлари жиҳатдан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Тилда узок вақтлар давомида инсонлар мулоқоти учун хизмат қилиб келаётган лексемаларга янги маъно юклатилиши билан боғлиқ лисоний ҳодисани ҳам

диахрон, ҳам синхрон аспектларда тадқиқ этиш муҳим масалалар сирасига киради.⁸⁶

Сўзнинг лексик маънога эгаллиги уни тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги эканлигини белгилайди. Бироқ барча сўзлар ҳам лексик маънони ифодаламайди. Шу боис, ўзбек тилшунослигида лексик маънога эга ва эга бўлмаган сўзларни фарқлаш, тил ва нутқ ҳодисаларининг номларини ажратиш мақсадида лексик маъно ифодалайдиган сўзларга нисбатан лексема атамаси қўлланмоқда. Демак, тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги лексик маъноли сўз ёки лексемадир.⁸⁷

Лексик маъно ҳамма вақт муайян сўзнинг семантик таркибига киради. Сўзда грамматик маъно ҳам, сўзловчининг ўз нутқига бўлган муносабатини билдирувчи маъно ҳам бор. Бироқ буларнинг ўзи лексик маъно бўлолмайди. Лексик маъноли сўз гап бўлаги вазифасини бажаради, шунингдек, морфологик категориялар маъноси, эмоционал-экспрессив ва услубий маъно ифодасини беради⁸⁸.

Сўзнинг лексик маъноси анча барқарор бўлса-да, узоқ йиллар мобайнида маълум омиллар таъсирида ўзгариб боради: 1) экстралингвистик омиллар – ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, онг, тафаккур ривожига ва бошқалар; 2) Лингвистик (лисоний) омиллар – тил бирликларининг тил системаси ичидаги муносабатлари.⁸⁹ Бинобарин, сўз маъноларининг ўзгариши хилма-хил ва мураккаб жараён ҳисобланади. Жумладан, лексема маъносининг торайиши, кенгайиши ва янги сема касб этиши узоқ давр маҳсулидир. Шу маънода, «Ҳибатул ҳақойиқ»да қўлланилган лексемаларни маъно ўзгаришига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) семантик структурасида торайиш юз берган сўзлар; б) маъно кенгайишига учраган сўзлар.

⁸⁶ Брагина А.А. Лексика языка и культуры страны. –М., 1981. –С. 28. Қаранг: Дадабоев Ҳ. «Қисаси Рабғузий»да қўлланган сал- феълининг семалари хусусида // Ўзбек тилшуносли масалалари. – Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2006. – Б. 22.

⁸⁷ Ҳакимова М. Семасиология. – Т., 2008. – Б. 31.

⁸⁸ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 47.

⁸⁹ Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2004. – Б. 21.

1. Семантик структурасида торайиш юз берган сўзлар. Маъно торайиши – аввал кенг ҳажмдаги воқеликни ифодаловчи маънонинг кейинчалик тор доирадаги воқеликни англатишга ўтишидир.⁹⁰ Лексик маънонинг торайишида у ифода этган референтнинг маълум қисмлари дифференция бўлиб, бошқа бир ном билан аталиб кетади. Натижада сўзнинг лексик маъносида торайиш кечади⁹¹. Тадқиқ этилаётган асар луғат таркибидаги бир қатор лексемаларда маъно торайиш ҳодисаси юз берган, яъни сўзларнинг муайян семалари истеъмолдан чиққан. Жумладан,

Асар тилида **ürün** атамаси «оқ» маъносини билдирган: *Rasullar örün yüz ol ol yüzrä kün*. Ушбу сўз биринчи марта Тўнжукўк ёдгорлигида кўзга ташланади: *Sariğ altun ürün kümüş* – Сариқ – олтин, оқ – кумуш (ДТС,627). Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида «оқ», «тоза» маъноларини ифодалаган: *Saqalīñ ürün boldi keldi ölüm* – Соқолинг оқ бўлса, ўлим келди деб ҳисоблайвер (ДТС,627).

Гарчи дostonда **aq** сифати ишлатилмаган бўлса-да, у илк бор «Ирк битиг»да «кул ранг, бўз» (от туси) маъносида ишлатилган: *Aq bisi qulunlamış* – Кулранг бияси қулунлади. Мазкур лексик бирлик Турфон матнларида кўчма маънода «яхши таъсир кўрсатадиган, кўнгилдагидек, ижобий» семасини англатган: *Aq qišin az* – Инсонга хуш ёқадиган ишинг кам (ДТС,48). Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида сўзнинг дастлабки маъноси сақланиб қолган ҳолда, унинг янги «оқ» семаси ривожланади: *Aq bulut* (МК, I,258).

Демак, маълум бўладики, қадимги туркий тилда «оқ» семасини *ürün* лексемаси ифодалаган. **Aq** сифати эса айни маънода XI асрдан бошлаб ишлатила бошланган.

Ağu моний ёзув ёдгорликлари ҳамда Берлин тўпламидан ўрин олган уйғур ёзувидаги хужжатларда «заҳар», «заҳарли бўлиш, заҳарли» маъноларини ифодалаган: *Sizlärde almiş ağu...* – Сизлардан заҳар олмиш (ДТС,24). Тадқиқ қилинаётган манбада лексеманинг биринчи маъноси қайд

⁹⁰ Ҳақимова М. Семасиология. – Т., 2008. – Б. 67.

⁹¹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 113.

этилган: *Yoqtaqqa (yoqataqqa) yumşaq içi pur ağu*. Ушбу сўз қадимги туркий тилда «заҳарламоқ» маъносини англлатган **а:ғ-** феъли билан **-ї** кўшимчасининг **-u** шаклидан ясалган (ЎТЭЛ, I, 267).

«Билим» тушунчаси илк марта Култегин битигтошида «билим-тажриба орттирмоқ» маъносини англлатган **bil-** феълидан **-(i)g** аффикси орқали ясалган (ЎТЭЛ, I, 50) **bilig** лексемаси ёрдамида очиб берилган: *Ayığ bilig anta öyür ermiş* – Улар у ердан ўзларига ёмон билимларни ўзлаштириб олган (ДТС, 99). Лексема «Девону луғатит турк» да ўзининг асл маъносини давом эттирган: *Ula bolsa yol azmas, bilig bolsa söz yazmas* – Белги бўлса, одам йўлдан адашмайди, билим бўлса, киши сўзда янглишмайди (МК, I, 108). Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзнинг «ақл, идрок», «ҳикмат» (I, 367) маъноларини ҳам кўрсатиб ўтади: *Bilig kişi ara ülüglüg ol* – Ақл инсонлар ўртасида тақсимланган (ДТС, 100). Берлин тўпламидаги уйғур ёзувида битилган хужжатларда лексик бирликнинг тўртинчи, яъни «эҳтиёткорлик» маъноси учрайди: *Yiti biligin yarmış kergäk* – Ярани жуда эҳтиёткорлик билан очиш лозим (ДТС, 100). Достон тилида **bilig** лексемаси асосан «билим» семасини англлатиш учун хизмат қилади: *Bilig bildürür ergä bilig qadrini*. Айни пайтда, ушбу истилоҳ янги сўзлар ҳосил қилишда асос вазифасини ўтаганини кўйидаги мисолда кўриш мумкин: ***Biliglig biligsiz qačan teñ bolur***.

Tariğ (НФ, 188a17) лексемаси биринчи марта Урхун-Енисей манбаларида «дон, уруғ» тушунчасини ифодалаган: *Tariğ bişdi yaş ot ündi yülqıqa kişikä esgü bolti* – Дон пишди, ям-яшил ўтлар унди, чорва ва инсонларга яхши бўлди (ДТС, 537). Маҳмуд Кошғарий мазкур сўз кўпчилик турк қабилаларида «буғдой», ўғузларда «тариқ», яъни «донини оқлаб, сўк олинадиган бошоқли ўсимлик» (I, 354) маъноларини билдирганлигини эътироф этади. «Қутадғу билиг» достонида «дехқончилик» маъносида кўзга ташланади: *Tariğçi tariğda erik bolsun* – Дехқон дехқончиликда ўз ғайрат-шижоатини намоён этсин (ДТС, 536). Достонда **tariğ** фонетик шаклида «дон» семасида ишлатилган: *Tariğlıqda qatılan tariğ ezgülik*. Шунингдек, бу мисолда атама янги сўз ясаш учун асос бўлганини ҳам кузатиш мумкин.

Демак, **tarīg** отининг «дон, уруғ» семемаси бошқалари учун денотат саналади. Кейинги даврларга келиб, сўзнинг бу маъноси истемолдан чиқиб кетган, фақатгина «тарик» семаси сақланиб қолган. Лексик бирлик қадимги туркий тилда «экин эмок» маъносини англатган **tarī-** феъли билан **-ğ** аффиксидан ясалган (ЎТЭЛ, I, 322).

Махмуд Кошғарий луғатида **qarī** лексемаси «қўл узунлигидаги ўлчов», «бўз ўлчайдиган ўлчов, газ» маъноларини англатган (III, 242). «Тафсир» да текширилаётган сўзнинг дастлабки маъноси учрайди: *Ul adamniñ iki yüz qarī bu yüklüki ärdi* (38613). XII-XIV асрга оид уйғур ҳуқуқий ҳужжатлари ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида атаманинг «қўл узунлигидаги ўлчов», «қўлнинг елкадан тирсаккача бўлган қисми» семаси қайд этилган: ... *Yüz eki bağliğ uzun qarīta böz alip* – Узунлиги қари ҳажмидаги бир юз икки боғламли материал (бўз) олмок (ДТС, 426); *Qarīğa qonar ham qafasqa kirür* – Қўлга қўнади ва қафасга киради. Алишер Навоий асарларида «бир метр чамасидаги ўлчов бирлиги»ни ифодалаган (НАЛ, 730). *Qarī* XIX асрда Хоразмда 148,94 см, Бухорода 320, 04 см, Фарғонада 164, 45 см ни ташкил этган. Тошкентда эса унинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчиси бозор қариси – 177, 8 см, иккинчиси хон қариси – 213, 36 см га тенг бўлган⁹². Мазкур сўз асли «қўлнинг елкадан тирсаккача бўлган қисми» маъносини англатган **qar** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-ī** аффикси билан ҳосил қилинган. Ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ī** унлисининг каттиқлик белгиси йўқолган: **qar + ī = qarī > qäri** (ЎТЭЛ, I, 525).

Köl сўзи Турфон матнларида «сув тўпланадиган жой, қўл» маъносини ифодалаган: *Quği quš uçti kölingä qonmas* – Оққуш ўз қўлига қўнмасдан учиб кетди (ДТС, 313). «Девон»да қуйидаги маъноларда келган: «ҳовуз», «тўпланиб қолган сув, қўл»; «денгиз»: *köl köpügi* (III, 148-149). Ўрганилаётган асарда лексеманинг бош (денотатив), яъни «сув тўпланадиган жой, қўл» маъноси мавжуд: *Ya mäydan tek ol gul karam al köl ol.*

⁹² Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. –М.: Наука, 1970. –С. 118.

Қадимги туркий тил манбалари, яъни «Олтун ёруғ» асари, моний ёзув ёдгорликлари ва Турфон матнларида **qatīğ** сифати «қаттиқ» (ДТС,433), «қаттиққўл, шафқатсиз» (ДТС,433), «кучли» семаларини ифодалаган: *Adawaki yek qatīğ ünin qiqirib* – Адаваки кучли товуш билан қичқирди (ДТС,433). Қорахонийлар даври ёдномаларида «қаттиқ»: *Ol qatīğ neḡni yumṣatti* – У қаттиқ нарсани юмшатди; «қаттиққўл, шафқатсиз»: *Azunta neḡi bar ölümdin qatīğ* – Дунёда ўлимдан шафқатсиз яна нима бор; «кучли», «мустаҳкам» маъноларини кузатиш мумкин (ДТС,433). «Ўрта Осиё тафсири»да сифат «одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган» (20,6); «кучли» (27,17); «қийин, машаққатли» (27619); «кишига оғир ботадиган, уни ранжитадиган» (28,24); «шафқатсиз» (4567) семаларида ишлатилган. Аҳмад Югнакий ўз асарида ушбу лексемага учта маъно юклаган:

1) «одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган»: *Baxilğa qatīğ ya oqun kizlägil*;

2) «мустаҳкам»: *Qazā qaytarilmas qatīğ ya qurub*;

3) «кучли»: *Qatīğ kizlä rāziḡ kiṣi bilmäsün*. Бундан ташқари, мазкур лексема дoston тилида янги сўзлар яшашда ҳам иштирок этган: *Bu aṣun mazasī qatīğliḡ maza*; *Aya ranj qatīğsiz sorur umḡiṣi*.

2. Маъно кенгайишига учраган сўзлар. Маълумки, ҳар қандай сўз дастлаб пайдо бўлган пайтда моносемантик бўлади. Бироқ сўз маъноси доимий тараққиёт натижасида унинг семантик структураси ўзгариб, полисемантик лексемага айланиши мумкин. Демак, даставвал тор доирадаги воқеликни англлатган лексеманинг кейинчалик кенг миқёсдаги воқеликни билдириши маъно кенгайиши ҳодисаси ҳисобланади.⁹³ Мазкур жараён дoston лексикасида бир маъноли сўзнинг полисемантикликка қараб силжиши, унинг ранг-баранг янги маънолар билан бойиши, кўп маъноли сўзлар семантик тузилишининг кенгайиши, кўчма маъноларнинг шаклланиши ҳисобига содир бўлган. Албатта, бу, ўз навбатида, муаллифнинг

⁹³ Турсунов У.Т., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 86.

сўзларни ўз ўрнида ишлатиш, уларга қўшимча маъно юклаш, жозибадорлик бахш этиш маҳоратининг юқорилигидан далолатдир. Энди мисоллар таҳлилига киришамиз.

Оғ лексик бирлиги моний ёзувидаги ёдномаларда, Маҳмуд Кошғарий «Девон»и ҳамда Турфон матнларида «гавданинг юрак ўрнашган томонга карама-қарши жойлашган тарафи», «тўғри» маъноларини билдирган (ДТС,367). «Тафсир»да отнинг дастлабки маъноси сақланган: *Äwrämiz anlarni oғ yan sol yan* (1610). Лексема кейинги даврларда ҳам зикр қилинган маъноларда қўлланилган. Буни «Хибатул ҳақойиқ» асарида яққол кўриш мумкин: «ўнг»: *Ökünç ol aғa yoғ oғ anda azin*; «ғарб»: *Ötüb bir-birigä yürür oғ soғa*; «боши»: *Ol işniғ oғini soғini saғin*.

Демак, *оғ* сўзининг зикр этилган семемаларидан биринчиси денотатив, қолганлари коннотатив маъно ҳисобланади.

Асардаги **kötär//kötür-** феълининг семалари ҳақида фикр юритганда, айтиш лозимки, ушбу лексема Култегин битигтоши, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида **көтүр-** (Тафсир,129,11) шаклида «кўтармоқ», «кўтариш, улуғламоқ», «йўқ қилмоқ» (ДТС,320) каби маъноларни англатган. Олиб борган изланишларимиз асносида дostonда феълнинг қуйидаги маъноларда қўлланилганлигига гувоҳ бўлдик:

- а) «кўтармоқ»: *Niqāb kötrür açun birär yüz açar*;
- б) «улуғламоқ»: *Tavāzi 'qilīqni kötrür izi*;
- в) «олиб ташламоқ»: *Vabāl kötrü bardī üzälä söküş*;
- г) «йўқ қилмоқ»: *Xasislarni kötrüb nafsni çalib*.

Kötär//kötür- лексемаси қадимги туркий тилдаги «юқорига ҳаракатланмоқ» маъносини англатган **köti-** феълига **-r** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, бунда иккинчи бўғиндаги **i** унлиси **ü** унлисига, бу унли ўз навбатида **ä** унлисига алмашган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: *köti-+r- kötir->kötür->kötär-> kötär*.

Kün лексемаси Урхун-Енисей манбаларида «Қуёш»: *Kün toğdi qamuğ üzä yaruq bolti* – Қуёш чиқди ва ҳамма томон ёришиб кетди; «сутканинг қуёш

чиқишидан ботишигача бўлган қисми»: *Tün künniñ qaršisi ol* – Тун куннинг зиддидир (ДТС,326) семаларида қайд этилган. «Қутадғу билиг» асарида «24 соатга тенг вақт»ни англаган: *Tiriklik küniğä tükäl alqınur* – Ҳаёт кун сайин йўқлик томон кетади (ДТС,326). «Девону луғотит турк» асарида «Қуёш», «сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми» маъноларида келган: *tün künnüñ qaršisi ol* – Тун куннинг қаршисидир (ДТС,326). Достон тилида уч маънода истифода этилган:

1) «ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи юлдуз»: *Rasullar örüñ yüz ol ol yüzrâ kün;*

2) «бугун»: *Bu kün qazğu saqinč yarın yük vabāl;*

3) «ҳар куни»: *Anin kündä arta turur bu bida’.*

«Тафсир» асарида «ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи юлдуз» (10б11), «сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми» (14б,21), «ўтган ва келгуси кунларнинг бирида» (9,18), «қачондир, вақти келиб» (133,11), «ҳаёт, умр» (70б5) семаларида келган.

Тўньюққ битигтошида **yol** сўзининг «барча нарсалар қатнови натижасида из босилиб ҳосил бўлган қатнов қисми» семаси келтирилади: *Kögmän yolı bir ermiş* – Кўкманда бир йўл бор (ДТС,270). Моний ёзув манбаларида «имкон чораси» маъносини англаган: *Sen üç yolı inča tez ayğil* – Сен уларга учта имкон чораси ҳақида гапиргил (ДТС,270). Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «йўл», «ҳаёт йўли, умргузаронлик» семаларини билдирган: *Ula bolsa yol azmas* – Белги бўлса йўлдан адашмайди; *Yol oğur bolsin* – Хайрли йўл бўлсин (ДТС,270). Ушбу лексема ўрганилаётган асарда тўрт хил маънода ишлатилган. Бу эса, ўз навбатида, текширилаётган сўз маъно кўламининг кенгайишидан дарак беради. Асар луғат таркибида зикр қилинган атама қуйидаги семаларни ифодалаган:

1) «инсонлар, жониворлар ва бошқа нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм»: *Kim ol yolluğ ersä anıñ yolı yoq;*

2) «бирор жой, маконга саёхат ёки бошқа мақсадда юриш қилмоқ, жўнамоқ»: *Öñ arqış ozadī qorub yol tutub;*

3) «умр йўли»: *Bilig birlä bilnür sa'dat yolī;*

4) «имкон чораси»: *Kim ol yolsuz ersä aña keñrū yol.*

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида **köni** лексемаси қуйидаги маъноларни англатган: «рост, тўғри»: *Ağiz til bezägi köni söz turur;* «виждонли, инсофли, ҳақиқий»: *Miñ er dostda biri bulunmas köni;* «ишончли, чин дўст»: *Köni dostuñ ersä taşī bil muni;* «адолат»: *Köni keltügünçä xayr ketgüük;* «тўғри бўлмоқ»: *Köni bol köni qil atıñ köni.* Ушбу сўз Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида «тўғри», «адолатли» маъноларида учрайди: *Sen utru köni yolqa kirdiñ... – Сен рўпарадаги тўғри йўлга кирдинг (ДТС,315).* Маҳмуд Кошғарий луғатида «тўғри» семасида қайд этилган: *köni er* (МК,1,326). Достон сўз бойлигида ўзлашманинг хитойча **čīn** ва арабча **haqiqat, haq** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Dad insāf tutar čīn anuşirvaniy; Majāz boldi dostluq haqiqat qani; Biligsizgä haq söz tatiqsiz erür.*

Tur- феъли Урхун-Енисей ва Турфон матнларида «бўлмоқ», «яшамок» маъноларини билдирган: *Evtä tursa iglig bolur – Уйда бўлса касалликка чалинади (ДТС,586)* семалари кузатилади. «Девону луғотит турк» асарида «оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ», «бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ»: *Ol munda turuğsaq ol – У бу ерда туришни хоҳлади, «бирор жой-маконда истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ; яшамок»* маъноларида кўзга ташланади (ДТС,586). «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида қуйидаги семаларда қўлланган:

1) «оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ»: *Aniñ kündä arta turur bu bida’;*

2) «бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ»: *Qani kendü ezgü kişi turğu yer;*

3) «кутган ҳолда бўлмоқ, бўлиши, юз бериши, келиши умидида бўлмоқ, шу мақсадда ўзини тутмоқ»: *Kütüb tur farahqa bala-ranj yütüb;*

4) «узоқлашмоқ»: *Tili yalğan ertin yïraq tur tez-ä;*

5) «сингмоқ»: *Serib sendä rāzīñ siñib turmasa;*

б) «худога солмоқ»: *Jazā' qīlma ya ranj izisi turub*;

7) -дир кесимлик аффикси ўрнида: *Ağiz til bezāgi köni söz turur*.

Таҳлиллар ва билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, матннинг турли стилистик тузилишига кўра, сўзларни ҳар хил маъноларда ишлатиш мумкин. Аҳмад Югнакий лексемаларнинг мазкур хусусиятидан лингвистик қоидаларга мувофиқ тарзда фойдаланиб, уларни ранг-баранг маъноларда қўллашга муваффақ бўлган. Бу эса муаллифнинг нафақат диний, шунингдек, тилшуносликка оид билимларни ҳам пухта ўзлаштирганлигидан далолатдир. Кези келганда таъкидлаш жоизки, тарихий таракқиёт жараёнида тилдаги сўзлар бош семасидан ташқари кўчма маъноларга ҳам эга бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сўз маъноларининг ривожланиш қонуниятларини диахрон аспектда текшириш тилдаги ўзгаришларни, унинг лексик бойлигини аниқлашга, луғатлар тузиш ишларига ёрдам беради.

3.2-§. Асар луғат таркибидаги парадигматик муносабатлар

Омонимия муносабатларини белгилашда тил бирликларининг икки томони – ифода ва мазмун плани ҳисобга олинади. Синонимия ва антонимияда тил бирликларининг мазмун плани асосга олинса, омонимияда ифода плани етакчи саналади. Ифода плани деганда икки жиҳат назарда тутилади: талаффуз, айтилиш (товуш ифодаси) ва ёзилиши (харфий ифода)⁹⁴.

Омонимларнинг тилда пайдо бўлиш сабаблари турличадир: авваллари ҳар хил айтилиб, бир хил эшитиладиган сўзлар талаффузининг тарихий жараёнда товуш алмашиниши ёки талаффуз ўзгариши натижасида бири-бирига мос келиб қолиши; бошқа тиллардан ўзлашган лексемаларнинг талаффуз ва ёзилиш жиҳатдан она тилидаги сўзларга мос келиб қолиши; тилда мавжуд бўлган кўп маъноли сўз семаларининг бир-биридан узоқлашиши ва ҳоказо⁹⁵.

⁹⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1984. –Б. 5.

¹⁰⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. –Б. 539.

Ўзбек тилшунослигида омонимия ходисасини ўрганиш борасида муайян тажриба тўпланган бўлиб⁹⁶, унга асосланган ҳолда «Ҳибатул ҳақойиқ» асаридаги шаклдош сўзларни таҳлил қилишни лозим топдик.

Омонимияда икки хил ҳодиса мавжуд: омонимлар ва омоформалар. Омонимлар шакли бир хил, маънолари ҳар хил (ўзаро боғланмаган) лексемалардир. Улар омоним омолексемалар деб ҳам аталади. Омоформалар айрим грамматик шакллардагина тенг келадиган сўзлардир. Улар омоформа омолексемалар деб ҳам номланади⁹⁷.

Ифода жиҳати бир хил икки лексик бирлик омоним омолексемалар деб баҳоланиши учун улар грамматик шаклланиш нуқтаи назаридан бир хил бўлиши лозим, бунинг учун эса улар айна бир туркумга мансуб бўлиши керак; бошқа-бошқа туркумга мансуб бўлса, грамматик шаклланиш жиҳатидан бир хил бўлиши даркор⁹⁸. Тадқиқот объекти қилиб олинган манба луғат таркибида қуйидаги омоним омолексемалар кўзга ташланади:

1) **от+от: баш** «бош»: *Бурун башқа бөркни кэйәр баш кэрәк*⁹⁹; **баш** «яра, жароҳат»: *Башақ турса бүтмәс бүтәр оқ башы*; **көк** «асл, таг»: *Көки көрклүк эрнің хуйы керклүк ол*; **көк** «илдиз, томир»: *Адават көкини қазыб кэс кечур*; **ата** «ота»: *Ата бир ана бир уйалар бу халқ*; **ата** «ато, яратиш»: *Ата қылды шаҳымға бу жумланы*; **амал** «умид, истак»: *Йимә пандым алғыл озатма амал*; **амал** «амал»: *Амал қойды алим захид зуҳд видаъ*; **таш** «тош»: *Санурму эзиз қум ушақ таш саны*; **таш** «ташқари»: *Бақыб таш бэзәкин көрүб сән муңа*;

⁹⁶ Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида омонимлар ва синонимлар. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари. –Т.: 1959; Миртаджиев М. Возникновение лексических омонимов в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1964. –20 с.; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархада и Ширин» Алишера Навои. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1973. –20 с.; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –157 б.; Насыров И. Лексика «Маджалис ан-нафис» Алишера Навои // Проблемы лексики старобухарского языка. –Т.: ФАН, 1989. –С. 87-140; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.; Абдушукуров Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар. Филол. фан. ном...дисс. автореф. –Т., 1998. – 26 б.; Зоҳидов Р. «Сабот ул-ожизин» асари лексикаси. Филол. фан. ном...дисс. автореф. –Т., 2001. –26 б.; Беширов Б. Омонимия в современном кумыкском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. –Махачкала, 2002. –20 б.; Суёнов З. Омонимия ногайского языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –Махачкала, 2004.

⁹⁷ Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. –Б. 41-42.

⁹⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами –Т.: Университет, 2001. –Б. 323.

⁹⁹ Мисоллар Қозокбой Маҳмудовнинг «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида» китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

2) **фeъл+фeъл: аңа** «бағишламоқ»: *Аның йады бирлә шакар шаҳд аңа;* **аңа** «англамоқ, тушинмоқ, билмоқ»: *Укуш ҳуш йәтитиб сөзумни аңа;* **сан-** «бағишламоқ»: *Сәнә сандуғуңни мусулманға сан;* **сан-** «санамоқ»: *Санурму эзиз қум ушақ таш саны;* **сан-** «ўйламоқ, фикрламоқ»: *Саныб сөзләгән эр сөзи сөз сағы.*

Ифода жиҳати бир хил икки лексик бирлик омоформа омолексемалар деб баҳоланиши учун улар грамматик шаклланиши нуқтаи назаридан фарқланиши лозим. Бунинг учун улар ҳар хил грамматик шаклларга эга бўлиши керак¹⁰⁰. Достон тилида бир неча туркум лексемалар ўртасида содир бўлган қуйидаги омоформа омолексемалар ифодаланган:

а) **от+фeъл: ич** «ич, ичкари»: *Йомаққа (йоқамаққа) йумшақ ичи бор ағу;* **ич-**«ичмоқ»: *Йығар йэмәс ичмәс тутар бәрк аны;* **йаз** «кўклам, баҳор»: *Кәлүр күз, кәчәр йаз барур бу умур;* **йаз-** «ёзмоқ, ёймоқ»: *Йазар қол қучар тәк йана тәрк қачар;* **йаз-** «гуноҳ қилмоқ, янглишмоқ»: *Нә йазды ачунга бу саҳиб унар;* **көр** «кўзи очиқ, кўрувчи»: *Бу ачун көр эргә көрүмлүк ташы;* **көр-** «кўрмоқ»: *Йәйүмәди барды көрүң ҳалины;* **мун** «туб, асос»: *Ҳарислық қылу (в) му/в/ муны эзгурәк;* **мун** «янглишмоқ»: *Адув қутсуз ачун қарыбму мунар;* **таш** «тош»: *Санурму эзиз қум ушақ таш саны;* **таш** «тошмоқ»: *Жафа толды ташты дәнзтин эзиз;* **түш** «туш»: *Йарынғы булут тәк йа түш тәк халы;* **түш** «тушмоқ»: *Рабатка түшүгли түшәр көчгүлүк;*

б) **от+сифат: бәк** «бек, амир»: *Дад испахсалар бәк үчүн бу китаб;* **бәк** «бек, ёпиқ»: *Сәнә ҳасрат ол бәк тутуб турдуруң.* **йиг** «касаллик»: *Бахиллық оталаб оңалмас йиг ол;* **йиг** «яхши, дуруст»: *Ким ол борчы эрсә киши йиг ол;*

йүз «юз, бет»: *Расулар өруң йүз ол ол йүзрә кун;* **йүз** «юзаки»: *Толулаб кәтүрдум кәмиштим йүзүг;* **таң** «қизик, ажойиб»: *Түнүн кәтәриб баз йарутур таңа;* **таң** «қизик, ажойиб»: *Қабул қылса таң йоқ бу аз ҳадйаны;*

в) **от+сон: қол** «қўл»: *Йазар қол қучар тәк йана тәрк қачар;* **қол** «дона»: *Ики қол динарны ол он қол қылуғ;*

¹⁰⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами –Т.: Университет, 2001. – Б. 331.

г) **от+фeyл: кир** «кир»: *Ахылық қамуз айб кирини йуйур; кир-«кирмоқ»:* *Өлуб йитсә тупрақ ичигә кириб;*

д) **сифат+фeyл: бүт** «бутун, тугал»: *Эшит бүт бу сөзгә қамуз тәң-дә тәң; бүт-* «тузалмоқ, ўнгалмоқ»: *Башақ турса бүтмәс бүтәр оқ башы; түш* «тенг»: *Түрәтмишдә йоқ бил аңа түш – тәңә; түш-* «тушмоқ»: *Рабатка түшүгли түшәр көчгүлүк; узун* «тубан, паст»: *Биликни биликсиз узун нә қылуз; узун-* «уйғонмоқ»: *Айа шак йолыда йәлигли узун;*

е) **равиш+от: йарын** «эрта»: *Бу күн қазғу сақынч йарын йүк вабал; йарын* «киёмат»: *Йарын қобса болсун йаранлар башы;*

ё) **равиш+фeyл: аз** «оз» *Навадир сөзүг аз булуз азл өкүш; аз-* «адашмоқ, янглишмоқ»: *Такаббур либасын кәйиб аз салын; қач* «кўп, мўл»: *Эшит әмди қач байт ҳабиб фазлытын; қач* «қочмоқ»: *Йазар қол қучар тәк йана тәрк қачар;*

ж) **модал сўз+фeyл: бар** «бор»: *Бу күн бар йарын йоқ бу дунйа нәңи;*

бар- «бормоқ»: *Эри барды қалды қуруз тәк йәри.*

з) **сон+фeyл: қары** «қари, ўлчов бирлиги»: *Қарыға қонар ам қафасқа кируз; қары-* «қаримоқ»: *Ҳарислық қарымас изиси қарыб.*

Қайд этилганлардан маълум бўладики, «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида омонимия ҳодисаси битта сўз туркуми (от+от, фeyл+фeyл) ва бир неча сўз туркумлари (от+фeyл, от+сифат, от+фeyл, сифат+фeyл, raviш+фeyл, raviш+от, модал сўз+фeyл, сон+фeyл) доирасида кечган ҳамда лексик бирликларни тил қонуниятларига мувофиқ янги маъно-мазмун билан бойитишга хизмат қилган.

Синонимия. Синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир. Ана шундай умумий маъно билан ўзаро боғланувчи сўзлар гуруҳи синонимик қаторларни ташкил этади. Синонимик қаторлар икки ёки ундан ортиқ лексемалардан иборат бўлиши

мумкин¹⁰¹. Бир сўз билан айтганда, синоним сўзлар аниқ семантик алоқа асосида боғланган луғавий бирликларнинг аниқ тизимидир¹⁰².

Тил бирликларининг, жумладан, лексемаларнинг синонимлиги деганда, одатда, уларнинг бир хил ёки бир-бирига яқин маъноли бўлиши назарда тутилади. Лекин бир хил маънога эгалик билан маънога кўра бир-бирига яқинлик ўзаро фарқли ходисалардир. Шу боис, айтилган бир ходисага, хусусан, синонимияга нисбатан «бир хил маъноли», «бир-бирига яқин маъноли» бирикмасини бефарқ қўллаб бўлмайди. Чунки бу ходисанинг моҳиятини аниқ белгилаш, тасаввур қилишга халақит беради. Бинобарин, улардан бирини танлаш, ходисанинг моҳиятини тўғри ифодаладиганини белгилаш ва шунисини қўллаш керак бўлади¹⁰³. Синонимлар айтилган бир тил вакилида айтилган бир даврда қўлланадиган бир туркум доирасидаги сўзлардан ташкил топади. Улар чет тилидан, шевалардан адабий тилга сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди¹⁰⁴.

Туркология ва бошқа тилларда синонимларни тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар¹⁰⁵ амалга оширилган бўлиб, улар «Ҳибатул ҳақойиқ» асари сўз бойлигидаги маънодош лексемаларни ўрганишда алоҳида диққатга сазовордир. Достонда қайд этилган синонимларнинг аксарияти туркий сўзлар

¹⁰¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1974. –Б. 3.

¹⁰² Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 3.

¹⁰³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Т.: ФАН, 2010. –Б.124.

¹⁰⁴ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 214.

